

*Егор Исаев*

# УМРИМ ДОСТОНИ

*Достонлар*

---



ТОШКЕНТ

---

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти  
1984

Р  
М85

Редколлегия

Сарвар Азимов (редколлегия раҳбари), Ҳафиз Абдусаматов, Жуманиёз Жабборов, Зулфия, Саъдулла Кароматов, Мирмуҳсин, Муҳаммад Али, Назир Сафаров, Александр Удалов, Туроб Тўла, Раҳмат Файзий, Пирмат Шермухамедов, Комил Яшин, Матёқуб Қўшжонов.

И 4702010200—193  
М 352(04)—84 102—84

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат  
нашриёти, 1984 (тарж).

## УФҚЛАРНИ ҚУЙЛАГАН ШОИР

Ҳозирги замон совет шеърятининг улкан вакиллари-дан бири, Ленин мукофоти лауреати Егор Исаев ижоди ҳақли равишда кўп сонли ўқувчилар эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Маълум маънода анъанавий, аynи бир пайтда новаторона ёзилган «Хотира ҳукми» ва «Хотира уфқи» дostonларининг ўнлаб қардош тилларга, хорижий тилларга таржима қилиниши фикри-мизнинг ёрқин исботидир.

Шоир ўз ижодига рус халқ шеърятининг ҳаёт-бахш шабадаларини олиб кирди: Н. А. Некрасов, А. Твардовский каби халқчил шоирлар анъаналарини давом этдирди. Шоир дostonларида реализм унсурлари билан романтик унсурлар бир-бирига қоришиб кетади ва бу нарса уларга ўзига хос ажиб тароват бағишлайди, асарни қизиқ ва ўқишли қилади.

Шоирлар қишлоқда туғилдилар, деган гап юради, Егор Александрович Исаев ҳам 1926 йил Воронеж областининг Коршево қишлоғида туғилган. Унинг отаси оддий қишлоқ ўқитувчиси эди. Егор Исаев ёшлигиданоқ Ватан ҳимоясига отланди — Улуғ Ватан уруши жангларида иштирок этди, фашизмнинг инсоният бошига солган азоб-уқубатларини ўз кўзи билан кўрди, шонли ғалабадан кейин яна беш йил Германия ва Австриядаги совет қўшинлари сафида хизмат қилади, бўлажак шоир ана шу хизмат давридаёқ ёзилажак асарларининг мавзуларини танлаб, дилга тугиб қўйди. Шоир ижодининг бошланиши ҳам шу даврга тўғри келади, у ўн тўққиз ёшида, яъни 1945 йилда ўзининг илк шеърларини ҳарбий газеталарда эълон қилди.

Егор Исаев ҳарбий хизматдан қайтгач, СССР Ёзувчилар союзи қошидаги А. М. Горький номидаги Адабиёт институтига кириб ўқиди. 1955 йилда шоирнинг «Дунай тўлқинлари узра» деб номланган достони Воениздат нашриёти томонидан босиб чиқарилди.

1956—62 йилларда шоир «Хотира ҳукми» асари устида иш олиб борди. Умуман, Егор Исаев бир асар устида узоқ ишлайдиган, ҳар бир сўзни такрор-такрор ўйлайдиган, етти ўлчаб бир кесадиган ижодкорлар сирасига киради. Фирдавсий «Шоҳнома» устида ўттиз йил, Гёте «Фауст» устида олтмиш йил, А. С. Пушкин «Евгений Онегин» устида етти йил, Н. А. Некрасов «Россияда ким яхши яшайди» достони устида ўн уч йил пешона тери тўккан эканлар. Бундай мисолларни яна давом этдириш мумкин. Егор Исаев ҳам «Хотира ҳукми» устида олти йил, «Хотира уфқи» устида эса ўн икки йил меҳнат қилди.

Спортчиларда «марафончи» деган сўз бор. Узоққа чопа оладиган, нафаси узоқ спортчиларни шундай деб аташади. Таъбир жоиз бўлса, Егор Исаев ҳам шеърятда ана шундай «марафончи», катта жанрга, катта мавзуларга қўл урадиган, нафаси узоққа етадиган ижодкордир.

Мана «Хотира ҳукми» достони. Достонни озарбайжончага таржима қилган дўстим, шоир Жобир Наврўз у ҳақда гапириб, бу ҳаяжонли асарни қўйилган масаланинг ечимига кўра шарқча дostonларга ўхшатгим келади, деган эди. Қадим-қадимдан ижодда, тасвирий санъатда ҳамиша бош масала бўлиб келган бир нарса бор. Бу эзгулик билан ёвузликнинг, оқ билан қоранинг, янгилик билан эскиликнинг кураши. Ёвузлик ҳеч қачон жавобсиз қолган эмас, у бешак-шубҳа жавобини олажак — «Хотира ҳукми»да шоир ана шу ҳақиқатни яна бир карра исбот этади. «Достоннинг асосий қаҳрамонларидан бири фашист солдати йигирма ёшлардаги Герман Хорст деган йигитдир. У ҳарбий кийимда гердаиб юради, чунки у, кимсан — «рейхнинг мағрур солибчиси», ерни гурсиллатиб қадам ташлайди. Унга ўқотар(полигон)да фақат «ўлдириш санъати»ни ўргатадилар. У бу «санъат»ни жуда моҳирлик билан эгаллайди. Урушда у жуда кўп бегуноҳларнинг ёстиғини қуритди, беадад oilаларнинг ёниб турган чироғини сўндирди, қадами етган ерларни кулга айлантди. Мана уруш фашистларнинг шармандаларча мағлубияти билан тугади. Герман Хорст ҳам ҳеч нарса кўрмагандек ўз уйига қайтди,

уйнинг ўрнида эса хароба турарди. Ўтмишни, ўзининг қилган ишларини унутган Хорст қилмиши учун жазо олиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмайди. Ҳатто «оёқсиз тўнка»дай бўлиб қолган қўшниси Куртнинг қисмати ҳам уни ўйлантирмайди, Курт эса уруш касофатларидан нолиб гапиради, заҳархандалик билан, қўлтиқтаёгини уйда мебелнинг бир бўлагидай қўйиб қўйишини айтади. Қўлтиқтаёқ ҳам гўё уйни жиҳозлар эмиш... Бу бечора ва нотавон Куртнинг урушга нафрати белгиси. Бир куни Герман Хорст бир пайтлар «ўлдириш санъати»ни ўргатишган ўқотарга бориб қолади ва ўқларни чумлар орасидан кавлаб ола бошлайди. У хурсанд, чунки ўқларни эритиб қўрғошинини олиб сотиш мумкин, ахир қўрғошин «узумдан ҳам қиммат» туради...

Герман Хорст мана шундай «хотирани қулфлаб», яъни ўтган бор гапларни унутиб юравераман, деб ўйлайди. Аммо у адашган эди! Чунки инсон ҳамиша ўзининг қилган ҳар бир иши учун жавобгардир. Хорстни Хотира суд қилади, Виждон суд қилади! Дунёда бундан ҳам ваҳшатлироқ суд бўлмайди, Хотира суди беомондир.

«Хотира ҳукми»нинг ёзилганига йигирма йилдан ошиб кетди. Лекин асар худди кеча ёзилгандай таассурот қолдиради. Бугунги кунда Герман Хорст сингари «хотирасини қулфлаб» олган ёвузлар озми? Ҳар хил қанотли першингларни учирмоққа чоғланганлар йўқ, дейсизми? Афсуски, улар бор. «Хотира ҳукми» ўзининг моҳият-эътибори билан, юксак бадиияти билан ана шундай ёвуздил кишиларни, тинчлик душманларини қатъий огоҳлантиради, уруш оловини ёқувчиларга зарба беради. Достоннинг замонавийлиги ҳам худди ана шунда.

Рангбаранг ва бой рус совет шеъриятида йироқ-йироқлар, кенгликлар, олис уфқлар жуда «кўб ва ҳўб» (Бобур) тасвирланган. Бу ерда ўша Александр Твардовскийнинг «Олис-олислар» достонини айтиб ўтиш kifоядир. Егор Исаевнинг «Хотира уфқи» (1965—77) достони ҳам шу маънода етук ва бақувват асарлардан бири бўлиб қолди.

Инсон кенгликка интилади, бу унинг туғма фазилатидир. Уни уфқлар чорлайди, у кенгликларга, йироқ-йироқларга, олисларга боқмоқ учун дунёга келади. Ма-на, у кичкинагина бўлиб кенгликларга чиқиб бормоқда, оёқларининг остида майсалар ўралашади, шабада сочларини силаб ўтади. Фарзандидан хавотирда бўлган

онаизор эса уйдан туриб, унинг орқасидан: «Уйга! Уйга кир!» деб зориллайди. Уйга кириб бўладими? Олдинда уфқ... Ер билан осмонни бирлаштирган уфқ... Олис-олислар... Адирдан ошиб ғойиб бўлган, номаълум томонларга элтгувчи йўллар, поёнсиз ва сирли йўллар... Ана шуларга талпинади инсон, ўзининг кичик уйдан чиқиб бепоён олам сари, коинот сари қадам ташлайди... Унинг интилишлари, орзулари чексиз. Кўриниб турган, бир қараганда етиш мумкин бўлгандек туюладиган уфқ ҳам чексиз. Лекин улардан ҳам чексизроқ, улардан ҳам бепоён бир уфқ бор — Хотира уфқи! Шоир уфқни ана шундай теран ва рамзий образ даражасига кўтаради, ўқувчини ишонтира олади. Фалсафий бу дostonда кичик уй ва бепоён олам, Уфқ ва Уй, Кун ва Тун сингари рамзий тимсоллар ҳам шунга хизмат қилади.

Ҳар икки дostonни ҳам бирлаштириб турадиган бир образ бор, бу — Хотира образи, инсон хотираси, замон хотираси образидир. Жуда ҳам катта талантнинг, топқирликнинг меваси бўлган бу кутилмаган умумлашма образ узоқ вақт ўқувчи ёдида қолади ва руҳан бойи-тади.

«Хотира уфқи» ва «Хотира ҳукми» дostonлари олий мукофот — Ленин мукофоти билан тақдирланди. Бу нарса икки дostonнинг замонавий совет шеъриятида турган мавқеи ниҳоятда баланд эканлигидан далолатдир.

Егор Исаев ўзининг мақолаларидан бирида, бир асар ёзадиган бўлсам, ҳаёт менинг катта кўмакчим, ҳамдамимга айланади, деб ёзганди. У ҳаётга жуда ҳам фаол аралашадиган шоир, уни бир жойда муқим турадиган шоир деб тасаввур қилиш қийин, у кўп сафарларда бўлади, кўпмиллатли совет шеъриятининг етук намояндалари юбилейларини ўтказишда СССР Ёзувчилар союзи Правлениесининг секретари сифатида доимо жонбозлик кўрсатиб келади. У ўзбек совет адабиётининг жонкуяр дўстларидан биридир.

СССР Олий Советининг депутати, Ленин мукофоти лауреати, шоир Егор Исаев «Умрим дostonи» китобининг ўзбек тилида чоп этилиши маданий ҳаётимизда сезиларли воқеадир. Бу ўзбек ўқувчисининг шеърятга бўлган муҳаббат уфқини кенгайтиради, рус совет шеърятининг икки ёрқин асари билан ошно қилади.

*Муҳаммад Али,*  
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

## Хотира уфқи

### УЙГА ҚИР, УЙГА...

#### 1

Мен ёққа келадир бир булут —  
Оппоқ,  
Билсанг,  
Меники у  
Очибманки кўз.  
Келар ошиб дала,  
Ошиб қир, ўтлоқ,  
Шамол зўриданмас,  
У келар, бесўз,  
Қалбим,  
Хотиротим амри-ла ҳар дам.  
То тирик эканман  
У ҳеч адашмас,  
То тирик эканман.  
У эрур ҳамдам —  
Унда уфқларнинг  
Бари чамбарчас  
Тугашар парашют  
Арқоғи мисол,  
Энг биринчи уфқим —  
Бош уфқим билан!  
Шу уфқ — илकिनим,  
Якка, бетимсол,  
Кўксимда қўнғироқ

У жаранглаган,  
Жаранги гоҳ хушнуд,  
Гоҳи маънос ҳол...  
Шу уфқ йўрғагим  
Боғичи эрур,  
Ўшадир оёғим илк теккаи сўқмоқ.

Юр,— деди,  
Юр, дўмбоқ!  
Шунда мен, тушкур,  
Нотекис ҳавода  
Босгандек қадам,  
Юрдим, ҳарён оғиб,  
Ўзимни яна  
Ўзим ўнглаб олдим,  
Шу фурсат, шу дам  
Ўша илкин уфқим,  
Энг биринчиси —  
Кўзимни тўсдию  
Кўк дурра мисол —  
Бир олам жонланди,  
Оламки, ажиб,  
Ердаю  
Ҳам Ернинг устида ҳол-ҳол  
Мўъжизалар билан,  
Ҳа, менга қараб  
Қаршимда тургучи  
Пахмоқ ити бор,  
Лайлаги қудуқдан  
Сув тортиб берар  
Ҳамда турналарнинг  
Гоҳ мовий кўкдан  
Соҳир «қуррув»лари  
Қулоққа келар.

Олам бепоёндыр...



Тўла кўрмакка,  
Бир-бир ўрганмакка  
Етмагай бир кун.  
Каттакон бир олам  
Муштдек юракка!  
У чулғаб,  
Банд этиб  
Вужудим бутун  
Аста етаклади  
Таниш остона,  
Онамнинг бағридан  
Нарига бехос...  
Яшин бўлиб қилди  
Пўписа яна,  
Қуюнли йўлларда  
Ўзи қўллар боз;  
Шабадани тут,— дер,—  
Чайқатса агар,  
Тўлқинлар мисоли,  
Ҳа, ўзингга торт  
Ва итар  
Ёнбошдан нарига  
Жадал,  
Йиқилсанг —  
Ранжима,  
Асло чекма дард,  
Нотекисман шундоқ,  
Шунақа чигал.  
Азалдан шунақа  
Қурилганман, ҳа,  
Ва шундоқ қолурман  
Билсанг, мангуга...  
Мураккаб,  
Сермушкул оламман,  
Қара,  
Ҳозирча, сен анов қўнғизга.

Эҳ, бўл,  
Манов Хонқизин ҳам  
Кўздан қочирма.  
Мана бунисин ҳам...  
Кўриб ол, турма,  
Буларнинг барчаси,  
Билсанг-чи, агар,  
Тирик алифбомдан  
Эрур бир мисол.  
Унинг маслаҳати ила тонг саҳар  
Ўтлоққа отилдим,  
Ям-яшил денгизга  
Шўнғиган мисол.

2

Кўкатлар-чи, у кез  
Қалин бўларди,  
Ҳамда бўйчан эди  
Менга нисбатан,  
Улар селдек оқиб  
Белга урарди,  
Яна бошим узра,  
Яшнаб, мовий тан,  
Баайни туташиб  
Осмон тоқига  
Гулларин кўз-кўзлар  
Олмасдан нафас...  
Осмон ўз йўлига,  
Мен эсам бирпас  
Кўзин узолмасдим  
Сўлу соғимдан.  
Қумурсқани кўздан  
Қочиргим келмас,  
Анов барғни юлсам,  
Кесакни шу чор

Ушлаб,  
Тишлаб кўрсам  
Нима эрур ўзи,  
Бу тупроқ?  
Асли,  
Бундан ҳам қизиқроқ  
Ари «виз-виз»и...  
Ини атрофида  
Ўйнайди ғужғон.  
Ҳам ўтар ёнингдан  
Худди шу кези  
Визиллаб, дегандек,  
Қоч четга, ўғлон!

Олисда бўлмасин  
Нақадар офтоб,  
Ерга кўз ташлайди,  
Барибир у ҳам,—  
Ҳар қатрага ёғду  
Улашар шитоб,  
Чарақлаб турсин деб  
Ҳар битта шабнам.  
Ҳар хасни сийпайди  
Ўз тафти билан,—  
Унсин, кўкарсин, дер,  
Ҳаттоки бу тор,  
Намчил тешиқдан ҳам  
Аямайди нур,  
Ундан чиқиб келар  
Бир лента — серхол,  
Япасқи,  
Тугмадак  
Бошчаси ҳам бор.  
Ўзи каби совуқ  
«Виш-виш»и қурғур,

Пичоқ қайраганда  
Чиққан сассимон...

Қотиб қолдим шу дам!

Заҳарлими у —  
Воҳ, чақса нетаман  
Ёхуд сувилон? —  
Буни чўлдан сўранг,  
Қизиқ бўлди-ю,  
Унқир-чўнқир ошиб  
Ўрмалар илон,  
Танни сескантирган  
Совуқ сассимон.

### 3

Мен бу ҳодисотни  
Хотирлаб эмас,  
Бир ғалати зарбдан  
Эслайман ҳамон.  
У бутун вужудга  
Бирдан басма-бас  
Шунақа бир зарба  
Ўрдиким ёмон:  
Қуроолан!  
Қуроолан!  
Ва сездирди шу дам  
Қалбим — қўрхонамда  
Кўмакка тайёр  
Ишончли бир офтоб  
Борлигини ҳам —  
Бирорта ҳодиса  
Юз берса агар  
Биз бормиз,  
Чўчима

Дегандек такрор.  
Мангумас  
Ва лекин  
Унга дахлдор...  
Шу икки сас — Қудрат  
Бу тинсиз даввор  
Ичра ҳар кунимга  
Қўшардилар кун,  
Улар икковлашиб  
Олиб кетдилар  
Мени овоз етмас,  
Нотаниш бутун  
Олисликлар сари,—  
Чарх уриб, мамнун —  
Уйнашиб мен учун  
Тушиб пойгага —  
Чопдилар қир  
Адир,  
Кунгабоқарзор,  
Яна шалпанг қулоқ  
Тайгага.

У ёр соз!  
Қуёшнинг қатраси унда  
Юзга қадалмайди,  
Аксинча, майин  
Офтобда юрасан...  
Қор этмас шунда  
Онанг овози ҳам,—  
Ахир дам сайин:  
— Уйга кир!..  
Сен эса:  
— Кираман,  
Бўпти!—  
Деб кетаберасан,—

Қандай кирасан,  
Қачонки қаршингда  
Турганда тепа...

Бу бахмал тепанинг  
Нимаси, хўш, кам —  
Тоғдан, ё Қазбекка  
Нимаси етмас?  
Сен эмаклаб уни  
Забт этасан ҳам  
Ва пастга қарайсан  
Ҳайратдан бирпас.  
Ўҳ-ҳўў!

Ҳов, қуйида — даштдаги қишлоқ  
Ҳамда ўз ўрмонинг гуллари ёнар  
Ва ўрмон ортидан онангинг шу чоқ:  
«Уйга кир,  
Уйга»си ҳаволаб қолар.

Тепадан атрофга  
Қарамоқ кўп соз.  
Гўёки дийдамдан  
Қалдирғочсимон  
Учиб чиқиб кўзим  
Қиладир парвоз  
Чўл узра ҳар томон  
Ва борлиқни жойлар  
Зеҳнга тамом,  
Бундай пайт қовушмас  
«Уйга кир!» асло.  
Фақат сўнг  
Бу қуюқ ўтлоқда,  
Оқшом,  
Қалдироқ ўт ёқар қалбимга,  
Шу асно —  
Тун тушар,

Кейин офтоб чиқар  
Оҳиста ва ол,  
Тепангда турару  
Қиздирар ҳар дам,  
Алмашадир кунлар,  
Либослар минг бор,  
Яшиллик ўрнини  
Олар сариқ ранг.  
Сариқдан — тўққизил.  
Сўнгра, сўнг кияр —  
Бўшлиқлар оқ либос.

Бир тонг — сержило,  
Сен ҳам бўлажаксан —  
Шундоқ кун келар,  
Уроқчи йигитлар  
Сафига аъзо!

## БАЛОҒАТГА ИУЛ...

### 1

Оҳ, байрам бошланди,  
Шодликдан дил маст!  
Яйра сен,  
Танангдан оқсин  
Тер — сувлар!

Утгиз тўққизтайди  
Улар, эсла, бир —  
Оқ кўйлакда бари,  
Иноқ оққувлар.  
Қўкракка оқ тонгни  
Қўндириб яккаш

Боргайлар, саслари  
Қувноғу майин:—  
Қани, ўр, ўроғим,  
Ўргил, жаранглаб.  
Сен, кескир пўлотим,  
Ўргил тинмайин.  
Ўроқ ҳеч гап эмас,  
Ҳеч гапмас шабнам,  
Бироқ ачинасан  
Топталса гуллар.  
Тароват эсиз-да!  
Қани эди қор  
Ёғмаса,  
Бўлмаса  
Музлар, қуюнлар.  
Қанийди йил бўйи  
Таниш майсазор  
Бағрин тарк этмаса  
Қўйлар, қулунлар,  
Бироқ —  
Қистовига олиб келса қиш  
Қанча чап бермагил,  
Билганин қилар,—  
Сенга қолса кошки  
Бирор чўғир, ниш.  
Шунақа экан гап  
Бўлганча бўлар.  
Алвидо,  
Алвидо,  
Эй, турфа гуллар.  
Алвидо, эй қалин кўкатлар,  
Ўтлар,  
Ўнг ёнбошлаб ётинг  
Сел урган замон!  
Тун, кўзга  
Мисли бир парда.



Ҳаммадан олдинда  
 Степан Рудяк  
 Вилютда машҳур,  
 Номдор паҳлавон.  
 Қулочни кенг отар,  
 Қамров зўр, бирдан,  
 Таг-тугидан олар,  
 Қадами чаққон,  
 Чалғисин тарашлаб  
 Урар тез, тоза,  
 Қарайсан у ўтган  
 Ерга бош қашлаб,  
 Ҳа, очиб қўйганга  
 Ўхшар дарбоза.

Ундан кейин Шабров  
 Иблис у, иблис,  
 Гапни ҳам,  
 Ишни ҳам боплаб ташлайди.  
 Мана шулар, олдда,  
 Борар букмай тиз,  
 Чалғи зарбига мос  
 Қўшиқ бошлайди.  
 Бўл ҳа, бўл, биландир  
 Ҳар нафас —  
 Ҳар дам.  
 Тўлқин узра тўлқин —  
 Тонгдан кеч қадар.  
 Юксал, эй ғарам!  
 Кўнгил-ку кўчамас,  
 Ёмонми, қуюнни  
 Овутса хашак.  
 Ёмонми айланса  
 Кўкатга қор-зар?

Уйда, худо урсин,  
Куёвсан, башанг,  
Қорайган юзингда  
Бор ҳуснбузар.  
Оғзинг қулоғингда,  
Кечиб қуюнлар  
Келдинг унашгали  
Ўз хотинингга.  
Яъни, деб мен — мана..  
Иш шундай йўналиш  
Олдими, магар,  
Хотин ҳам бўш келиб  
Ўтирмас сенга;  
Боқсанг, ароқ қўяр  
Столга хотин  
Ҳам бутун тузланган  
Нарсасин тўкар,  
Хурсандчилик бўлса  
Бўла қолсин чин!  
Ёмон бўлмас отсанг  
Жиндак ҳарорат  
Қутурган февралда  
Шаънига ёзнинг.  
Жиндак дам,  
Исиниб қилсанггу роҳат  
Ва яна қайтарсанг  
Ўша «оз-оз»ни!

Шабров, ҳа, хашакни  
Ўриш бобида  
Катта мутахассис  
Хулласи калом.  
Эҳ-ҳа, чалғи тортар  
Куннинг тобида.  
Қилмас бирор ишни  
Сира чала, хом,

Уроқ теккан ерни  
Қарасанг бўлар,  
Чалғи билан эмас,  
Юлгандек қўлда —  
Қўшиқ айтган мисол  
Завқ билан ўрар.

3

Угорин борарди учинчи бўлиб,  
Ҳа, ўша Угорин, хушрўй қизи бор.  
Жилмайса яхши-я, ненидир кўриб,  
Ўшшайса бир гапни таъкидлаб такрор,—  
Бирдан узиларди таниш қўнғироқ —  
Қадимги алоқа йўлида шу он.  
Думалар, думалар  
Ҳасратли узоқ,  
У қорли мозийдан  
Фақат сен томон.  
Думалар киргунча  
Қонингга токим,  
Шашқатор ёшинг-ла  
Эшилгунча то,  
Ямшиқларнинг бутун  
Йиғилган оҳи  
Сенинг ҳасратинг-ла  
Қўшилгунча то,  
Қўшилгунча қирлар  
Соғинчи ила,  
Бўлгунча қишлоқи  
Одатий сўқмоқ —  
Кимнидир айирган,  
Қўшмаган бироқ...  
Яна денг, далада  
Бедана ови,  
Бунда ўтлоқда денг,

Эҳ, қизилоёқ,  
Толзорда тонггача  
Булбул «чаҳ-чаҳ»и,  
Яна хўрозларнинг  
Уришлари бонг,  
Шулар барчасидан,—  
Оҳ, тангри ҳақи,—  
Тўлин ойнинг сирли  
Балқишидан ҳам,  
Яна юлдузлардан,  
Ҳов, анов равшан —  
Адашган қалбларга кўрсатгувчи йўл  
Қутб юлдузидан  
Кўп кўрдинг озор.  
Ҳа, йигит ёшига етгач,  
Дадил бўл,  
Шундоқ кўргиликлар  
Эр бошида бор,  
Кутадир қисматнинг  
Муюлишлари!  
Роса ғусса чекдинг,  
Тортдинг роса ҳам,  
Шундоқ эзилдингки,  
Тунлари узоқ  
Додингдан уйғонди  
Келинчаклар ҳам  
Ва эрин пинжига  
Кирди маҳкамроқ.  
Зорланиб овозинг  
Кўтарасан гоҳ:  
Шояд эшитса у  
Ачинса керак!  
Шундан титрадим  
Бўлганда огоҳ  
Уфқда жуфт турган  
Сули, зарпечак?

Балки шу боисдан учиб ўт-юлдуз  
Тушгандир таъзимга  
Аста сен томон?  
Аммо ўша қиз-чи,  
Ташларми ҳеч кўз?  
Қўйинг-е, бўлмаган  
Бундоқ ҳеч қачон.  
Сен, унинг ёнида  
Тўпори махлуқ,  
Нуқул бўла бердинг  
Бир пойи патак,  
У-чи, сезмагандек  
Ошиқлигинг ҳеч,  
Бепарво, бу эса  
Жонингга ҳалак.  
Ёмғирдан сўнг учган  
Қалдирғоч мисол  
Даврада шўх, мағрур,  
Енгил чарх урар  
Ва сенга беписанд  
Кўз ташлаши бор,  
Бу билан,— кўп гўрсан,  
Дегандек бўлар.  
Қалака қилади,  
Ҳа, ҳа, калака,  
Уртоқлари ичра.  
Сўрайди улар:  
— Нима гап?  
— Вой қачон,  
Нега, қанақа?..  
Равшанки, гап тамом,  
Тамакинг ўра,  
Дуд пуркаб далага  
Илдам жўнаб қол  
Ва унда салқин тун  
Бағрида, жўра,

Ойнинг ёғдусида  
Дардинг тўкиб сол.  
Эҳ, Тоня, Тоняжон...  
Уни этар ром  
На бирон ширин сўз,  
На кескин аъмол.  
Қуриб кетсин дейсан,  
Барчаси тамом!  
Паришон сочингни  
Ғижимлаб беҳол.  
Начора, бўлмабсан  
Оққуш чинакам,  
Пайларинг пишмабди  
Мадорга тўлиб,  
Кўриниб турибди,  
Шу боисдан ҳам  
Қаторда борурсан  
Қирқинчи бўлиб.

4

Бари кафтда янглиғ...  
Ошдинг остона  
Қиялик бошланар.  
Сир бермас, бироқ,  
Чўл қулоч ёзишин  
Нақ тўрт томона —  
Маълум бир ергача,  
Сўнгра,  
Сўнг бундоқ:  
Ҳа, энди, дадил бўл,  
Сирли довонда  
У сен-ла олишар  
Ёз палла, токи —  
Қимни ким?  
Шу савол бўлмай ҳар ёнда,

Ўт сени йиқарми  
Сен ўтни ёки.  
Ва қизгин кун бўлар,  
Авжга чиқар жанг!  
Қўллару  
Ёнбошлар зирқирар,  
Қақшар,  
Оёқ тошдан оғир,  
Жиласан аранг,  
Қуёш ҳам оловранг  
Тулкига ўхшар.  
Ўт пуркаб йўрғалар  
Кўзинг олдида  
Қўкатлар оралаб у ёну бу ён,  
Мослашиб нафасга,  
Ҳаракат,  
Сасга.  
Толишдан чеккага  
Урар шунда қон!  
Худди шундەқ бўлган,  
Тер — роса қуяр  
Ҳаммомга тушгандек,  
Бу ҳам бўлган гап!..  
Назаримда — тамом,  
Ярим қадам ҳам  
Юришга мадор йўқ,  
Ёту кўзни юм.  
Шундоқ бўлардиям,  
Шу фурсат, шу дам,  
Ҳайриятки, ўроқ —  
Бор экан, шу зум...  
Ўроқ эди гўё  
Бир ўт, бир олов,  
Ўзи толдирдию,  
Қуч берди ўзи,  
Ҳорғин елкага у

Бўлди мадор, дов.  
Бу кескир пўлатга  
Отамнинг кўзи  
Бекорга тонгдаёқ  
Ҳа, тушган эмас.  
Бекорга омбордан  
Олиб чиқмади  
Сенга-ю,  
Ўзига икки чалғи, бас,  
Воҳ, роса, уриб де,  
Уни тиглади,  
Очилсин ўроқ,  
Сўнг қайрашга тушди.  
Биларди, отам,—  
Зеро, соч ўстириб  
Сен, эр етар чоғ  
Яқин экан, демак —  
Келмиш фурсат ҳам:  
Энди Ер,  
Ҳа, таянч  
Паноҳ,  
Ер-куя!..  
Сенга дер:  
— Эй, шоввоз,  
Кел, мени суя!  
Сени суяганим,  
Боққаним каби.

Файласуф эди, ҳа, ўзича отам,  
Уроқчи бўлса ҳам...  
Эпчил, моҳирлигин,  
Кел, майли, айтай...  
Отда чопар дам  
Пулемёт, қилични  
Бирдек, қилт этмай  
Ишлатг оларди,



Шунақа одам!  
Ҳисоби ҳам оддий —  
Чопса отини,  
Ҳам урса Колчакни  
Боплаб, қотириб!..  
Кейин ёға берсин,  
Ўз вақтида қор,  
Ўз вақтида тушсин  
Емғиру  
Шабнам,  
Сен ҳам фурсат етгач  
Қаллаи саҳар  
Чиқ, майли, йўлингни  
Бўй етган санам  
Мисоли пойласин  
Чалғи ўшал дам,—  
Бир енгил,  
Бир кўркам,  
Дами шуълавор...  
Агар бўлмаганда  
Шундоқ ўткир, саз —  
Бир чалғи, ўтишинг  
Бўларди душвор —  
Эрлик синовидан  
Жигар, ўша ёз.

## КЕНГЛИҚ БИЗНИКИ

### 1

Ҳа, ўтдинг синовдан,  
Яна қандоқ де,—  
Ғолибона ўтдинг!  
Ўттиз тўққиз жон  
Шунда, эсингдами:  
— Йигит!  
— Йигит!— деб

Фахрланди роса,  
Яйраб, беармон  
Мақтов ёғдирдилар,  
Сенга, ўроққа.  
— Йи-гит!  
— Йи-гит!  
— Яна битта!..  
Хуррам  
Қайтардилар:  
— Яна,  
— Яна ўтлоқда  
Ўзини кўрсатди  
Бир йигит! Шу дам  
Арпанинг етилган  
Бошоғига ҳам  
Етди ушбу гап:  
— Йигит!  
— Йигит!— олди  
Суръату кўлам —  
Сули қулоғига етди..  
Жадаллаб —  
Кетди сўнг ғарамга —  
Аёллар тараф,  
Пичан тўплашарди..  
Ва бирдан бунда  
Шивир-шивир:  
— Қайлиқ!—  
— Қайлик.— Вассалом!  
Гапирса лабидан  
Томар эмиш бол,  
Булбулигўёмиш —  
Серзавқ, серилҳом..  
Бу мақтов, гап-сўзлар  
Тилма-тил юрди,  
Ахир етказдилар  
Тоняга ҳам.

Унинг тош назари  
Юмшаган бўлди:  
— Не бўпти? Ҳа, қайлиқ?

— Рост-а, тушги дам  
Бориш керакмиди  
Сўраб ҳол-аҳвол.  
Сен эса — қаҳрамон!—  
Саманга илдам  
Миндинг-у жиловни  
Силталаб бир бор  
Хахолаб от қўйдинг!  
Шундоқ бўлади-да, қаҳрамон деган,  
Шунақа қилмасми мард киши ахир?  
Болаликда тоғдек  
Кўринган тепа  
Анча чўкибди, де,  
Кўзга у тақир  
Майдонда ташланди  
Дўнгалаксимон,  
Эҳ, кенглик бизники!  
Қолди сулизор,  
Қолди пистазорлар —  
Мавсумий ўрмон...  
Хоҳлардинг, шу фурсат;  
Шу ерда бирор —  
Фаройиб мўъжиза  
Кўрсатсангу тез,  
Сули ҳам,, ясиқ ҳам  
Бўлса қойил, лол,  
Чалову отқулоқ  
Тонг қолса шу кез.  
Эҳ қани чаққонлик  
Бўла қолса ёр,  
Бу тезкор уфққа  
Солсанг тикка от.

Уни ўтган йилги  
Фарамдек бир бор  
Ушлаб, жўн ҳалқадек  
Айлантисанг бот,  
Эркаклар қувончдан  
Эсни йўқотиб  
Ортингдан чопсалар  
Кўтариб иштон.  
— Қара, қара,— дея,  
Боқсалар қотиб,  
— Ҳей, йигит, яшавор,—  
Десалар шу он,  
Мўйловлар шоп бўлса,  
Оғиз — қулоқда...

2

Оҳ, ёшлик, ёшлик сен,  
Бир хамиртуруш.  
Хамиртурушсиз нон  
Нонми?  
Қаёқда!  
Бу қандоқ йигитки  
Тушса бирор иш,  
Ушлаган еридан  
Шарт узмаса, бас?  
Бекоргамас ахир  
Сариқ попоқ — соч,  
Бурун ҳам бинойи,  
Йўқ, пучуқ эмас!  
Бекоргамас ахир  
Бу булутдек от,—  
Токи тагингдами  
Тўйиб чопиб ол!  
Хўш, нега, бу Рудяк —  
Хушфеъл, саҳий зот  
Қадимги Русдаги

Санамлар мисол  
Тош қотиб турибди.  
Сен қанот қоқиб,  
У ёқда чарх уриб  
Тўйгунингча то  
Кутиб турди сени  
Роса тутақиб,  
Тоқат билан кутди  
Келишинг, аммо.  
Ниҳоят, тоқати  
Бўлди унинг тоқ,  
Портлади қаршингда  
Бўлса ҳамки тош:  
— Ҳа, ўйнаб келдингми,  
Отиб шаталоқ?!  
Отни толдирибсан,  
Қара, қовоқбош...  
Ҳар сўзи қамчидек  
Аччиқ ботарди,  
Ҳар сўзи ўт каби  
Куйдирар, мана,  
У сени бемилтиқ,  
Беўқ отарди,  
Бу сўзлар — завқ тўла  
Кўнглингни, яна —  
Ошиқлик суруринг  
Топташ учун-мас,  
Авалло сўрамай  
Минганинг-чун от,  
Сўнгра — димоғ учун  
Нафсиз ва абас,  
У сени боплади!  
Бир четда бўлсаю  
Розисан минг бор,  
Розисан, эл ичра,  
Койиса бу дам,

Фақат у кўрмаса,—  
Энди, сен шунқор  
У қизнинг, Тонянинг  
Наздида ўктам,  
Йигитлар норимас,  
Шунчаки, одам.

У ҳам етмагандек  
Угорин олди,—  
Хотини юлқиган,  
Боз устига кам  
Мўйлови остидан  
Ғўлдираб қолди:  
— Бебошлик!.. Бебошлик!..  
Ҳатто ўз отанг  
Худди бегонадек  
Шу фурсат, шу дам —  
Орқасин ўгирса,  
Аттанг, минг аттанг!  
Не бўпти? Бўлади  
Шунақаси ҳам,  
Не бўпти? Юз берар  
Гоҳи шундай ҳол.  
Наздингда офтоб ҳам  
Чекар изтироб.  
Сен, шоввоз,  
Эй шоввоз, дейишга не бор?  
Даштда етим каби  
Елғизсан шу тоб.  
Барчаси унутган,  
Шу сўққабошинг..  
Фақат Тоня шунда —  
Буни қара-я —  
Антонина — ўшал  
Кечанг юлдузи  
Ортиқ туролмади

Ҳиссини тия,  
Исён қилди, шартта  
Қўзғолди ўзи.  
Даст турди,  
Сочлари тушди сочилиб,  
Кетди туман ошиб,  
Дуд ошиб, ё раб,  
Аёллар боқишди  
Қиздек очилиб,  
Ҳигитлар балоғат  
Туйдилар қараб...  
У ҳамон боради  
Шошиб сен томон;  
Кўприкдан ўтади,  
Сувни ёқалар...  
Ўзин ёшлигини кўргандай чандон  
Қизининг изидан отаси қарар.  
Малика келмоқда  
Шубҳага йўқ йўл —  
Тан оласан ахир —  
Ўзимиздан у!  
Қим жиндек гумонга  
Берса агар қўл,  
Четга ўтиб турсин  
Сўровимиз шу!

Рудяк?  
Қим ўзи у?  
Унга ким Рудяк?  
Қара-я...  
Бундайин кўрмабмизми ё?  
Қара-я,  
Бундайин билмабмизми ё?  
Ва барча — тўзғиган  
Чуваклардан, то —  
Ҳали терилмаган

Қошларга қадар —  
Бари сен томонда,  
Аслида булар  
Ўн олти ёшингни,  
Баҳор ёшингни  
Ҳимоя қилар...  
Не бўпти?  
Ҳеч нима.  
Ҳай, бундоқ паллада  
Дўст-ёрлар агар  
От берса,  
Сен бутун ЦЧО<sup>1</sup> бўйлаб  
Кўрсатиб қўярдинг  
Уша лаҳзалар  
Нега қодирлигинг...  
Ахир, қаҳрамон,  
Сенга қанотдир дўл,  
Гулдирак, бўрон!  
Бироқ ушбу дамда  
Топилмади бот  
Ўзни кўрсатишга  
Бирорга бўш от.

3

Сен, мана, турибсан,  
Жиндак хижолат...  
Ахир сен казакнинг  
Зўри, сараси,—  
Бошқачароқ айтсак,—  
Худди шу соат  
Бутун полк олдида  
Тегиб нафаси  
Будённий гўёки

---

<sup>1</sup> ЦЧО — Марказий қоратупроқ вилоят.



Сени қучоқлар,  
Йигитлар ичида  
Билиб энг ёвқур.

Степан Рудякни  
Яйловга ҳайдар.  
Тақасини терсин  
Ҳа, яйловда ул,  
РҚКА<sup>1</sup> резервига  
Туширмасин доғ.  
Фарқлай олсин ахир  
Ким ўзу ким ёт,  
Энг яхши кўнингда  
Бермасин азоб!

Ҳа, дарвоқе от —  
Эмасди чопқир  
Шунчаки от эди —  
Ишчи-уловбоп.

## АРАВА ҚАРВОНИ ҲАҚИДА...

### 1

Аллазамонларда тақаланган у.  
Бир йилми, эҳтимол, икки йил чоғи —  
Таваллуддан бурун —  
Исонингмасу  
Сеникидан, аввал,  
Ҳа-ҳа, туёғи  
Тақаланган эди.  
Ёзу қиш —  
Унга бўйинтуруқ,  
Қамчи қотарлар...  
Деҳқон турмушига

---

<sup>1</sup> РҚКА — Ишчи-деҳқон Қизил армияси.

Жуда асқотмиш,  
Кўпинчалик уни  
От деб атарлар.

Тонг отди дегунча —  
Эшитгани:

— Чу!

Шуни эшитдими, бас,  
Хотиржам бўл.  
Йўл олар,  
Юк тортар,—  
Биринчимас бу,  
Хоҳ айланма бўлсин,  
Хоҳи тўғри йўл  
Маънили бўлса бас  
Тизгин тутган қўл.  
Зарарсиз, қайдадир қоқилса оз-моз,  
Жиндак ҳолсизланса,  
Бўлади,  
Шундоқ.  
Ўша манман деган  
Йўрға-ю, танноз  
Отларни чангига  
Етказмас бироқ.

Абзални йиртарлар,  
Юк тортиш-чи, йўқ.  
Депсиниб турарлар  
Ягона сифат.  
Уларнинг изида  
Қуруқ йўллару  
Чўл қолар ёйилиб,  
Узаниб фақат.  
Бўлакдир йўриғи  
Уловбоп отнинг,  
Чўл унга эмасдир

Шунчаки бир йўл,  
Балки у ҳам юкдир —  
Бор бисотини  
Қоплар,  
Ғарамларда  
Орта берар чўл,  
Токи от, арава  
Оғгунга қадар.  
Яна шапка чиқар  
Устига ҳали,  
Шапканинг остида  
Деҳқон ўйлари.

Ортида — арава,  
Ортида — ўр-қир  
Ва юклар,  
Юкларки,  
Йўқдир ҳисоби.  
Ҳеч бир медал олмай,  
Бир тасаввур қил,  
Ҳеч бир манфаатсиз  
Ишлар ҳисоби.

Юклар,  
Юклар...  
Аравада бир капа мисол.  
Бу юкдан майишиб  
Инграр ҳатто ўқ.  
Ташиб бўлмаганин  
Тушгунича қор  
Чаналарда ташир,  
Тиним билмас, йўқ.

Юклар,  
Юклар!..  
Номинг отми  
Таши-да, мундоқ...

Умр бўйи — тортиш,  
Умр эса тоғ!  
Бутун пойдеворлар битганда тугал!  
Ҳамда тракторлар тушганда ишга,—  
Юклар,  
Юклар,  
Ташув  
Яна кўпаяр,  
Юклар, залворидан  
Чатнар ғўлалар.  
Юк ташилар ёзда,  
Ҳам ботқоқ қишда...  
Бу-ку шараф эрур паровозларга,  
Аммо бошланганми паровоздан йўл?  
Бу пўлат отларда заводга хос куч,  
Қадами ҳам илдам,  
Эпчил шитобда!  
Аммо дейдиларки,  
Бир китоб бормиш,  
Ёзилмаган китоб.  
Ушал китобда  
Шунақа гап бормиш —  
Балки уйдирма,—  
Уша китоб дермиш:  
— Қадим-қадимда  
Замин — кўкдан пайдо,  
Дарахт — илдиздан,  
Кейинроқда эса:  
Дарё — булоқдан,  
Яна кейинроқда:  
Йўл-чи — туёқдан,  
Ғўладан бошланмиш...  
Ғўла ҳаётда  
Гоҳи у-гоҳи бу алфозга бешак  
Тушиб, хўп майишиб  
Алал-оқибат

Бўлиб қолган эмиш,  
Ахир филдирак  
Ва юришиб кетган  
Филдиракда иш,  
Аравага берган  
Тезлик — шитобни.  
Замонларда бўлса  
Бир кун ёришиш  
Бирма-бир ўқирлар  
Ўшал китобни!

2

Қарангки — ўқишди,  
Ўрганишди хўп.  
Хўп хаёл суришди...  
Маъдан ва ўтти  
Юзма-юз қилдилар,—  
Ва мана гуп-гуп  
Уриб пўлат узра  
Пўлат борадир,—  
Индустрия борар  
Одимлари зўр...  
Йўл бер, дея, йўл!..  
Қатта йўлдан елар  
Қарсиллаб, тезкор!..  
Россия бўлсайди  
Бус-бутун шундоқ.  
Бироқ чеккаларда  
Тамом ўзга ҳол!  
У денгиз — уммонга  
Туташадир, боқ,  
Бордир ғаллазори,  
Шудгор,  
Ўр-қири...  
Ҳозирча аэроплан

Қўнмас ерлар бор,  
Бор кема кўрмаган  
Хилват соҳили.  
Лекин ҳаёт йўртар,  
Эмас-ку илдам,  
Кўпроқ яёв йўртар,  
Уловда-чи, кам.  
Бунда ғалла ўсар,  
Ҳаммаям билмас —  
Фақат юзидамас унинг бисоти.  
Замин остида-чи —  
Шу кенглик, шу паст  
Сойликлар, тепалар  
Қирлар остида,  
Не-не дафиналар  
Беркиниб ётар...  
Ишчилар синфи бу,  
Ўзак синф эрур,  
Юксак синф эрур,  
Юксакми, демак,  
Теран синф эрур,  
Асос синф эрур!  
Илдизи қаерда?  
Қайдан ундаги  
Бу қудрат, ғурур  
Барчаси ўшоғдан  
Дўстим, ўшоғдан,  
Қўшчи Микулага  
Тақалгай бориб,  
Бари инсонга хос,  
Эмас худодан.  
Букчайиб қолсанг ҳам  
Бемадор ҳориб —  
Ҳайда!  
Йиқилсанг ҳам  
Бўлиб қоқсуяк,

Ер остидан бўлсин  
Топмоғинг керак  
Ушал шалдираган  
Сержаранг йўлни.  
Топиб, ҳалқаларин  
Улаб яна соз,  
Минг-минг чақиримда —  
Адирми-ўрми —  
Ётган қаролларнинг  
Қабри узра ёз..

Ҳа, билдинг, ниҳоят,  
Недир у эгат,  
Алмисоқдан бери  
Ер узра юрар —  
Ризқи рўз ўстирган  
Деҳқон изидан,  
Ҳам кончи изидан  
Елар, югурар  
У ёққа —  
Чуқурлик,  
Чуқурлик сари,—  
Унда зах, зулматда  
Ер маъданлари  
Ётадир,  
Шу томон тик тушиб борар,  
Зах ердан,  
Дуч келса  
Тошни ҳам ёрар...  
Ким айтди темирни  
Бизда,  
Қишлоқда,  
Қадрига етмас деб?  
Бекорчи гап бу!  
Ҳаттоки болгани  
Бунда, ҳар чоғда —

Меҳр, эъзоз ила  
Ушлайдилар-ку:  
Ўткирмикан болта?  
Тақачилик эса,—  
Ҳа, тақа дўкони —  
«Тақ-туқ»қа тўла,  
Шунчаки дўконмас,  
Ярашар деса  
Пулнинг зарбхонаси,  
Усиз не бўлар?  
Бунда, ҳар бир кентда  
Томлардир похол,—  
Кутиб турар, майли,  
Ҳар битта темир  
Ҳозир ҳисобдадир  
Мўмай пул мисол,  
Бир дона мих кўрса  
Кўзга суртадир,  
У, майли, уч ердан  
Эгилган бўлсин,—  
Ташлашмайди, йўқ, йўқ,  
Бўлади даркор.  
Керак он тўғрилаб  
Қаддини тўлиқ  
Бир жойга янгидак  
Қоқарлар такрор...  
Шундай қоқарларки,  
Тишлашсин маҳкам,  
Похолни ушлашга  
Бера олсин дош.  
Тракторни олинг,  
Улов ишида  
Барибир отга у бўлади қардош.  
Юради,  
Тариллар  
Кезар дала-туз,



Бўйинтуруқ йўғу  
Париллаб ўтар,  
Шаҳардан келгану  
Темирдан буткул,  
Ерга кентчасига  
Қовушиб кетар.  
Ўн беш от кучини  
Ишга соладир,  
Зўр бериб ишлайди  
Демай кундуз-тун.  
Бир ўрнига, қаранг,  
Ўнни оладир,  
Ернинг оловини  
Чиқарар бутун.  
Ҳай, мангу юртга юрт  
Биродар бўлсин,  
Бўлсин ўроқ-болға  
Доим барқарор,  
Юракдан юракка  
Оқиб ўтажак  
Бош дарё —  
Меҳнат дарёсининг  
Бир рамзи мисол!

Умрда не борки  
Шу дарёдир қўр,—  
Ҳам ҳаёт берадир,  
Ҳам берар қанот —  
Ғалла ўстиради,  
Ҳам тўқитар тўр,  
Не-не маъданларни  
Топдирадир бот.  
Гумбирлаб кечади  
Дарёю тошқин,  
Денгиз,  
Ёмғир,

Яшин узра шиддаткор  
Сузадир...  
Ҳа, шундоқ,  
Булар бари чин,  
Унда на қаноту  
На ғилдирак бор.

Улов-ўт бўлиб у  
Тегади ерга  
Ва шундоқ юксакка  
Қиларки парвоз —  
Тангри ҳам  
Ҳайратдан ботади терга,  
Шайтон-ку етолмай  
Ўртанади боз!

Бироқ унда,  
Унда  
Минг турфа юлдуз  
Даласида кезар,  
Етти қароқчи.  
Енида юрару  
Сигинар ҳануз  
Ерга,  
Худогамас,  
Асли, айтмоқчи,  
Ернинг фарзанди-да,  
Мағрур ва ўктам!  
Ҳа, ҳа, Ерга.  
Ушал булутлари бор,  
Ушал унутилмас,  
Азиз масканга,  
Булоқлари эрур  
Қонларига ёр.  
Қон — руда,  
Шу руда жўш ургай танда,

Унга,  
Фақат унга  
Бутун эҳтиром,  
Кўламу миқёси  
Узгача тамом,—  
Нон учун,  
Туз учун  
Ҳамда илк қадам,  
Биринчи ноаниқ  
Бўгин учун,  
                    ҳам —  
Маънили сўз учун,  
Еғду ва шуур,  
Ҳам уфқ юзидан  
Кўтарган парда  
Идрокнинг серзаҳмат тухфаси  
Ва ул  
Мангу даъват учун  
Яна, бу галда —  
Висол соҳили-чун,—  
Бутун шафқати,  
Ҳам меҳригиёси  
Сабабкор Ерга  
Эгажакмиз бош.  
Бу эрур мўъжиза —  
Сеҳри, зиёси,  
Бундай мўъжизани  
Билмас кекса-ёш!  
Ҳозирча, дўстгинам,  
Ҳозирча, аммо,  
Бунда ривож топура у юксак аъмол,  
Бунда,  
Она-Ерда,—  
Енгинанда, ҳа,  
Яна олисларда  
Пўлатни тезкор

Эритган заводлар  
Зарби, сасида  
Ба катта йўллардан  
Қолишмай асло  
Ўз уфқин қувловчи  
Кент ҳамласида  
У топар камол.

## ТОШ ҚОТГАН ЕШ

### 1

Арава...  
Арава...  
Тушмаса тоғдан,  
Тоққа чиқар демак,—  
Қиру ўтлоқдан  
Утар,  
Катта-кичик  
Ҳеч бир йўл қолмас,  
Темир йўлга етиб  
Боради, хуллас,  
Қирқ чақирим келар  
Орадаги йўл.  
Бунни тиклаб эмас,  
Ёнлаб, айлана —  
Ўтасан... Ҳа йўлда  
Доим ҳам, яна  
Ҳаво деган сенга  
Келавермас қўл.  
Қўп яхши гарданни куйдирса офтоб,  
Ўтиру ҳайқиргил:  
— Қани, қани,  
Юр!  
Енгилгина силта  
Жиловни шу тоб,

Яна  
Аравада савлат  
Тўкиб тур.  
Бўлак не ҳам керак?  
Йўл — йўл-да, ахир,  
Оту ғилдиракни  
Ҳолдан тойдирар,  
Туёқлар тагида  
Ўзича чангир,  
Ўзича уфққа  
Интилиб ётар  
Ва лекин ҳеч кимни —  
Одати шундоқ,—  
Қўл-у тармоғидан  
Четлатиб қўймас.  
Иложсиз бўлса-да  
Амаллар бироқ.  
Қиялаб бўлса ҳам  
Яқинлашар, бас,  
Ҳам четда, пастқамда  
Нимаики бор  
Барчасин қўшади,  
Қўшолмаса гар  
Шохобча чиқарар  
Ва уни ҳушёр  
Ғараму хирмонга  
Албат етказар  
Ҳам барин даладан  
Ташмалаб кетар.

Одатдаги каби  
Бунда отни қўш,  
Ва ҳайда...  
Қўшмасанг  
Кета бер яёв...  
Бу йўлдан ўтар кўп:

Ким — қўшиқ билан,  
Кимдир кўзёш билан,  
Кимдир кулфат-ла,  
Узиникимикан,  
Узганики ё?..

Етиб ололмасанг  
Ботгунча қуёш  
Бирон юлдуз билан  
Гаплаш, сур хаёл,  
Боиси бор бўлгач  
Ачин, чайқа бош,  
Деяйлик трактор,  
Тракторни ол,  
Бундоқ назар солсанг,  
Тирикдек бори,  
Сиқилар, қопланган  
Тамом темирга,  
Қочиб кетгуси бор  
Тойчоқ мисоли  
Юлдузлар чақнаган  
Тунги уюрга.  
Ачинмай бўларми  
Унга ахир, айт,  
Айниқса извошчи  
Ёдга тушган пайт?..  
Хўш, қандоқ қилмайсан,  
Қандоқ хиргойи —  
Дилдаги ўшани,  
Асрадинг кўп вақт —  
Бирми ё икки йил?  
Қара, бинойи  
Қуйилиб келмоқда,  
Эркин яйраб, шахт...  
Мана, кўз олдинда  
У сузади, боқ,

Ҳам оқиб кетадир  
Йироқ-йироққа.  
Назардан олида —  
Равшанлик шундоқ,  
Шунақа кенгликлар,  
Ҳеч бир чироқда  
Бу хил олисликни  
Еритиб бўлмас,  
Ҳам сўзга кўчирмак  
Мушкулдир, мушкул.  
Чопар,  
Чопар, чопар,  
Тунги йўл,  
Тинмас.  
Мисоли бировдан  
Қолиб кетган тул.

Чопар,  
Чопар  
Олис бир чорлов томон,  
Хавотирли, саркаш  
Сукунат аро —  
Фурур билан шуур,  
Ер билан осмон  
Туташар азалий  
Сарҳадда гўё.  
Чопар  
Муюлишдан  
Муюлишга то.  
Хоҳ таниш,  
Хоҳи ёт  
Томонлар бўлсин.  
Урушдан  
Кутарми  
Бир кимсани, ё —  
Жангга кузатарми?

Бор, сўраб кўр-чи,  
Урушга бўлмаса,  
Демак, у ҳолда  
Сибирга,  
Қон қазиш —  
Тешгали тошни...  
Балки шу серзаҳмат,  
Шу оғир йўлдан  
Топганлар, ҳов ўша,  
Тош қотган ёшни?

2

Топишди.  
Ғарқ этган  
Элни неча бор.  
Айтишга сўз етмас,  
Эслашга бардош.  
— Чиндан ҳам қаттиқ-а;  
— Қара, тош мисол,  
— Ростдан ҳам у аччиқ  
Ёш экан, кўзёш!  
— Кўз ёши, ҳа тўғри,  
Ростмана ёш бу,  
Қадимда қуйилган  
Ядрога ўхшар.  
— Сирти шундоқку-я.  
Ичин кўрсанг, у —  
Бир улкан ёмбидир,  
Дема оддий шар...  
Қимники?  
Қай юздан,  
Не кулфат боис  
Оқибди?  
Сигмасми  
Айт, сўзга булар?



Ҳамма жим,  
Сукутда  
Яқину олис,  
Чўллар бўзраяди,  
Борлиқ жим турар.  
Фақат, қаердадир  
Урмонда шу чоғ  
Кўнгли бўш бир қушча,  
Етмади бардош —  
Каккуга югурди:  
— Ёш топдилар, ёш!  
Қимники эканин  
Айтмаслар бироқ!  
Какку-чи  
Урмоннинг  
Акс-садосига,  
Акс-садога эса  
Ғанимат ҳар дам —  
'Чопди магнит — тоққа —  
Муддаосига,  
Ундан илди буғу  
Шохига илдам!  
Шу тарз —  
Тайга ошиб,  
Қўлмаклар кечиб,  
Қоялардан ҳатлаб —  
Денгизга етди.  
— Кўз ёши топдилар,  
Ҳа, ҳа, кўз ёши!  
Тўлқин-чи кўпчиди,  
Қабариб кетди.  
— Узоқ излашдими?—  
Гўё ич-тоши  
Қорайгандек бўлди.  
Соҳилга шу дам  
Сакраб, қояларни

Оғушлар экан  
Майишиб кетгандек  
Бўлди зумрад тан:  
— Ахир ким билмайди,  
Ҳатто овсар ҳам  
Биларки бағримда  
Бутун океан  
Зумрад ёшларим бор  
Ва тик қоядан  
Акс садога отди  
Мўъжизакор — дур!  
Акс-садога нима?  
Ипакка мисли  
Юлдузни тергандек  
Дурни тақди ул  
Буғунинг шохига.  
Яна —  
Ортга йўл...  
У фақат қайдадир —  
Уралдан нари,  
Қирми, адирмиди,  
Балки сойдадир,  
Волга бўйларига  
Етгач, эҳтимол  
Сезиб қолди бирдан  
Бўлмиш кори-ҳол.  
Йўқ эди мақталган  
Ҳамда инъом дур,  
Шохда дур эмасу  
Ялтирарди нур.  
Ва секин,  
Оҳиста...  
Қакку ёнидан  
Утди,  
Қочди писиб  
Зигирзор,

Сойга...  
Болари шовқини  
Беркитармикин,  
Аmmo чурқ этмади...  
Сўз айтса бирор  
Пойлаб ётган қанча  
Динг қулоқлар бор.  
Энди жўнатар деб  
Қачон ва қайга.

У ёқда,  
У ёқда...  
Уфқда олис  
Уша қушча — эзгу соддалик,  
Шу тоб  
Қўнғироқдан сўрар  
Бегумон, холис,  
Хочсиз қушга бермас  
Қўнғироқ жавоб.  
Қушча юрак ютиб  
Черковга кирар.  
Санамларга аста  
Ташлаб кўрар гап,  
Лек жавоб ололмай  
Паришон юрар.  
Санамлар туришар  
Чурқ этмай, қараб.

### 3

Шу пайт битта кампир  
Бундоқ деб қолди:  
— Не бўпти. Наҳотки  
Қўрмагансиз ёш?..  
Бир вақтлар, тўрамиз  
Не кунлар солди,  
Барига бердик-ку,

Эслаймизми, дош...  
Уринли, ўринсиз  
Сабаблар билан  
Жигаримиз эзиб  
Оқизар эди,  
Жигаримиз эзиб...  
Минг қақшасин тан,  
Йўқ, йиғлай олмасдик,  
Юракда фарёд  
Қўпса ҳам кўзёшни  
Яширар эдик.  
Акс ҳолда бош яланг,  
Оёқ яланг бот  
Қамарди омборга,  
Ахир не дердик.  
Омборда ётардик  
Афтода, беҳол  
Унутиб қўйса гар  
Бермасди увоқ.  
Унутмаса тикар  
Қиморга бир бор,  
Тикмаса, сотарди  
Мол янглиғ шу чоғ.  
Сотмаса эл-юртда  
Қилиб шармисор  
Меҳроб қозиғига  
Боғлаб қўярди...  
Ёшликдан кўнгилга  
Бериб минг озор  
Хулласки, бепичоқ  
Бизни сўярди.  
Бор-йўқ бисотимиз,  
Билсанг  
Аччиқ ёш,  
Ҳам худо олдида  
Тавба-тазарру.

Ҳам тийра қисматдан  
Қотган шўрли бош  
Ва ёшлик кўркийди —  
Ғамнок, беғду.  
Оҳ, ўшал аёллик  
Бўсағасида:  
Қанча қайнаб тошди  
Қизлар кўз ёши!  
Хўш, қанча тўкилди  
Аёлники, а?—  
Ҳеч бир санадикми?  
Бева бардоши  
Неча бор ёш бўлиб  
Бўғзида қотди,  
Турк билан урушда  
Ва япон билан,  
Герман урушида?  
Биз турдик-ётдик  
Ёш билан,  
Ёш билан  
Экдик, ўрдик, ҳам —  
Болаларни туғдик...  
Қим санар бир-бир?  
Ушадир дод солган  
Ут тушгани дам.  
Ҳам ёғган сел каби  
Айланиб гир-гир,  
Очарчилик йил!  
Қанчаси кетдийкин  
Кўринмай, беиз,  
Сиртга йўлатмагач  
Қатрасин бардош?  
Бу ҳақда ўзингиз  
Уйлаб кўрингиз  
Узингиз аниқланг,  
— Қимники бу ёш?

— Қимники нимаси?,—  
 Пахсадир қўли,  
 Яна бир аёл дер,—  
 Бу қанақа гап?  
 Сан, тўхта, эй хотин,  
 Анойи бўлиб,  
 Уйнатмоқчимисан  
 Эркакларни заб!

Қайнаталар, айт-чи,  
 Ва ёким эрлар  
 Бизни урмовдими,  
 Гапир-чи, сира?!  
 — Урган!  
 — Урган!  
 — Урр-ган!..

Дўлдек ёғилар  
 Эркаклар кўксига  
 Саслар бир сира.  
 — Биз бўлсак севибмиз эрни телбавор!  
 — Биз бўлсак аябмиз аҳмоқларни. ҳа!  
 — Биз бўлсак уларни...—

Такрор ва такрор  
 Шу тарзда янгради,  
 Упка ва гина.  
 Хоҳ ишон-ишонма,  
 Энди кўп ёмон  
 Эркакларнинг иши.  
 Сағал бўлмаса  
 Обрў унниқарди  
 Шунда бегумон  
 Агарда бир бобо  
 Ҳушёр турмаса.  
 Бобо кўпни кўрган,

Ҳам жиндак қувроқ.  
Лекин кексаликка  
Тутқазмас этак.

5

Бутун Ҷолам кўрди,  
Соқолин шу чоғ  
Уша кўз ёшига  
Тегизди сергак.  
Қойил, унутмабди,—  
Шапкани қўлга  
Олдию қаради  
Ешга кўп синчков.  
Юкни текширгандек  
Отлангач йўлга  
Текширди, дегандек  
Созми юк, улов.  
Бир,  
Икки,  
Уч бора,  
Даврани кечди,  
Ҳамма тинсин дея  
Сақлаб у сукут:  
— Хўш, нима дердик!— деб  
Жумбоқни ечди,—  
Аёл назари-ла  
Боқсак, бу ўғит  
Кўп тўғри  
Ва лекин  
Бўлак жиҳат бор,  
Эркаклар не дейди?  
Ҳа, шуни билсам.  
Ва шунда бир кескин  
Йўсин олди чол:  
— Эркакнинг кўз ёши —  
Мен сизга айтсам,—

55

Тўрт ёнга чопгучи  
Отдан олинган.  
Сўнгги дамга қадар  
Метин-мустаҳкам.—  
Оғизда эрир у  
Дарра солинса,  
Лек юздан оқиши  
Бўлган жуда кам.  
У жигар-бағирда,  
Бўғизда турар.  
Гоҳ, агар қарасанг  
Бўлиб эҳтиёт  
Сафларнинг олдида  
Ҳалқобдек тўнар,  
Елкадан ўрмалар  
Дарра тушса бот.  
Гоҳ дарё бўйида  
Мисли бир ингроқ.  
Гоҳ бонгдек югургай  
Шамшир зарбида  
Сибирь, Сибирь сари!  
Бўлган гоҳ шундоқ:  
Худди баланд тоғдан  
Қоптоқ сингари  
Думалаб тушган у  
Бош билан бирга,  
Худо ёнигамас,  
Шоҳ пойи — Ерга.  
Қондан ҳам иссиқроқ  
Эҳ, нуқралари!  
Эй, эркаклар, ахир,  
Шундоқмасми гап?!  
— Шундоқ!  
Ўзгачаси бўлганми ўзи?  
Биз шунақа халқмиз,  
Саботлимиз заб...



У ерда бир йигит...  
 Ута қизиққон!  
 Қуруқланди шунда,  
 Утди илгари.  
 Асли шу —  
 Инидан чиққани замон,  
 Кўзга бостиргандан  
 Шапкани,  
 Нар —  
 Олдинроққа ўтиб  
 Чимирди у қош:  
 — Уйлабманки, бунда  
 Танлайман қайлиқ,  
 Сизнинг билганингиз  
 Фақат ёш,  
 Ёш... Ёш...  
 Етар энди ҳасрат!  
 Етар, ўйнайлик!  
 Ҳам Яшка — эзмага  
 Ўхшатмасин деб  
 У бирдан маъюс ҳол  
 Улус олдида  
 Гармонни елкадан  
 Шартта олди-да,  
 Кўксига босганча  
 Жон-жаҳд билан денг  
 Езиб уфқ қадар  
 Катта бир қулоч  
 Гармонни тортса...  
 Эҳ...  
 Негадир бу он  
 Гармонмас, муз қотган  
 Бесас, беривож  
 Дарёга ўхшарди

Нетонгки гармон.  
Бир сири борми, ё —  
Юз берди чигал?  
Чигали бор бўлсин,  
Қилди кўп ўсал.  
Лекин ҳеч бунақа  
Бермаганди панд,  
Бутун иттифоққа  
Деса ҳам арзир  
Иш берган кезлари  
Бўлган-ку, ахир,  
Бўлган-ку:  
У севиб мисли тирик жон,  
Хилватда дард чеккан,  
Тортган минг афғон,  
Унда чексиз эди  
Ешлик шукуҳи.  
Чексиздан чексизроқ  
Дилдорлик руҳи.  
Унга азал кундан  
Бўлганди-ку ёр  
Ҳам сурур,  
Ҳам афғон  
Ҳамда шиддаткор  
Бир довул:  
Ва яна  
Ранг-баранг мавжлар...  
Эҳ — ол-а, бўларкан,  
Бунақаси ҳам!  
Аро йўлда йигит  
Қуярди бу гал —  
Аниқ гап.  
Қуярди гармончи,  
Яна ёмони —  
Қайлиқ боши ҳам  
Бўларди қизларнинг

Кўзи олдида  
Бўлмаса бир ўртоқ...  
Ушал замон —  
Гармончи ёнига  
Аста борди-да  
Деди у:  
— Кел, жигар,  
Кел, ёрдам берай.

7

У борди ёнига  
Кўнглида шу гап:  
Нега ҳовриқасан,  
Сен, буқа сузгур,  
Гармонни йиртишдан  
Сенга қандоқ наф?

Аввал тугмасин еч,  
Кейин, чўзиб кўр,  
Майли чўз қулочинг  
Етгунга қадар.  
Деди:— Бериб тур-чи!—  
Гармонни илдам  
Елкасига олди,  
Унга гармон ҳам  
Гўё талпинганин  
Сезди юраклар.  
Хоҳ, ишон, ишонма —  
Худди жигарин  
Қўксига ётгандек  
Бош қўйди гармон.  
Гоҳ қувноқ, гоҳ ғамгин  
Садолар шу он

Бутун чўлни тутди  
Ва шунда ҳар ёқ  
Тўлиб кетди унинг  
Имдодларига:  
«Сиз маъшум курашда бўлдингиз қурбон...»  
Шундай авжландики,  
Ен-берида бор  
Барча шапкалару  
Рўмолларни, ҳа,  
Мисли шамол бўлиб  
Учқур, телбавор  
Учирди шу фурсат  
Сибирь йўлига  
Ва шунда,  
Тош қатра  
Ёнида шу он,  
Адрлар тагидан  
Хўрсиниқсимон  
Ва яна мисоли  
Дардчил оҳу зор,  
Кузги турналарнинг  
Фарёди мисол  
Қалқиб чиқди аста  
Чўлнинг устига,  
Ҳам чўлдаги қадим  
Йўлнинг устига —  
Узга йўл,  
Номидир  
Мангу хотира,  
Шу йўлдан,  
Шу йўлдан  
Тўхтамай сира —  
Бордик  
Тингунича  
Ииғлаб бу гармон,  
Ҳам кўрдик йўлларки

Қаттол, беомон.  
Шундоқ бир оловга  
Отдики бизни,  
Воҳ тангрим, кенг чўл ҳам  
Бўлиб қолди тор.  
Бу хилватда ҳар кас  
Тортди-я ҳушёр.  
Ҳатто Москвада  
Ишонма-ишон —  
Красная Пресняда —  
Худди ўша он  
Оёқ остидаги  
Тошлар титради  
Бай-бай,—  
Қўшиқдан,  
Едлашдан,  
Аламдан яна...  
Тош қатра хусусда  
Ҳали гап бўлмай.

8

Бу, гармончи, дейман  
Темирданми, а?—  
Уни шундоқки денг  
Ейганча  
Маҳкам  
Кўтариб  
Турарди эл-юрт олдида —  
Худди ўн еттинчи йилда,—  
Қизгин дам  
Қонли жанггоҳ ичра  
Кўтаргансимон  
Фидокорликнинг ҳеч  
Учмас оловин.

— Хўш, не бўпти,— дейди,—  
Гармон-да, гармон,  
Жаранги.  
Бичими,  
Тарзи,  
Қаловин  
Ҳивичдан олмаган бўлса-чи, агар,  
Селнинг шиддатидан олган эҳтимол.  
Эсда, у билан биз —  
Денгизчи ёшлар,  
Қизиллар сафида  
Кўтариб қурол,  
Оқларнинг устига  
Беаёв юрдик.  
Ҳа, юрдик Ер учун,  
Ҳамда эрк учун  
Ва бизнинг ҳақпарвар  
Ҳукумат учун.  
Қишлоғу шаҳарда  
Советлар кучин  
Кўрсатсин дедик, ҳа,  
Ва юрдик ўзимизнинг  
Иттифоқ учун...  
Мана, оқибатда  
Қарор топди Ер:  
Халойиқ ўз уйинг,  
Яша, омон бўл.  
Халойиқ, шудгор қил,  
Дон-дун сепа бер,  
Ўз давлатинг ичра  
Бергил қўлга-қўл...  
«Ерпа эга бўлиш»—  
Маъниси бунинг:  
Бор нарсага демак.  
Барчасин,  
Бир-бир

Олишу  
Ва доим  
Ед билиш шуни:—  
Кончи бўласанми,  
Қўшчи, барибир,  
Ер доврўгин ошир,  
Унга содиқ бўл,—  
Ер ахир  
Ҳар ёндир,  
Баланд-паст,  
Дашт-туз...  
Ер ости — ҳам Ерди,  
Ер усти — Ер, бил.  
Мисли кундуз-кеча,  
Мисли соҳил-сув,  
Мисли нон билан туз...  
Бировники эмас,  
Бизникидир, ҳа,  
Овлоқ ҳам,  
Ҳаттоки бутун мамлакат.  
Кенгдир, Кронштадт  
Маёқларидан —  
Сибиргача қамраб ётадир  
Беҳад,  
Қадрдондир бари!  
Аввал-чи, аввал?  
Аввал эди бундоқ:  
Халқ унга  
Сайқал  
Ҳам ишлов берарди  
Қадимдан, мутлоқ —  
Меҳмон эмас эди  
Ерга у, бироқ —  
Ёлчимади ҳатто  
Қабрга кириб,  
Айтиш оғир,

Халқнинг  
Иўқ эди Ери.

9

— Ҳамма гап шунда-да!  
Пастда — тош йўлда —  
Сузади зил юкли  
Ғилдирак саси!  
Узга ғилдираклар  
Шу сасни қўллар,  
Ҳар сўзи бир ботмон  
Келар чамаси.

Борарлар,  
Борарлар...  
Наҳот бизнинг иш —  
Қизиқчилик қилиб  
Кулдириш, кулиш?  
Биз кўрган ҳаётдан  
Юрак қотди тош,  
Қандоқ айланмасин  
Тошга, ахир ёш!  
— Шуни айтамиз-да!  
— Ҳей, биз — деҳқонлар  
Ерга мутеъдирмиз.  
Вақтинча лек бу.  
Ҳей Разин,  
Ва Пугач  
Бўлган замонлар  
Болталарни қайраб  
Даҳшат солдик-ку,  
Асли исёнкормиз?  
Хўш, қачон қурол  
Бизни этган, қани,  
Ювош, пилдир-пис?!





Эмаслар, бирга —  
Ҳар ишни эвларлар,  
Лекин, бориб кўр,  
Барчаси режалй,  
Ҳам катта миқёс,  
Ишни юритарлар,  
Бошқарарлар сози  
Шундоқ доно улар!

10

Аёллар не деркин?  
Аёлми, аёл —  
Маълум не дейиши.  
Қўшиғи — бир хил —  
Ўзини қўшади:  
— Бизнинг ҳам хаёл  
Ўшандадир.  
— Биз ҳам  
Сўзлаймиз нуқул  
Мана шу хусусда,  
Ҳа-ҳа, ҳаётдан...  
Ва бояғи шунқор  
Жиндак димоғдор —  
Наздимда совиди  
Ҳам тушди отдан.  
Айёрона боқди:  
— Ҳей, менга нима!  
Дейлик, бўлсин майли,  
Шу чақмоқтош — ёш.  
У чоғ қайси карвон  
Элтади, яна  
Бош масала шуки,  
Қайга, қачон, хўш,  
Шаҳаргами ва ё

Қишлоққа томон?  
Нимада элтамиз,  
Буюр, отахон!

Отахони тушкур  
Совқотганми, а,  
Гап майли, тамаки  
Халтасин, қара,  
Очишга ҳоли йўқ,  
Чигилми, нега?  
Яхши чигил бўлса,  
Бўлмай масхара.

Масаланинг ўзи  
Тагли эмасми,—  
Уни нари-бери  
Этиб бўлмас ҳал.  
Чекиб — калла пешлаб  
Турмасанг асли  
Илдиздан қўпориб  
Олмассан тугал,  
Шунақа-да ўзи.  
Ечилмас ўнғай —  
Барча киришмаса  
Қотирмаса бош...

## 11

Ҳисобга қолганда иш  
Ўзга эмас —  
Танобчининг ўзи  
Унга аввал-бош  
Раҳматларки, деди:  
— Ҳа, бунда аввал



Биз эса,  
Ҳар ишнинг  
Билимдонимиз,  
Шу боис ҳар ёққа  
Солганмиз довруғ.  
Биринчи сандонда  
Пишган жонимиз,  
Биринчи қўшчимиз,  
Биламиз тўлиқ  
Қим қачон,  
Не учун  
Чекканин заҳмат.  
Қон деган нимадир —  
Унга ўлчов йўқ!  
Еш деган нимадир —  
Йўқ, етмас саноқ.

Бу жиҳатдан олсак,  
Европа — Осиё  
Наздимда кўп ўхшаш —  
Ҳатто бир бутун —  
Хоҳ устидан қара,  
Остидан кўр, хоҳ,  
Хоҳи тоғидан боқ,  
Хоҳ денгизидан.  
Хоҳла олдидан кўр,  
Хоҳла изидан,  
Ҳаммаси бир тусда!  
Чорраҳалар ҳам:  
Бўйин билан сиртмоқ,  
Дарра ҳам елка,  
Бир хил қамоқлару  
Бир хил йўл-йўлка,  
Йўлнинг юхири ҳам  
Қарангки, бир хил —

Икки газли гўр.  
Орт, қани халойиқ,  
Тез-тез таши, бўл.  
Оқибати қандоқ,  
Равшан оқибат.  
Бу-чи эмас асло  
Оддий ёш-қатра,  
Бутун Россиянинг  
Гурбати қат-қат  
Тўкилган йўлларга  
Бўлиб тош қатра!  
Қим билсин, эҳ, кимнинг  
Манглайи шўрроқ?—  
Чама етмас бунга,  
Узоқ тарихдир.  
Узоқдир биз билган  
Тарихдан мутлоқ,  
Вазними, вазни бир...  
Ундаги миқдор —  
Шунда қанча бўлса  
Ушанчалик бор!  
Уни бўлиб бўлмас  
Йилларга сира.  
Борми умум мулкин  
Бўлишдан бир наф.  
Қачонки ўзимиз  
Барча,  
Барига  
Бўлсак эга — халқ!  
Ҳа, ҳа бизникидир!  
Виждон йўриғи  
Ва инсоний ҳақ,  
Ҳам Октябрь берган  
Ҳуқуққа кўра —  
Бизники бўлди-ку —  
Суви, қўриғи —

Ҳатто у тождаги  
Лаъллар бир йўла,  
Шоҳдан, боёнлардан  
Олинган бир мол,  
Давлат миқёсида  
Ғазналар, зарлар  
Ва яна барча Ер,  
Урмондаги ҳар туп  
Дарахтга қадар  
Бизники...  
Шу боис  
Мен бир ҳисобдон  
Сифатида дерман,  
Ғазнаники ёш!  
Ҳа, унга топширсак  
Нимаси ёмон?  
Жилолаш цехига  
Бўлмаса «Тошни»  
Олар Зарбхонанинг  
Қуюв цехига.  
У ерда туну кун  
Сержилва, пойдор  
Порласин яхшироқ  
Олтин-қумушдан  
Ҳам текинхўрликка  
Ғов бўлсин ҳушёр,  
Ҳам пулга бахш этсин  
Фавқулодда куч.  
Ҳамма гапни айтдим қисқача, тамом,  
Ортиқчаси бўлгай қайтариқ ҳам пуч.  
Энди тугатаман, хулласи калом,  
Саволлар борми ё?  
— Қанақа савол?!  
Бир сўзни ўзгартмай  
Эт уни зуҳур,  
Чўқморми, перода

Бос кейин муҳр.  
— Асос қабалида оламизми? Ё  
Борица — вилоят учун оламиз!  
— Қабулми?  
— Ҳа, қабул!  
— Хазинага-ёв?  
— Бўлмаса қаёққа?  
Агар қўймаса  
Қўшни разна ҳам бор.  
Бўптимми?  
— Ҳей, бўпти.  
— Муаллим не дер?

12

Уша муаллим-чи — ҳаммага аён —  
Қўп довюрак одам,  
Бир вақтлар Ликбезда  
Ишлаган,  
У он —  
Ўз гапида қаттиқ —  
На кесма милтиқли  
Иблисдан, ва ё  
На чўқмор кўтарган  
Фариштадан у  
Чўчиган,  
Тунми кун демай  
Жасур, мард  
Ўз ишига моҳир,  
Бутун вилоятни —  
Қолмай чет — кўлка  
Кезиб чиққан яёв.  
Яна ҳар сафар  
Қайда бўлса тагли,  
Ҳамда мубҳам гап,



Ё ундан сирлироқ,  
Далил, рақамлар  
Ҳаммасин тагига  
Етган битталаб,  
Жасурлиги ила  
Тушган оғизга  
Ва лекин юрмаган  
Чиқариш-чун от,  
Бирдан бир масала  
Кўндаланг бизга,  
Уни ечиш керак,  
Айтиш керак бот —  
Қаёққа бу ёшни?..  
Давра-чи, ўйлаб  
Жим туради,  
Лекин  
Кутади жавоб.  
Бўлиқ саратоннинг  
Чўллари бўйлаб  
Сукутда билдирар  
Ҳурматин шу тоб  
Ва шунда ниҳоят:  
— Ғазна — яхши гап,—  
Дейди ўқитувчи,—  
Бу катта шараф,  
Шараф-ку, четдадир  
Назардан фақат,  
Қилар хижолат:  
Зарбхона, бу ахир меҳмонхона-мас,  
Арсенал ҳам умум  
Харитамизда  
Кўз-кўз қилиш учун  
Қурилмаган, бас...

Ҳа, ростдан, бундоқ гап,  
Мардумлар...

Ростдан,  
Учқун чиқарган-ку  
Анов улуг зот  
Шу ёшдан?  
Билган у,  
Билган эҳтимол,  
Буюк ўйларига  
Бераркан аъмол  
Не-не ҳудуди йўқ  
Ёнғинларки бор,  
Аччиқдан аччиғу  
Қаттолдан қаттол  
Шу кичик қатрада  
Қотганини тош  
Ва тамом битганин  
Тоқату бардош,  
Деворга текканин  
Оқибатда бош...  
Ана шу ўчмагай  
Учқунданмасми  
Дунёнинг бир алвон  
Тонгида ёнган  
Нурафшон бул юлдуз?  
Чет ўлкаларга  
Гулгула солган —  
Эзгулик  
Ҳам яхши ният юлдузи,  
Шундан эмасмикан  
Ишчи, деҳқонни  
Бирлаштирган қудратнинг ўзи?  
Мана гап қаёқда!  
Яна, хусусан,  
Бунда олдимизда  
Тураркан савол:  
Қайга қўямиз, хўш,  
Бу ёшни деган?—

Менга қолса эди  
Танлардим дарҳол  
Ишга солиб шаксиз,  
Шуур ва таъби —  
Энг кўркам,  
Энг гавжум  
Жойни — мактабни!  
У ерда ,ҳа, унда,  
Мен сизга айтсам,  
Бошланур илк сезги  
Алифбосида  
Ўзгача кенгликлар...

Ҳай майли:  
Ҳай майли,  
Баланд ҳам,  
Паст ҳам  
Халқ ёдига бўлсин  
Ҳамиша ҳамдам!  
Худди шундоқ деди  
Шу гап билан-а,  
Ҳаммани боғласа  
Гўё чамбарчас.

### 13

Яна бир гап шуки:  
Ўша кенгашда  
Вечасимон ўшал  
Йиғинда, хуллас,  
Бўлганмиш бир киши,  
Гвардиячими  
Ё. бўлак,  
Ҳар ҳолда

Нуфузли бир шахс,  
Бичими — қишлоқча,  
Фаҳми  
Ҳам онги  
Шаҳарча,  
Шу фарқ!  
Умуман, ўз одам,  
Бари экан чин —  
Мастеровой хулқи-ла, бай-бай,  
У деди:  
— Уралга, бизга  
Берилсин,  
Ҳа, темир қуямиз  
Ундан бутунлай.  
Яна изоҳ берди:  
Саводсизликни  
Тўла тугатишда,  
Сохтакорликни  
Йўқотишда тугал —  
Темир керак, дўстлар,  
Қишлоқ, шаҳарга,  
Саҳарга,  
Ҳар мушкулни темир  
Шаксиз этар ҳал.  
Темир қобил миҳдир,  
Ҳам эпчил игна.  
У оддий маъданмас,  
Жондош  
Ва қондош  
Омочдан тортиб то  
Қанотга қадар.  
Уша ҳар қурилиш,  
Ҳар бир ишга бош.  
Усиз кун ўтмагай,  
Удир истиқбол,



Уфқда зўр гулхан — ўтнинг ялови,  
 Кун ботган,  
 Тун деса  
 Тўғридир,  
 Гулхан.

Гулханда эҳтимол, тракторчилар  
 Ва ёки чўпонлар —  
 Уч ё беш нафар  
 Тунда ўтирарлар,  
 Ҳаво — соф хилқат,  
 Гаплашмас —  
 Қуларлар гулхан-ла суҳбат?  
 Суҳбат не хусусда?  
 Янги ҳосилми?  
 Ё хашак тайёрлаш  
 Хусусдами гап?  
 Фол очма.  
 Гулханга таклиф этилмас,  
 Унинг ўзи гўё  
 Меҳмондўст юрак,  
 Чақирмоқда, боргил.  
 Лек шошма жигар  
 Сен, сўздан бўлак,  
 Пайпаслаб олдиндан  
 Бирор нима тер,—  
 Тезак бўладими,  
 Ёки хас-хашак.  
 Кўтариб секин бор,  
 Топгунча бўш ер  
 Одамларга юзлан, де:  
 — Хайрли кеч!  
 Ҳам топган-тутганинг  
 Ташла гулханга.  
 Ўт ичига сиғмай

Гўёки севинч,  
Ўзи пешвоз чиқар —  
Тикланар санга.  
Қатта бобонг янглиф  
Эркалаб, суйиб,  
Иситар яллиғда тану жонингни.  
Қўрсатар даврага  
Боқаркан тўйиб,  
Энг яхши чеккадан  
Сенга жойингни.  
Сен ўтир,  
Қут токи  
Пишгунча бўтқа.  
Тунги кўк остида  
Сенга шунақа  
Ғаройиб гапларни  
Гулхан устида  
Гапириб бергайлар,  
Не-не манзара  
Чизиб ҳам бергайлар  
Қи, бундоқ ёзолмас  
Ёзувчи, қара!  
Сўзларлар ўтмишу  
Қадимдан такрор,  
Турфа янгиликдан  
Сўзларлар яна.  
Гап — нондан —  
Уларни қилмасин-да, зор!  
Севгидан борадир,  
Не бўпти, ана —  
Муҳаббат ҳақида  
Сўзларлар жўшиб  
Ва уруш —  
Граждан урушидан-а,  
Сўзларлар жон тикиб  
Майдонга тушиб,

Қирғин солганларин,  
Аямай сира  
Шилиб олганларин  
Шкуро терисин...  
Бунда-чи,  
Бунда — йўл,  
Ярим тунгача  
Бир қарич юрмаса,  
Нени эсларди.  
У — аскар хотини  
Ва ёки она —  
Мункиллаган кампир  
Қиёфасида  
Гулханга юз бурди  
Ҳам кўнгли, мана,  
Ёришди бир чироқ —  
Тахминдан, турди:  
Бирорта бўлса-я,  
Бунда олисга  
Кетган йигитлардан,  
Ҳам қаттол жанг аро  
Йитган йигитлардан —  
Турклар урушида,  
Япон урушида,  
Герман урушида?..  
Бенаф қидиришдан  
Қорайгандир у.  
Сув ютгандек изсиз  
Олисда саси,  
У ёқда бирорта  
Тирик жон йўғу  
Фақат ёввойи ўт  
Ётадир босиб.  
У ёққа...  
Бу қора  
Пардадан бир пайт





Келмасди малол,  
Чақиримда агар  
Бўлмаса денг дум,—  
Яъни оддий қўшоқ.  
Розийдик, рози —  
Бирор қарич эса  
Дум деган агар,  
Гоҳ думлар танадан  
Қатта бўлса-чи?  
Бу энди шу тилсиз  
Йўлгадир аён,  
Ҳам кўкка — бош узра  
Мавжланиб ётган  
Яна ғилдиракка...  
Мана шундай он  
Таянч пишнқ экан,  
Кўзни яйратар  
Ҳар гул, ҳар тикан!

Бунақа фурсатда,  
Дум-чи хилватда,  
Кўрсичқон инида  
Писиб ва қотиб,  
Офтобга тобланиб  
Аста, албатта,  
Бир кўз билан қараб  
Бешарпа ётур.

Ёмғир ёғса бирдан  
Қирган каби жон  
Ҳаракатга келар  
Ўрмалар секин.  
Ўрмалаб боради  
Худди сувилон,  
Арава изига

Тушганда, лекин,  
Узайиб кетарки  
Шунақа ёмон,  
Бутун Россиянинг  
Дала йўлига  
Тенглашиб қолади...  
Хоҳла уни чоп,  
Хоҳла тоғни қулат  
Боши, белига  
Барига беради  
Шубҳасиз у тоб,  
Ҳамда бор бўйини  
Қилмас ҳеч ошкор,  
Йўлни икки-уч бор  
Этади узун.  
Оёқни толдирар,  
Губчакка завол.  
Тиндирмай юрдирар  
Сени туну кун.

Ҳа, буни қаранг-а:  
Қулатдик шоҳни,  
Аммо бу ичқора —  
Рақибга не чоғ  
Зўр ҳужум этмайлик,  
Ураб ҳар ёғни  
Йўқота олмаймиз,  
Кўнгилда шу доғ,  
Ёрдамга, Челябинск,  
Тезроқ узат қўл!  
Челябинск узатмаса  
Уста — қиш  
Узинг,  
Тезроқ кел, кела қол,  
Кучинг кўрсат, бўл,  
Шимол шиддати-ла

Қани, бошла иш!  
Кўр, ана, ботирган —  
Уч тонналикни.  
Фақат оғдирмаган,  
Бошини кетга  
Шарт ўгириб қўйган.

Шофёр не чоғли  
Довюррак бўлмасин,—  
Кўп пишиб кетган,  
Бундай мушкул палла  
Асло ва асло  
Бу қалтис йўлларга  
Бас кела олмас,  
Бу чақирим йўқдир  
Ҳа, ҳисобаро,—  
Ҳар ёғи — кўлмак, лой,  
Ҳар ён — баланд-паст,  
Бу йўл-ку шундоғам  
Кўп қинғир эрур,  
Икки, уч бор ортар  
Сийлови билан,  
Икки қадам юрмай  
Унгга, чапга бур,  
Темирни пачоқлаб,  
Шотини еркан.  
Нима деб ўйловдинг?  
Қўшоқ, бу жигар,  
Шунчаки гап эмас,  
Тўрт тарафга йўл —  
Бўлган кўп қадимдан  
Бу кунга қадар.  
Бир вақт аравакашлар  
Ҳайда, бўл-чи, бўл —  
Билан эвлаганлар,

Қолганин эса,  
Шофёрлар босмоқда.  
Ҳозирда, суюк  
Пўлат отларини  
Елдириб роса,  
У бошдан бу бошга  
Ташийдилар юк.

Қанийди Қавказдан  
Ташиб келсангу  
Бу иблис кифтига  
Етқизсанг шағал.  
Бўлса ўқдек тўғри,  
Узундан-узун  
Ҳам катта,  
Ҳам равон,  
Қишлоқ ва шаҳар  
Ўртасига шундоқ  
Бир кўча зарур.

Қани шундоқ бўлса,  
Ушалса ҳавас:  
Йўл текис, кўз яйрар,  
Шофёр, ҳайда, бўл!  
Лекин, дерлар, Қавказ  
Яқинмас фақат,  
Яна орзу, деган  
Ушалмас бирдан.  
Бу азиз,  
Бу қондош,  
Улуғ мамлакат  
Бизга берилмаган  
Тап-тайёр ердан.  
Биз уни олганмиз

Кечиб ўту қон,  
Зўрлар чангалидан  
Тортиб олганмиз.  
Ўғри, таловчини  
Қириб беомон,  
Уни ёвузлардан  
Сақлаб қолганмиз.  
Айт-чи, кўп бўлдим  
Деникин бунда  
Қилич тортганига,  
Сарҳаддан туриб  
Ун тўрт нафар давлат  
Ўққа тутганига  
Еримиз кунда,  
Кўп бўлдим, гапир,  
Бу қора даҳшат  
Бизни михлагани,  
Отганига, ҳа?

Кураш йўли, билгил,  
Бир хил бўлмагай.  
Бомба, не десанг ҳам  
Ҳар қалай бомба.  
У бузар, ёндираб  
Ҳар ённи, бай-бай —  
Меҳнаткаш болтадан  
Уч бор эпчил-ов.  
Бош юмуш — қуришдир.  
Қуриш  
Ва қуриш,  
Йўлимиз гарови — моторли улов.  
Лозим эди сўмнинг  
Қадрин кўтариш,  
Меҳнат кунин шаксиз  
Ягона қозон —

Магниткага солиб  
Қуймаклик металл.  
Анов ёш қатраци,  
Бору, тошсимон —  
Ундан зирҳ  
Ҳам пўлат  
Яратса бўлар.  
Қара уфқ бўйлаб  
У ён-бу ёнга,  
Тозамас кўп ҳам...  
Қўшоқ-чи, у бас,  
Эл бўлмаса ҳамки  
Меҳнаткаш жонга,  
Бироқ фашистмасдир,  
Самурай ҳаммас.  
Яна аниқ айтсак,  
Алоқаси йўқ  
Собиқ кокардалик  
Крестликларга<sup>1</sup>.  
Уни пишиш керак  
Ариққа босиб,  
Ариқ бўлмаса-чи —  
Ташлансин жарга!

Шояд қинғирлиги  
Қамайса бир оз,  
Зора эпақага  
Олинса шунда.  
У ёнда-чи Урал  
Эмаклайди, рост,  
Занжирли гилдиракда,  
Харков-чи унда  
Пўлат ўқда борар,

---

<sup>1</sup> Кокарда, крест — оқгвардиячиларнинг ҳарбий нишонлари.

У ёқда — ЗИСлар  
Уч тонналиклару  
Ярим тонналиклар  
Занжирли, безанжир.  
Буёқда эскича  
Уловлар ишлар,  
Бадқовоқ,  
Эгилган  
Бўйинлар ҳам зил.  
Туёқларнинг ўшал  
Тақ-туқи ҳамон,  
Ҳамон шақир-шуқур  
Араваю от,  
Уша хипчин эди  
Ҳамон сўнг фармон,  
Оҳиста ўзгарди,  
Ўзгарди ҳаёт!  
Ниҳоят, мана у,—  
Бир байрам мисол.  
Аниқ масофада  
Турар семофор:  
«Бу кенглик бизники!»—  
Газетдан шиор.  
«Донга йўл!»— бу нидо  
Ҳар деворда бор.  
Дон борар —  
Брезент остида,  
Қопда,  
Бундан ҳам зўри шу:  
Шиорлар-ла тенг  
Борар аълосифат,  
Қуруқ ҳам тобда,  
Бирор қоп учраса  
Намиққани денг  
Орқага отарлар!  
Унда-чи яна,



Лавлагн ўсади.  
Ҳа, унда, мана,  
Яна ўша гаплар —  
У ортиқча йўл.  
Сув босиб, лой босиб  
Ётади, айёр.  
Ҳолбуки, кузгиси,  
Ўзунидир бул,  
Яна чарх ургучи  
Қуюнвори бор.

## 2

Гарчи табиатнинг шоҳи бўлсанг ҳам,  
Оқ бало макрига тушувинг тайин:  
Бир зўр берса борми,  
Валлоҳу. аълам,  
Бутун чўл ост-устин  
Бўлгай дам сайин...  
Қаёққа борасан?  
Бирми,  
Икки бор  
Сени довдиратар,  
Улоқтирар хўп.  
Иссиқ вужудингни  
Қйлиб совуқ қор,  
Кафанга ўрар-да  
Отингга қўшиб  
Бир замон муз қотган  
Йўлчилар томон  
Жўнатар, борлиқдан  
Йўқликка ўтиб,  
Бўласан у бўлак  
Дунёга равон.  
Кейин-чи, ҳей кейин,

Жасадинг топиб  
Қўмарлар, минг афсус,  
Отингдан айри.  
Шунақа кулфат бу.  
Тўғри, бундай ҳол  
Аҳёнда юз бергай  
Ҳам ғамгин, майли,  
Қизиқ ҳодисотдан  
Сўзлай, қулоқ сол:  
Сен қандоқ ўйлайсан,  
Бу Назар Шабров  
Нега чалмай қўйди  
Хўш, гитарани.  
Чаларди-ку, ахир,  
Тўйларда кўп дов,  
Куй билан сийларди  
У дўстларини.  
Кўкўпар қирларда  
Чаларди оқшом  
Ва дарё бўйида  
Янгратарди соз.  
Оҳ, қандоқ чаларди!  
Гулхан — ўт, илҳом!  
Гулхан бор ерда-чи,  
**Мен сизга айтсам,**  
Кўйлақлар, рўмоллар  
Мавжи, жавлони...  
Шу боисдан балки  
Бўлса бирор тўй  
Унга элчи келар,  
Ушал замони;  
— Назар, азиз жигар,  
Йўқ, демагил, қўй...—  
Бор жамоа сўрар.  
Ким қўлин сиқар,  
Кифтига қоқар ким,

Ҳолига қўймай  
Тўйнинг дебочаси  
Дея тутарлар  
Йигитнинг қўлига  
Кўз тиндирар май.  
Назар-чи?  
Ҳа, Назар.. қилмас эътироз.

У чалар —  
Завқ қилар,  
Яйрар содда дил —  
Чалар ҳар мақомга!  
Биласанми: боз —  
Бу тарз завқланишнинг  
Сири недадир!  
Албатта, биргина  
Никоҳда эмас,  
Бу сир — қовушмаги  
Қифтнинг кифт ила,  
Кафтнинг кафт ила,  
Ҳам шундоқ тотувлик  
Азалдан, хуллас,  
Қувноқ давраларга  
Берган файзу нур.  
Хоҳ ишон, ишонма,  
Ушбу қирқ тўйдан  
Бирорта ажралиш,  
Бўлмади аммо,  
Бир этак боладир  
Боқсанг ҳар уйда.  
Бир этак болага  
Етар муаммо!  
Боқча ҳам  
Томорқа масаласи бор.  
Байрамми,

Оддий кун,  
Утар шу кўйи.  
Ҳар уйга бир қувонч,  
Шодумонлик ёр,  
Туғилиш юз берар  
Лофсиз йил бўйи.

Мана шундоқ чалар  
Ва лек қаерда,  
Қачон, неча бор  
Чалиб давраларда  
Олмасин қарсак,  
Назар ўзига ҳам  
Топди лойиқ ёр,  
Яна қайнонали  
Бўлди у бешак.  
Қайнона танлаши  
Қадимги, машҳур  
Маталга келади  
Жуда-жуда мос.  
Қаёққа бормасин  
Уйга дуч келар,  
Қачонки бормасин  
У азиз меҳмон.  
Уларга йўл усти  
Албатта қўнар.  
Баданни қиздирар  
Қўймоқ еб, унда —  
Бир-икки соатча  
Утириб қолар.  
Ҳурмату иззатдан  
Шошмас бутунлай —  
Халқда айтилгандек,  
Тўйиб ер қўймоқ.  
Чиқар шод ҳамда маст,

Чекар,  
Димоғ чоғ.

Аммо у бир дафъа  
Қайтар баджаҳл  
Ўтин омборидан  
Кўмир, ўтинсиз,—  
— Лапашанг,— деб ўзин,  
Сочарди заҳр.  
Сабаби, анови  
Дўкондан, шу кез  
Жиндек, оқ қурғурдан  
Олди-ю, урди,  
Кўпмас,  
Яримтани  
Бўшатди холос,  
Тўхтатди  
Ва отни омборга бурди.  
Омбор ёпилибди.  
Эҳ, ана холос!  
— Тартиб-да!— ўйлайди,—  
Эшик турумин  
Бузиш одобданмас,  
Соқчи балки чой...  
Ва деди: исирмиз  
Ёқиб у-буни  
Похол ҳам зўр ёнар...  
Ҳароратга бой!  
Ҳей, ўргилдим! Уша!..  
Бурилди ортга,  
От бағрин куйдирди  
Қамчи ўт мисол.  
Бирор соат ўтмай  
Тўйиб чой-қандга,  
Қайнона уйида

Утирар хушқол,  
Ҳам сўзлар, ҳар сўзда  
Ҳазил, қочирим,  
Сабаб кўп суҳбатга  
Қуймоқдан бўлак,  
Ҳар ёқдан сўзлайди  
Кулиб, ошириб  
Похолни кўп мақтар  
Ҳаммадан кўра:  
ЦЧО миқёсида  
Не демак — похол?  
Похол — ҳамма нарса!  
У-чи жуда зўр!  
Унга ўралиш ҳам,  
Ётиш ҳам осон.  
Ҳар ишга ярайди  
Хўжаликда, кўр!  
Похол — озуқадир,  
Похол — эрур том,  
У яна ҳарорат!  
Келтирсанг тишдан  
Жаннатга йўл очган  
Бўлурсан тамом, —  
У кулар,  
Хотин шод,  
Ўзинг ҳам ичдан  
Яйрайсан,  
Ҳар нарса  
Кўрингай гўзал,  
У билан киргандек  
Уйга тотувлик!  
Эшик-деразани  
Очасан жадал,  
Гуруллаб ёнади,  
Қилмай шум, қувлик.  
Шунда сўз қистирар

Утиндан кампир,  
Бирдан теккан каби  
Тилига калтак,  
Жим қолар,  
Эплаб айтолмайди  
Сабаб бирон-бир,  
Инига чекинган  
Қора айиқдек  
Пўстинга чўкару  
Аста пайпаслар  
Хипчин, шапкасини:  
— Утин... йўқ, ўтин...  
Бизда дарахт эмас,  
Усади хаслар.  
Утин масаласи  
Чатоқдир бутун  
Ва чиқар ташқари,  
Эди совуқ тун,  
Кутарди вужуди  
Тўнган от уни,  
Дон ҳам сўрамасди,  
Қўшоқ-чи, бутун  
Бўронга айланиб  
Шу палла, елиб  
Тамбов ўрмонларин  
Чарх урди чунон,  
Сўнг чўлга юз бурди  
Қуюн сиёқда.  
Кенгликда бошлади  
Шундоқ тўполон  
Қи ҳатто юлдузлар  
Нилий пештоқдан  
Қўнғироқдан тушган  
Қўшоқларсимон  
Тўкилдилар шунда,  
Ҳам чанғи йўли

Узилди риштадек:  
Шундай бир дўзахий,  
Совуқ турган он  
Уни улаб кўр-чи,  
Бўлса бир йўли!

Ҳар ён қор,  
Қор яна,  
Уюм-уюм қор.  
Ҳар уюм устида  
Яна уюм бор:  
Ётади гўёки  
Устма-уст жилвир,  
Ел эсар,  
Бир елки,  
Найрангбоз,  
Қилвир.  
Ҳам кескир,  
Ҳам юлғич,  
Исрофгар яна,  
Ҳаммаси ҳам, майли,  
Қурғур шайтон-а...  
Бундан йўл ўтарди,  
Қарабсан, йўқ йўл  
Ва билиб бўлмагай  
Қайда нима бор:  
Қайнона қайда-ю  
Хотин қайдадур,  
Қани ўр,  
Қани қир,  
Қани қўй, қўчқор.  
Ҳей, бўри қайда-ю,  
Қай ёнда қуён,  
Бақириниш қайда-ю  
Бўкириниш қайда,



Қаерда инграшлар  
Пичоқ санчган он?  
Келиша олмайди  
Икки қўл сира —  
Қай ёнбошга бурса  
Тўғри бўлади?  
Уюм-уюм қорлар  
Ётар бўйсира...  
Бутун чўл қуюндир,  
Хўп чарх уради.  
Қадимдан шунақа  
Бу тешик гумбаз...  
Айни шу паллада  
Ҳа, ўшал қўшоқ  
Панд берди Назарга.  
От бўлмаса, бас,  
Йигит тамом эди.  
Қотарди у чоғ,  
Ҳатто Райомбор ҳам  
Сўнг уйғотолмас.  
Аmmo бу эски дўст —  
Ташаккур минг бор!—  
Уртоқ от,  
Амаллаб  
Силжитди нари  
Уюм қор-тобутни,  
Вужудин босса ҳам  
Қаттиқ қиров-қор,  
Оққа беланса-да  
Ели, туклари  
Бу қуюн балоси  
Қилса ҳам абгор,  
Улим чангалига  
Эгмади бўйин.  
Юлдузни кўзлаган

Помор<sup>1</sup> сингари  
Ем еяр жойини  
Кўзлади тулпор  
Ва чиқди амаллаб  
Қуюн қаъридан  
Ташвишли кишнади —  
Сайсни чорлар...  
Мана, кўряпсанки,  
Халос баридан,  
Соғ-омон юрибди.  
Ёнда дўст-ёрлар.  
Яшар у виждондан —  
Ҳақ йўлдан оғмай,  
Хотин ила яшар,  
Бу ҳам сир эмас.

Аммо гармоничи?..  
Чалолса қани,—  
Бурунгидек қўли  
Қовуша бермас,  
Оҳор етишмайди,  
Етишмас афғон,  
Оқибатда куйга  
Ўхшамайди куй.  
Семён Угориндан эшитсак агар,  
Тошқинлик қўшоққа  
Учраган вой-бўй...

### 3

Қандоқ?  
Мана бундоқ:  
Эди намчил тун,  
Булут сузар эди

---

<sup>1</sup> Помор — қадимги русдаги элатлардан бирининг атамаси.

Кўкни тўлдириб.  
Бизнинг Семён эса  
Фурсатни бутун  
Йўқотишдан чўчиб  
Сойни кўтаргандек  
Шартга кўтарди  
Ой-куни яқинлаб  
Қолган хотинин.  
Мубҳам бир хаёлда  
Йўртиб борарди.

Бор бўлсин тириклик,  
Ва чўзилди йўл  
Чанғининг пойида,  
От яланг оёқ  
Қаби сассиз борар,  
Қолар ортда мўл  
Турфа чорраҳалар,  
Кўкламги сўқмоқ  
Узаяр, йўл усти  
Олачалпоқ муз,  
От елиб боради,  
Боради ҳануз.  
Билгандай илдамлар:  
Чанғида шу дам,  
Ҳа, похол устида  
Бу олам сари  
Шошиб интилмоқда  
Бир яхши одам:  
Фурсат жудаям зиқ,  
Ошиқмоқ керак...  
Шуни сўрар сендан  
Ҳатто тизгин ҳам,  
Қамчи ҳам,  
Шу ҳақда,

Шу ҳақда  
Бу он  
Ва бирдан бу кўприк...  
Қийшайган кўприк.  
Оғир муз эзгилаб,  
Мисоли гармон  
Ғижимлаб ташлаган.  
Қўш соҳил — қўш елка  
Чал, сув, беармон,  
Челюскин музлиги  
Шунда-да, жигар,  
Бақир қузғунларга:  
Врач де,  
Врач.  
Овоз бер,  
Соҳилда на сол кўринар,  
На бошқа бирорта  
Елкан бу нафас.  
Оқим ҳайқиради,  
Ҳам додлар аёл  
Ва борар ўз йўли,  
Йўсини ила —  
Муҳаббат оқими,  
Авлод оқими  
Ва яхши замонлар  
Оқими яна.  
Тонготар сарҳади,  
Кўк соҳилига,  
Ўзга ҳаёт сари...  
Семён-чи, хўш, Семён?  
Не қилсин, Семён:  
Гуноҳкордек юрар  
Чанғи ёнида.  
Нимаям қиларди?  
Пўстинин шу он  
Шарт ечган, қўлдир шай

Зарур онда:  
— Уғлим, — ялинади, —  
Сенга не бўлди,  
Онангни қийнайсан...  
Ҳали, шошмай тур,  
Бу ёққа чиқсанг бир  
Боплай, эслаб юр,  
Шунча эзасанми,  
Сен-а, ўргилдим.  
Сельсовет томида  
Байроқ порлади —  
Хайрли белгидек,  
Қаранг, шу замон,  
Ниҳоят офтоб ҳам  
Келди — чорлади,  
Енгини шимариб  
Бир доясимон.  
Шу тарз кўприкданмас,  
Сой оша мана,  
Бир ёришиш бўлди,  
Қизарди ҳар ён.  
Муборак, биттага  
Ортдинг, халқ — уммон,  
Омон қутулганинг  
Муборак, она.  
Янги тонг муборак  
Сенга, чақалоқ.  
Қиз муборак бўлсин  
Сенга, отаси...  
Барчангга янги жон  
Бўлсин муборак.  
Хоҳла ишонмагил,  
Хоҳлагил ишон.  
Чуғурчуққа етди  
Бирпасда бу гап,  
У айтди Қузғунга

Қузгун-чи, шу он  
Учиб кетди ўзга  
Бир қушга қараб...  
Ортиқ чидолмади,  
Қишнай кетди от,  
Қиз бўлса не бўпти,  
Қиз ҳам зурриёт!  
Семён-чи?  
Не дерди, қаршимас Семён,  
Аксинча, хурсанд у,  
Қўнгли бир бозор.  
Ушбу ҳодисотдан  
Минг турфа туйғу,  
Минг турфа нур бўлмиш  
Хаёлига ёр,  
Йигит яшнар эди.  
Қизиқ-а, бу гап,  
Бир замон хотинга  
Бўш келса сағал,  
Уша ондан бошлаб  
Кетма-кет санаб  
Қиз туға берибди —  
Қизмиш уч нафар.  
Ана шундан кейин,  
Ҳа, шундан кейин  
Сараланган янглиф  
Уғиллар, мана,  
Туғилиша берди  
Йил ўтган сайин.  
Угорин, Угорлар,  
Угорин яна.  
Семён бақувватдир,  
Булар эмас чек.  
Яна суҳбатаро ўтди  
Шундоқ гап  
Қи йўл қуриш бўлими

Турмабди денг тек,  
Дарёга солибди  
Зўр кўприк. Бу заб  
Ишни битказибди  
8- Март  
Байрамига атаб.  
Ҳа, илғор меҳнат  
Этди кўп хурсанд,  
Билки, йўлда тўсиқ  
Қолмабди, эй мард,  
Эртами,  
Хоҳ шу тун —  
Бўлса зарурат,  
Роддомга боришинг  
Мумкин, марҳамат,  
Бўлак ерга эса...—  
Оҳ, фақат гафлат  
Босмаса бўлгани —  
Қимга не лозим.  
Қим қаёққа борар:  
Бировни бир қат  
Тўйга кузатасиз,  
Ўзга таъвози —  
Тўйдан келгучига  
Муяссар бўлар.  
Бировни —  
Ҳаётда учрайди бу ҳам —  
Ерга топширасиз,  
Вужуд бўлар муз.  
Тириклик гиёҳи  
Усабер илдам,  
Порлайбер Хочдаги  
Ғамзада юлдуз.  
Бировни сафарга...  
Бўлса бас қоғоз  
Қинғир чақиримдан.

Кетди...  
Сўнг қачон  
Яна кўришгаймиз?  
Разъездга йўл соз...  
Юклими ё юксиз,  
Хайр, хонадон.  
Яхши қол, таниш уй,  
Белгигача йўл...  
Белги ўз галида  
Йўллайди сизни  
Пўлат қуювчилар  
Сафига албат,  
Ё ўрмон кесишда  
Ҳунарингизни  
Синарми,  
Ё уйлар  
Қуришга бошлар.  
Вақтинча баракда  
Яшайди ёшлар...  
Хуллас, бир сўз билан  
Айтсак, гап бундоқ:  
Поёнсиз ҳам улкан  
Эрур мамлакат.  
Қўшоқ учрайдимиз  
Еки беқўшоқ,  
Уми ё бу тарзда  
Одимлар ҳаёт,  
Борар оёқ,  
Туёқ,  
Ғилдиракда у,  
Ва устига устак:  
Аэроплан, қара,  
Йўлни кўк бағрига  
Кўтармакдадир.  
Ғаройиб манзара.  
Учар жўр қанот —



Янграгани каби  
Жўровоз қўшиқ,  
Байрам даврасида  
Барча мамнун, шод,  
Чўл хусусда куйлар  
Завқланиб, жўшиб.  
Яна бир гап шуки:  
Қутбнинг ўзи  
Чкалов қаноти  
Остига у он  
Кирди-я бир тиргак,  
Бир ғўласимон,  
Мана буни қудрат  
Дейдилар, жигар.  
Юксалиб бормоқда,  
Кун ўтган сари  
Улғайиб бормоқда  
Одил, тўғри йўлдан  
Бизнинг мамлакат.

Ўзинг ҳам,  
Биродар,  
Бундоқ қарасам,  
Иигитлар гулига  
Ўхшайсан, минг бор  
Осмонга боқасан,  
Ёшлиқдан ҳар дам  
Саноат уфқиға  
Қўнглингдир хумор.  
Не бўпти, азиз дўст,  
Жиндак сабр қил,—  
Орзунга етказар  
Саман от бешак.  
Катта йўлга чиққунг

Сўқмоқлардан, бил,  
Одим-одим босиб,  
Тезлаб ўтажак...  
Унда-чи,— ким билсин?—  
Унда эҳтимол  
Громов, Байдуков  
Уриштиргай кўз:  
— Хўш, қалай?  
Шунқорми?  
— Ҳа, шунқор, шунқор!—  
Учиш дафтарига  
Ёзарлар бесўз  
Бу ярим осмонни...  
Унда-чи, у чоғ  
Чукотка бир қадам,  
Ҳамда капитан  
Дурбинидан боқиб  
Кўрасан узоқ  
Объ қўлтиғи,  
Яна,  
Қар кўрфазни ҳам...  
Хулласки, осмонда  
Булутлар оша  
Кўрасан дўст халқлар  
Қутлуғ тупроғин;  
Бунда мангуликка  
Дахлдор яшар  
Ҳамжиҳат тилларнинг  
Муқаддас боғи.

### **АНА, ЧЕГАРА...**

Бунда тўрт тараф дашт,  
Бунда акс-садо  
Қудуқдаги каби

Олис сўзларга  
Терандан келадир.  
Агар шу асно  
Москва деб кўрсанг,  
Қирлар, бўзларга  
Жавоби тарқайди,  
Фикрда яна  
Кўпаяр  
Москва...

Москва, Москва —  
Эрийди товуш,  
Лекин лаб  
Минг кўзли булоқлардан нўш  
Этгай ўтган саккиз аср  
Ҳаётин  
Эзгу маънисини,  
Москва отин  
Келинчак такрорлар  
Эшик олдида.  
Хўрсиниб оҳиста  
Киран ичкари,  
Уйда ёлғиз эди,  
Кифтга солди-да,  
Москва шolini  
Ҳам кўзгу сари  
Борсаки, ўзига  
Ярашмиш рўмол.  
Шодликдан яноғи  
Ёришди ол-ол.

Москва, Москва...  
Гўдак кез, гоҳи

Уфқда қоларди  
Бола нигоҳинг..  
Шунда отанг келар —  
Ҳайбатли, ювош.  
Дейди: Москвани  
Кўрсатайми, а?  
Сен эса:— Кўрсатинг,—  
Дейсан, ирғаб бош,  
Чўлларда нигоҳинг  
Адашар яна.  
— Кўрсатинг, кўрсатинг!  
— Хўп, яхши, шошма,  
Бу ҳақда онангла  
Демайсан лом-мим.  
Энди-чи, чидагин,  
Урган чидашга.  
Қулоғинг учидан  
Тутиб оҳиста  
Кўтарар:  
— Ус, ўғлим.  
Қулоғинг тортганда  
Ўзинг ҳам чўзил.  
Жонингдан ўтса гар  
Инграб қўйсанг бас.  
Келишувга монанд  
Ингранасан зил,  
Аммо чўзиласан,  
Бусиз кўз ёшга  
Етишув мушкулдир;  
Аслида ўзи  
Шу ёшга қоришиқ  
Яшил ўрмонлар  
Ва яна бахт қуши.  
Тинадир кўзинг.  
Қунга қарагандек  
Яқинга келгандай

Олис томонлар,  
Гўё бўлган каби  
Бари намоён!  
Сен киприк қоқасан,  
Думалайди ёш,  
Сўнг овоз берасан,  
Кўрдим, ҳа, кўрдим.  
Нимани кўрдинг, деб  
У қотирмас бош.  
— Москва, дейсанми,  
Ҳа, бўлди, бўлди,  
Заб шаҳар, каттакон,  
Ҳа, эсимда бор... —  
Деб хотирлар бобо,  
Ўзи бир вақтлар  
Бўлган Россияда  
Энг зўр юрамол.  
Чекка диёрларни,  
Қамситмай зинҳор,  
Уни энг ўртада  
Зўр ғарам мисол  
Баланд кўтарганлар,  
Дея, бор бўлсин,  
Ҳам тўрт тарафига  
Баробар турсин...  
— Москва туради  
Юксакда, билсанг,  
Атрофида эса  
Бутун мамлакат...  
Москва, Москва,  
Рост, ўйлаб кўрсанг,  
Халқлар кўп, у битта,  
У эрур пойтахт!  
Сарҳаддан сўз кетса  
Дейлик мисолга,  
Унга ҳам Москва

Тугашдир шаксиз.  
Вужудинг солади  
Бир жунбиш ҳолга,  
Боғланиб кетади  
Унга юрак, ҳис.  
Ҳасан кўли олис,  
Уссурий ёқда.  
Чандиги-чи, мана,  
Ҳали ҳам, ҳамон  
Рудяк чеккасида  
Ёнар,  
Ёнмоқда —  
Бир олов кемтик  
Мавжудлиги билан  
Билдирар ҳар он —  
Мушкуллигин ўйлаш  
Улкан, бепоён  
Еримизни ушбу —  
Холсиз, бўёқсиз.  
Ҳар қарич тупроқсиз,  
Давлат гербидаги  
Ўшал бошоқсиз.  
Агарда юз берса  
Бирор фалокат  
Бу чекка кулба ҳам  
Четда қолмагай,  
Бунда умр кўрган  
Бобонг нафақат,  
Сен ҳам шу гўшада  
Қатра, ҳаво, май  
Янглиғ туғилгансан,  
Ўсгансан яна,  
Отангинг енгида  
Сақлагансан жон.  
Билсанг иситарди  
Қўлини онанг,

Шу енгнинг ичида  
Яйраб бир замон.  
Қўшиқ эдинг  
Ҳам ҳасратли,  
Ҳам қувноқ,  
Таянч бўлдинг  
Ҳатто тоғдан буюкроқ...  
Фақат сўнгроқ...  
Сен оёққа кирган чоғ  
Келтирдилар пийма  
Пича каттароқ.  
Уша кездан бошлаб  
Хоҳиш бўлган дам,  
Уй ичида юрдинг  
Тап-туп ҳар томон.  
Тўрамассан, бундоқ  
Уйлаб қарасам,  
Лекин сенга гўдакликдан  
Бепоён  
Кенглик очмиш ўз бағрини,  
Бир қара,  
Унда бўлган ҳар ҳодисот —  
Манзара,  
Қамолингга хизмат  
Қилар чамаси...  
Тўхтаб тур, онажон,  
Шошма, онажон,  
Кенглик чақирмоқда  
«Уйга»нг нимаси?

## ҚИРПИ НАҲОТ ЙУҚ...

1

Қунмисан, кун эди,  
Қўп баланд тафти.  
Урим шиддатидан

Менимча, тагин  
Ошгандан ошарди  
Ҳарорат, забти.  
Эрта тонгдан сочгай  
Ути-яллигин  
Ва мовий осмондан  
Шўх назар ила  
Қамрарди денгиздан  
Денгизга қадар.  
Ҳам ўзи серғубор  
Кенгликлар ора  
Яъни Ер ва Кўкнинг  
Нақ ўртасида  
Денгиздек мавжланар,  
Ажиб чайқалар.

У сузар.  
Чарх урар,  
Кўрар ва билар  
Барчани,  
Назардан қочирмас ҳатто  
Ўроқ ўришингни,  
Тушлик қилишингни,

Қошиқни артиб  
Шартта туришингни.  
Қудуқдан челақда  
Тортиб муздек сув  
Тўйиб ичишингни  
Ва яна қулочинг  
Кенг ёзиб, хочдек —  
Шовуллар устида  
Ётишингни-ю,  
Барча-барча ишинг —  
Ҳаракатингни,



Меҳнатинг меваси  
Баракатингни  
Кўриб-билиб турар  
Бу қизгин, ўқтам  
Ўроқчи кунларинг  
Ҳам,— тсс,— деб арини  
Босаркан, шу дам,  
Эшитмоқчи бўлар  
Шовқинларини —  
Ахир гўнг ғарами  
Ортида, қаранг,  
Нюрка Рудякова  
Бўғзидан тутиб  
Қиларди гаранг...  
Кимни денг, бу яна.  
Эри,  
Рудякни  
Ва шундоқ куйдирар,  
Қовирар шу тоб  
Уни ҳароратмас,  
Мисоли ажал:  
— Сенга гектар бўлса,  
Ҳам ҳисоб-китоб.  
Яна центнерлар,  
Отлар, ҳўкизлар,  
Идоранг хат-пати,  
Хуллас чопу чоп...  
Қалбинг-чи, қани у?  
Қалбни пайтава  
Қилиб оёғингга  
Ўраб олгансан,  
Халтангнинг тагида  
Гард босган, яна —  
Синган қаламингга  
Улаб олгансан  
Ёки ёлғонми, а?

Бу — ахир, қандоқ гап?  
Нима қилар, а,  
Сен ҳам андишани  
Сақласанг сағал...  
Бутун бир бригада  
Олдида яна.  
Йигитни кўп ёмон  
Қилдинг-ку ўсал.  
Ердан чиққанми у,  
Малайингми ё?  
«Ҳар ким тенги билан»  
Бор шундоқ нақл  
Тенгига бўлибди  
Йигит маҳлиё,  
Нимаси ёмон, хўш,  
Ишлат-да, ақл...  
Мен Тоня ўрнида  
Бўлганимда, воҳ,  
Қўярдимки, шундоқ кўзингни очиб,—  
Мана шу папканг-чи,  
Шу билан шундоқ  
Бурундор нусхангдан  
Димоғ-пимоғинг  
Сидириб ташлардим,  
Қутилмасдинг мендан  
Ҳаттоки қочиб!  
Улар ошиқ-маъшуқ!  
Ана шу гапга  
Ортиқ чидолмади  
Рудяк ҳам, шу он —  
Довулдек бош урса  
Унга ҳам чапга,  
Қизиққон эмасми  
Тутоқди ёмон,  
Хотинга ўшқирди:  
— От нима, ошиққа

Мартабами от?  
Ахир у тонггача сувлиқ ечмаган,  
Вақтида емин еб, сувин ичмаган,  
Очу тўқ демасдан  
Кеча-кундузи  
Ишлатсак,  
Ҳам бунда...  
Кўрдинг-ку ўзинг  
Бекордан бекорга  
Уринса-я от.  
Керилишга от кам,  
Унга қанот бер...  
Думи,  
Ели демай  
Шўрликни савар —  
Сенингча, эҳтимол,  
Шуни юрак дер?  
Юрак... юрак...  
Дейлик, майли, худо йўқ,  
Шайтон ҳам йўқ, дейлик,  
Қани, айт, бироқ —  
Қирпи-чи —  
Қирписиз қийин-ку, мутлоқ?

## 2

Аммо ўша қирпи  
Бўлган, ҳа, бўлган  
Мана бу «дук-дук» лаб  
Дея ол нафас  
Буюрган кўксингда...  
У уриб турган  
Тирик бир қудратдир.  
Майли, қирпимас  
У виждон аталсин...  
Бир кунмас, бир кун

Қалбингнинг  
Чанг босган  
Чуқур қатига  
Бамисли изқувар  
Кирар-да бутун,  
Санчиқ берар, ушбу —  
Ҳаракатида  
Сенга уқтирарки:  
Йўл бошланган асли  
Ғўла, туёқдан,  
Дарё-чи, булоқдан,  
Чуқурроқ қарасак  
Фан очар бир қур:  
Қанот ғилдираддан  
Бошланганин ҳам...

Қим қилар эътироз,  
Тезлик, ҳа, бу дам —  
Буюк қудрат эрур.  
Бироқ мумкин эмас,  
Йўқ-йўқ,  
Тормозсиз.  
У ҳам кўчаларға  
Кўп бегонамас,  
Эскидан қолган у,  
Қўлга юлмассиз  
Усиз машинанинг  
Асов кучини.  
Зарурат бўлса гар  
У доим тайёр,  
Жуда бўлмаганда,—  
Бу гапнинг чини —  
Тезликнинг биринчи  
Посбони мисол  
Ҳамма ишни олар

Уз зиммасига,  
Акс ҳолда не кечар...  
Битта самолёт —  
Париллаб борарди  
Сас, ҳамласига  
Осмонни тўлдириб,  
— Бўлган шундоқ иш —  
Чақнаб тунги кўкда  
Мисли бир юлдуз,  
Шовқини кам эмас  
Гулдиракдан сира,  
Бутун пропеллер  
Мотори тўс-тўс  
Қилиб бурдаларди  
Мовий ҳавони:  
Дегандек бунчалик  
Шовқин соласан —  
Нега нафасимга  
Уриб сабони  
Авжга чиқармайсан?  
Қани, четроқ тур.  
Ҳаво-чи? Не дерди,  
Аслида ҳаво,  
У ҳам тушунади  
Ёшлар ўсар, зўр!  
Шу боис қилмасдан  
Упка, истиғно  
Самолёт йўлига  
Бўлди пойандоз.  
Уша учсин дея  
Эркин ҳамда соз.  
Ҳаётда учрайди  
Бунақаси ҳам —  
Қирпи деган бор гап!  
У булбулмисол  
Қалбингни қитиқлаш

Йўлини билар,  
Ниқтаб турар бигиз  
Қадагансимон,  
Ҳам бўм-бўш челақка  
Ишора қилар —  
— Дейди:  
Отни суғор,  
Кейин бергил ем,  
Жавдар бўлсаям бер...  
Ҳа, етар, шунқор,  
Барчасига ақлинг,  
Эмассан нодон...

Албатта, бу танбиҳ  
Қилди сенга кор,  
Суф-е, шайтон урсин,  
Ҳатто шунда ҳам  
Сендан эпчил чиқди  
Бу Рудяк минг бор.  
Отга сув тутгани  
Ҳеч гапмас,

шу дам —

Ҳотамтойлиги денг  
Турувди етмай —  
Узр-маъзур этса...  
Тушибди хўп паст,  
Дейди,—  
Ҳей ўшанда  
Қизишдим андай,  
Ноҳақроқ эканман  
Уйлаб қарасам...  
Ҳа, қаттиқ кетибман,  
Олдим буни тан...  
Уртадан ғашликни  
Қўтармоқчи ҳам —  
Қўнгил овламоқчи

Шу сўзлар билан:  
— Мен ҳам хўп дайдиған  
Усмирдим, жигар,  
Булбул деб кўрганман  
Хўп жабр, вой-вой..  
Тун эди,  
Ойдин тун,  
Еп-ёруғ йўллар,  
Шундоқ кент устига  
Қўнган каби ой.  
Бош узра юлдузлар —  
Ини устида  
Ғужғон ўйнаб ётган  
Болари мисол,  
Гар бўлсанг болари  
Тутиш қасдида  
Уясин очгину  
Аста қамаб ол.  
Ҳа, шундоқ бир кеча  
Мен сенга, десам,  
Борардим равшанки,  
Ўз Нюркам билан,  
Кетяпман  
Индамай,  
Тинмас у эса,—  
Бу булбул қитмирининг  
Қитмири экан.  
Таъна қилар менга —  
«Чаҳ-чаҳ»лаб кулар,  
Боғни тўлдиради  
Қувноқ сайроғи,  
Мени руҳлантирган,  
Қўллаган бўлар,  
Жўштириб кўнгилда  
Ҳислар қайноғин.  
Оқибат — эҳ иблис,—

Ток билан якка —  
Куйловчи ток билан  
Нюрканинг совуқ  
Тирсагидан ўтиб  
Тегар юракка,  
Титратар сел янглиғ,  
Яна ҳарорат  
Ичра ёндиради  
Худди саратон.  
«Бўл-бўл» дея  
                                ундар  
Ва бошлар яна  
Боғнинг ўртасига  
Бир олма томон.  
«Бўл-бўл... бўл-бўл» саси  
Далдадек, мана,  
Қай ерда сўл ёну  
Қай ерда соғ ён —  
Йўлни оз-оз буриб  
Сақлаб азимут  
Бораман  
Ва бирдек  
Булбулни ҳамон  
Енимда сезаман,  
Қолар ҳовли, тут,  
Олманинг тагидан  
Чиқамиз тўғри.  
Нюркани қучоқлаб  
Оҳиста дейман:  
— Кел, биттасин олиб  
Кўрамиз татиб.  
У буришиб дейди:  
— Хом, қандоқ ейман.  
— Йўғ-е, гулим, пишган,—  
Шипшийман аста,  
Унинг кўкрагига юзимни босиб,



Шунда ўшал гулим  
Чўнтакдан қўлин  
Секин чиқардию  
Солди ўхшатиб —  
Кўзимдан ўт чиқди.  
Шундоқ урдик,  
Бутун кўз олдимни  
Босди бир туман,  
Туманки, тайгадан  
Қуюқроқ, жигар.  
Кучая бошлади —  
Уни ҳарчанд ман  
Уринмай  
Ҳайдашга, бермади кўмак  
На юзта лапару  
На-да бу баян.  
Жудолик гиёҳи ўсди,  
Ўсди шак  
Мен чақирдим:— Анна,  
Анна,— деб кўп бор,  
Лек жавоб бермади,  
Худди бир девор.  
Бир йил ўтди шундоқ,  
Иккинчиси ҳам...  
Ва фақат Ҳасандан  
Қайтган паллам,  
Эрк берди туйғулар  
Тугёнига у.  
Сой каби тўлқинлаб  
Тўлиб-тошди-ку.  
Бир кун медалимни  
Суйиб силаркан:  
— Степан Василич,  
Мундоқ, менга ҳам.  
Узук олиб берсанг...  
Десами бирдан...

Мен нетай?  
Мен ахир ҳарбийман,  
Шу чоғ  
— Есть — дейман,  
Честь бериб кўкрак кераман —  
Есть, Анна Алексеевна,  
Нимайкан узук,  
Тегирмон тошин де,  
Олиб келамай.  
Ростдан олиб келдим,—  
Менга эмас юк  
Юз пуд дегани ҳам,  
Полвонман, жўра.  
Уша жанжалдан сўнг  
Утганди тўрт йил,  
Совчилар юбордим одатга кўра,  
Бир катта тўй қилдик,  
Тўпланди юрт-эл,  
Ҳов, қизил тепада,  
Бўлди-я зўр гап!  
Стакану қадаҳ қўлма-қўл,  
Халойиқ, ўйна-кул.  
Одамлар: Горько,— дер,  
— Горько!  
— Ҳа, горько!..  
Уша олмалар-чи,  
Олма ўша йил  
Асал бўлиб кетди,  
Томар гўё бол  
Ва бизнинг оила  
Усди муттасил —  
Болалар туғилди...  
Ҳа, ҳисобга ол  
Тажрибамни, ёшсан!

Оббо сен, беллашмоқ  
Истайсан чоғи?  
Майли, кел.

3

Шу тарзда  
Икки азамат  
Ким ўзарга тушди,  
Чақнар ўроғи —  
Беллашди уззу-кун,  
Зўрки ҳаракат —  
Пайқашмас қайси боғ,  
Томорқа қайси?  
Кунгабоқар каби  
Бош чайқар офтоб.  
Эл тўйга келгандек  
Хушнуд  
    кўргани  
Ингилган:  
Кимни-ким?  
Кимда куч — шитоб.  
Бақирар, шўхликка эрк бериб бу дам,  
Чарх урар  
    дурраю  
        этак қуюни.

Урим не дегани,  
У шунда кўркам —  
Ки, тан олмаса ҳеч бир  
Амал, буюмни.  
Урим бу — уюшма!  
Урим — эрк эрур.  
У яна шижоат  
Қолсанг, етиб ол!  
Амал-чи?  
Не бўпти,

Амал нимадир?  
Райзо<sup>1</sup>данмисану  
Ё Райфо<sup>2</sup>дан, бор,  
Папкангни ташла-де,  
Тез қаторга тур,  
Қандоқ бошлиқлигинг  
Портфелсиз кўрсат,  
Ҳам ортиқча тошни  
Қамайтир, ҳа, бўл!  
Қарасанг, бир пари,  
Унда, шу фурсат  
Сенинг нигоҳингга  
Бергандек жавоб,—  
Ёнингдан ғоз ўтар,  
Ташлар кўз қирин.  
Сўзин ўтқазади  
Қизишиб, хуноб,  
Жилмайиб қўяди  
Секин, яширин.

Шунда эсга тушар  
Булбул сайраган  
У олма дарахти.  
Шунда сен, шунда —  
Ўхшамайсан асло  
Кузга, сарғайган,  
Аксинча баҳорсан  
Яшнаган, расо...  
Ўрим — тайёрлашмас  
Шунчаки хашак,  
Гўшт билан сут ортсин  
Деб келажакда.  
Ўрим, бу кўламдир,

---

<sup>1, 2</sup> Райзо — Райфо — район ер бўлими ва молия бўлими.

У кучдир бешак,  
Ҳордиқ онигача  
Зўр беражакда.  
Ҳордиқ они эса  
Қувноқ, ҳазилкаш —  
Бадқовоққа қарар  
Чап кўзи ила,  
Худди масхарабоз:  
— Йўқолсин бу ғаш  
Йўқса аёлларга —  
Нюрька, Полина  
Ва бўлакка ўтар,  
Шуни яхши бил  
Ва сира унутма,—  
Асли партўшак  
Бўлмасин нечоғлик  
Баланд ҳам енгил,  
Шулар ҳисоби-ла  
Солинган хашак...  
Шундангина яшар  
Эркин, беармон  
Қийшиқ том юстида  
Ёшлар, кўп сўлим.  
Хуллас хашак деган  
Эмасдир сомон,  
Шунга кўра деймиз,  
Яшасин ўрим!  
Шунга кўра, балки,  
Беллашмоқ бўлди  
Бўйдоқ йигит билан  
Аёлманд киши.  
Рудяк — қоя мисол,  
Шим кийган айиқ,  
Бир киришса борми,  
Сенга бермас йўл.  
Шундоқ бўлса ҳамки

Ютдинг, сен — лойиқ  
Энг олий мақтовга,  
Ютдинг, омон бўл.  
Балки ён бергандир?...  
Балки... не бўпти?  
Бари бўлиш мумкин,  
Бироқ ўшам кун  
Сенга ҳаётингда  
Энг хуш кун, хўпдир,  
Бу кун хотирангда  
Сақланар бутун.

## **ЯШАЙ БЕРСАНГ, ЯШАЙ БЕРСАНГ...**

### **1**

Эҳ, жимжитлик...  
Сен ҳам  
Қимирлама, боқ,  
Яна сезгир бўлиб  
Хушёр қулоқ ос —  
Жимлик қадамига,  
Эшитгунг шу чоғ:  
Тун босиб келадир  
Ҳам ойдан олмос  
Қириндилар каби  
Майда-майда қор  
Пойингга сочади...  
Ҳам қайрар минг бор:  
Доим ишлай бермас —  
Ясли пероси,  
Ойнинг ўроғига,  
Қушлар тирноғига  
Сўнг муддаоси —  
Кунга нома ёзар,  
Ёзадир оққа:

— Ҳай, шунақа, жигар,  
Шунақа гаплар.  
Маъзур тут хатимни  
Сен ўқимоққа  
Қийналсанг, чаплашиб  
Кетган бўлса гар.  
Фақат далиллар бу  
Қуруқ, яланғоч,  
Бор гапни ёзурман,  
Билсанг, бепардоз...  
Оми — қоронғуман,  
Кечир, на илож,  
Ушбу ишим учун  
Қойимагил боз,—  
Булут ғарамладим  
Валдай устида,  
Мана, Дон — гувоҳдир —  
Ёғинки, зарур,—  
Ипдек бир-бирига  
Уланиб қуяр  
Бу ипни урчуқдан  
Қўринмовчи қўл —  
Ила астагина  
Тортиб эшаман.  
Биламан-ку ахир  
Иссиқ келасан,  
Қуруқ ҳам келасан,  
Бу жавдар эса...  
Қақраб ётар, ёмғир,  
Айт-чи, қуймаса  
Унга сувни ахир  
Қайдан берасан?..  
Ва бари-барчаси  
Шунга ўхшаш гап,  
Ёзибди.  
Мисоли тўқигандек тўр,

Терсида —  
Қайдадир, қара, яхшилаб, |  
Зиёбахш сатрлар,  
Қаърида, ҳов, кўр,  
Унда ҳов, анови томонда, қара,  
Бобров шаҳарида,  
Қишлоққа яқин,—  
Уша ерда, ана,  
Айб сўзлар ора,  
Турибди:  
Севаман,  
Севаман — сўзи.  
Сизлар хусусда ҳам  
Уша ерда бор,  
Сизлар хусусда ҳам...  
Яна ойдин тунда  
Чорлаган ўзи  
Бир эшик хусусда,  
Ҳам терак тагида  
Ўтган у хуммор  
Лаҳзалар хусусда  
У ерда гап бор...

Эҳ, Тоня, Тоняжон...  
Асов сой ҳамон!  
Ичсанг — ич,  
Лек сузиб  
Ўтмайсан зинҳор.

Ажиб тун.  
Сен, мана, наврўзгулмисол  
Бу тундан  
Нур эмдинг,  
Асло бу дамни



Унутмассан...  
Яшасанг,  
Яшасанг минг бор,  
Тонг сари йўналтиб  
Умр йўлларин,  
Бироқ одам деган...  
У ҳам одамми?

2

Ноаниқ бир ёғду  
Урмалаб, сизиб  
Тунги том четида  
Синган бир маҳал,  
Бир кимса —  
Полклари Ла-Маншда кезган,  
Бир кимса —  
СС и  
Парижни эзган,  
Ўша, ўша кимса  
Айни шу фурсат,—  
Яъни қоп-қоронғу  
Ўрмон четига  
Тонг етиб келган дам  
Корпусга буюрар,  
Бошла, иш кўрсат,—  
Шарқнинг бетига  
Танкдан чўкич урди  
Оғир корпус ҳам,  
Чўкич урди тик.  
Петсамодан тортиб  
Тавриягача  
Понадек қоқилди:  
Блицкриг.  
Блицкриг.

Блицкриг<sup>1</sup>  
Уша якшанбадан  
Бошланди оғир,  
Ғамзада йиллар  
Улар бўлмай неча?  
Бор ундан сўра.  
Ҳарён ўт,  
Ҳам ортар  
Крестли қузғуннинг  
Пойлаб, пастлаб учиб  
Отиши йўл-йўла...  
Уша тонг, лейтенант,  
Абжир ҳамда ёш,  
Яқинда олганди  
Заставани ҳам,  
Бўсагадан гўё  
Кўтаргандек бош,  
Пайдо бўлар эшик  
Урнида шу дам:  
— Қурол ол.  
— Қурол ол.

Ва бу мусибатнинг  
Ёмон хабари  
Бир зумда тарқади  
Мисли бир чақмоқ  
Бутун мамлакатга,  
Ҳар бурчи сари —  
Етиб борди шохлаб —  
Тармоқ ва тармоқ.  
Эл-улусга тегди  
Бир йўла, тамом,  
Яна бир кимсани  
Йўқлаб номма-ном

---

<sup>1</sup> Блицкриг — яшин тезлигида дегани.

Кетди олис-олис,  
Тарих қатига —  
Кетди Донскойнинг  
Қиличи томон,  
Кетди Невскийнинг  
Маслаҳатига,  
Куликов майдони  
Узра бир замон,  
Бир замон Чуд мавжи  
Устида чақнаб,  
Йўналди Бородин  
Тепаси ёққа  
Ва сўнгра —

кечмишдан

Курашга чорлаб  
Келди бу томонга,  
Дала-ўтлоққа...  
— Қуроллан.  
— Қуроллан...  
Тутагудек сим  
Кремль чеккасида  
Бир пилтасимон.  
— Қуроллан!  
— Қуроллан!..  
Шаҳар, кент ошиб  
— Қўзгал!— деган бонга  
Айланур ҳамон.  
Сен, энди, тош қатра,  
Темир ичра кир,  
Ёмғир сингигандек  
Ернинг мағзига,  
Темирнинг жонига  
Сингию сен ҳам,  
Тўрт ёқни қовуштир  
Ва зирҳларни сен  
Совутга айлантир

Метин, мустаҳкам.  
Урганда тўкилиб  
Тушмасин учун...  
Сен эса, Ер, кўрсат  
Меҳрингу кучинг,  
Бутун мамлакатни  
Москва билан,  
Москвани бўлса  
Бутун халқ билан  
Янаям аҳил эт,  
Жипслаштир тагин.  
Ўтган асрлардан  
Мадад, шиддат ол.  
Кўрсат ғазабингни —  
Қардош ва яқин  
Тилларни уюштир,  
Бўлиб наъракор  
Ур десанг-чи,

Шу дам —

Ҳар ер, ҳар ёқда  
Тонг номидан янграр —  
Даъват деган — қалқ.  
Қўзғол, қўзғол, қўзғол.  
Октябринг бўлсин  
Мангу омон, халқ.

Қўзғал,  
Тур жанговар  
Байроқ остига,  
Ҳайбат, маҳобат-ла  
Қудратли, кўркам —  
Бунда ҳам, унда ҳам —  
Олисларда ҳам.

Халқ қалқди,  
 Улар  
 Миллионлар эди,  
 Хизматчилар. Кетди —  
 Барчаси, бари  
 Уша,  
 Уша ёққа  
 Оташгоҳ сари.  
 Бу яқин орада  
 Қайтарми биров —  
 Сўрама ва лекин,  
 Узинг ўйлаб кўр,  
 Отам кетди  
 Яна  
 Изма-из Шабров.  
 Угорин жўнади  
 Сўнг Рудяк тушкур...  
 Чалғини олди у  
 Кетардан аввал,  
 Пешлади —эсла-я  
 У пўлат тигда  
 Қолмади бирон дарз...  
 Кейин, сўнгги гал  
 Хотинини қучди:  
 — Нюра, етар, бас...—  
 Ахир сўнгги дамлар  
 Сўнгги интиқда  
 Ҳаммасини қучиб  
 Бўларми бир-бир?—  
 Буғдойзор,  
 Буғдойзор,  
 Буғдойзор оша  
 У кетди қирларнинг  
 Зангор четига...

Сўнг ёшроқ отларни териб олишди,  
Олишди тракторлар янгисини ҳам.  
Кетди,  
Бари кетди  
Унинг кетидан.  
Уша ёз мамлакат  
Бўйлаб қопқада  
Бутун бир мамлакат  
Турди. Почта ҳам —  
Бўлди кулфатзада.  
Қаддини бу дам  
Ростлади:  
Бир йўлу бир ўша —  
Уруш...

## УИДАН ЧИҚАРМАН УМРБОД

### 1

Паға булут келар ёнимга  
У гоҳ —  
Шодлигимни кўриб  
Бўлади хуррам.  
Гоҳ, — нега яширай,—  
Ғуссамдан пурғам...  
У келган чоғ —  
Уфққа уфқ туташар —  
Кўзимга киради  
Бўлиб хотирот —  
Ўрмонга йўл бўлиб  
Қирган қирсифат,  
Кўкка етган тоғдек,  
Муюлишдан бот  
Ўтган дарё янглиғ,  
Мисоли кетгандек  
Йил кетидан йил...

Ёмон илонмиди  
Ҳов ўша, сабил?—  
Хаёлимга келар  
Шундоқ бир савол.  
Гўдакка айланиб  
Мана, шу зайил,  
Болалик четида  
Тураман алҳол,  
Тургум оёқ яланг,  
Тургум соч — оппоқ,  
Аммо бағримдаги  
Ҳайқириқ — нидо .  
Сира тилга кирмас.  
Сўз бўлиб янгроқ  
Отилиб чиқмагай  
Ё мисли зиё...

Мана, кўкатзорда  
Тураман қотиб  
Сарҳад оғочидек,  
Тўнгиб айни ёз.  
Илма-тешик лента  
Пойимда ётур.  
Қатрон янглиғ оқиб.  
Унга муз — пардоз,  
Музлатади ҳатто  
Сояси билан,  
Кулфат,  
Кулфат,  
Кулфат,—  
Чиқар шундоқ сас  
Қалбнинг энг тубидан,  
Юрак қаъридан.  
Кўнгил дейди шунда  
Қоч,





Мен сари келади  
Уя булутимда.

Гоҳ бундоқ бўлади:  
Енбошида хоч  
Кўп тоннали танк  
Нишонга олар —  
— Кўриб тураман денг —  
Мени,  
Взводимни  
Иўқотмоқ бўлар,  
Тепа-мепа билан,  
Ҳандақ-ла бирга,—  
Бруствердан<sup>1</sup> тутар  
Бўғгандек ёқа:  
— Улим!  
Улим сизга!  
Барингиз ерга  
Кирасиз...— бўкириб,  
Боқар биз ёққа.  
Барчамизни эса  
Гилдирак билан.

Улдиргум,  
Ут қўйгум  
Иўқотгум, ҳа, бас,  
Бутун Россияни,  
Битта сизнимас —  
Яшасин зирҳтешар  
Қўрқмас  
Шоввозлар,  
Ўзини ёқдилар.

---

<sup>1</sup> Бруствер — ҳандақларнинг олдидаги ясама тўсиқ.

Тўхта.  
Эй, ойнада турган  
Бу офтоб,  
Кечмишга қаратиб  
Олибди юзин.  
Суликони куйлар радио шу тоб,  
Эҳ бунча олисга элтар хотирот.  
— Уйга кир!.. Уйга.  
Мен эса чиқурман  
Уйдан умрбод.

*Москва, Қоршево  
1965—1977*

## Хотира ҳукми

### 1

Экинзордан ўтиб борар у,  
Рейндан нари  
Далалар аро.  
Атрофда-чи,—  
Босим,  
Серғулу  
Меҳнат қилар қизгин бу асно,  
Манглайдан тер тўкарди  
Ер...  
Мовий тутун  
Ичра ғарқ бутун.  
У — ҳимматли,  
Баҳам кўрсам дер,  
Неки бўлса —  
Меҳнатми,  
Дон-дун —  
Бир мисқол ҳам яширмай зинҳор  
Бўлишишар сен билан...  
Шундоқ...  
Кимники — у?  
Нима фарқи бор...  
Соҳибмассан сен, афсус:  
Сўқмоқ,  
Булут,  
Завод,  
Эпкин мулойим,

Иссиққина эпкин сасига...  
Сўқмоқ — сени элтади доим  
Бюргер<sup>1</sup> уйи остонасига.  
Бир замонлар сингари  
Қуруқ  
Жавоб кутар  
Балки бугун-да:  
«Иш йўқ».  
«Иш йўқ».  
Ишлашга иш йўқ...  
Унда нима бўлади?  
Унда...

Қўл силтайди унда барига.  
«Барингга туф!» —  
Дейди дағал,  
Қўрс.  
Шунда етар унинг корига  
Уқлар...  
Уқлар қуяр Герман Хорст.  
Ҳамма каби  
Тинч яшайди у,  
Роҳатини  
Билади фақат.  
Еб-ичади,  
Вақтида — уйқу,  
Ташвишлардан  
Бўлмас бетоқат,—  
Ки, ким кўксин  
Тешгувси бу ўқ,  
Қай бир қалбни  
Ўртар бемаҳал...

---

<sup>1</sup> Бадавлат маъносида (тарж.).

Хотира-чи?  
Йўқ.  
Унга йўл йўқ!  
У яшашга бермасин халал!

Шундай деди,  
Фикрин этди жам.  
«Ўз-ўзимга зид-ку?» — деди сўнг.  
Қадамлари тобора шахдам.  
Силтанади  
Қўллари ҳам чўнг.  
Кенгроқ —  
Елка бурилиши ҳам,  
Кўкраги ҳам  
Ҳавога тўлар...

Ногоҳ бир ер —  
Эгасиз —  
Шу дам  
Рўбарўда намоён бўлар.  
Ҳеч кимники эмас,  
Ўнгу сўл —  
Кўз илғамас  
Кенг пастқам майдон.  
Харобазор.  
Қаровсиз буткул,  
Бир ташландиқ,  
Унут ломакон.  
На бошоқ бор бунда,  
На хоч бор,  
На биронта эгатнинг изи.

Тўхтаб қолар  
У беихтиёр,  
Ўйга чўмар ўзидан-ўзи:

Худди шунда,  
Турганди-да у,  
Уттизинчи йиллар эди бу...  
Гоз турганди  
Рисолага мос,  
Йигирма уч ёшдаги ўсмир,  
Ёвшанрангли жез дубулға — соз,  
Эгнида ҳам  
Ёвшанранг мундир.

Ҳар нарсага тайёру  
Ҳушёр,  
Мўйлаби ҳам йўқдир,  
Қизил юз.  
Тўқасида шундай ёзув бор,  
Гўё гуноҳ ювар:  
«Готт мит унс!»<sup>1</sup>

Қўндоқ — кифтга.  
Завқ ваҳмага жо  
Қобоқларда қисилмиш маҳкам.

Уч юз қадам олдинда  
Ганҳо,  
Фанеркадан қилинган одам  
Бад нияти йўқ асло,  
Турар  
Қиёфасиз бошин кўтариб.

Мана милтиқ тумшуғи титрар  
Чўнг гавдада  
Недир ахтариб.  
Титрар,  
Токи малла қисиқ кўз

---

<sup>1</sup> «Худо бизга ёр!» (Нем.).

Топмагунча  
Мўлжал нуқтасин.  
Мана шунда юрак...  
Ҳа, дуруст...  
Мана шунда  
Нишон тўхтасин...  
Йўл-йўриқда  
Ёзилган шундоқ.  
Мўлжал аниқ,  
Герман турар шай.  
— Ут оч!—  
Тепар елкани қўндоқ,  
Уқлар учар,  
                зув-зув,  
                                пайдарпай.

— Ут оч!

— Ут оч!

Чўкка тушганча  
Зипиллатиб отар  
Герман Хорст.  
Фанер одам турар турганча,  
Бир ёққа сал  
Энкайган, холос.  
Ут ҳам очмас,  
Йиқилмас қурғур,  
Дод-вой қилмас,  
Қарғамас,  
Сўкмас...

У.чи — отар,  
Патиллатар зўр,  
Отгани-чи,  
Улимдир,  
Уқмас!  
Гоҳ туриб,  
Гоҳ ётиб

Отар ўқ,  
Гоҳ чўк тушиб  
Уннаб кўради.  
Харобазор.  
Гарчи қабр йўқ,  
Мозор руҳи кезиб юради.  
Бунда  
Гильза тунукаси кўп,  
Саноқ етмас,  
Санай десанг гар...  
Бунда  
Одам ўлдирмоқнинг хўп  
Ҳавосини олди  
Нечалар.  
Улар — беҳад:  
Ўсмир,  
Ёш-яланг,  
Тунд шинелда,  
Совут,  
Сипарда.

Барчасини  
Кутар эди жанг,  
Барин умри  
Хавфда, хатарда,  
Лашкарлар — шай,  
Милтиқ — ўқлоғлик,  
«Отил!» деса, отилар шартта.  
Дала тинчи  
Шу сўзга боғлиқ,  
Бесаранжом  
Шитирлар қарта<sup>1</sup>...  
Ялпоқ кафтин  
Кўрсатиб фюрер

---

<sup>1</sup> Қарта — пайкал маъносида.



Жез қалпоқлар уэра чўзар қўл:

— Ут оч!

Нафас олиб турган

Ер

Жаҳаннамга

айланар

буткул.

— Ут оч!

— Ут оч!..

Ғарбий сарҳадда

Тўлиб кетди йўллар, альамон!

Минг-минг этик топтади сойда,

Хароб этди

Танк,

Тўп беомон.

Шу гирдобга омихта эди,

Вужуди-ла Герман эди жо.

Кичик,

Утли бир нуқта эди

Бутун замин

Кўлами аро.

Шу нуқтада —

Мовутнинг таги,

Текин мовут тагида,

Секин

Уриб турар Герман юраги...

Бу юракнинг тубида лекин,

Туб-тубида куртак бор,

Зинҳор

Юзлаб линза ишлатилса ҳам,

Она ҳадя этганки, не бор —

Ҳаёт, ҳаёт

Қолажак мубҳам.

Илк ёғду ҳам,  
Илк қадам,  
Илк қор,  
Рейн,  
Қамишли соҳил,  
Сукут ҳам,  
Илк бор  
Севги келтирган баҳор,  
Қиз кўзида  
Чақнаган ўт ҳам...

У қалбига жо этмиш барин,  
Алқагиси келар  
Дил-дилдан.  
Бироқ, қатъий  
Буйруқ сўзлари!  
Буйруқ барин  
Ман этади,  
Ман:  
«Солдат!  
Сангдил бўлмоғи даркор,  
Милтиқ каби  
Тўғри,  
Рўйирост,  
Ҳақ биз билан,  
Худо бизга ёр!  
Ўт оч!»—  
Шунда  
Ўт очади Хорст,  
Аввал  
кам-кам,  
Сўнгра —  
ёғдирар,  
Чўкка тушар,  
Фанер эмас, йўқ,  
Энди тирик одамни урар,

Энди тирик қалба тегар ўқ!  
Гоҳ юзтубан,  
Чалқанча,  
Емон —  
Йиқилар у,  
Тил тортмай ўлар.  
Ҳар нарсадан азиздир Олмон,  
Қабрдан ҳам  
Баландроқ турар.  
Кўзёшлардан,  
Дардлардан афзал,  
Кенгликлардан  
Кенгроқдир феъли.  
Чекинарди  
Жанубга жадал  
Уртанганча  
Француз эли.  
Аввал  
кам-кам,  
Сўнгра —  
ёрдирар  
Жазавага тушар автомат.  
Солдат  
Ажиб ҳолатга кирар,  
Автоматдай  
Турар аломат.  
Қулоқлари келур батангга.—  
«Пақ! Пақ!»  
Мурда қолар қалашиб.  
Жангдан — жангга  
Жанглардан — жангга.  
У боради  
Элдан эл ошиб.  
Жангдан — жангга.  
Жанглардан — жангга...  
У боради

Йилдан йил ошиб,  
Бир ватандан  
Бошқа ватанга  
Алам ташиб,  
Мусибат ташиб...  
Шу ҳасрат-ла етимлар ўсар,  
Қариялар борар мункайиб.  
Ҳукм этмоққа барин  
зор башар,  
Гарчи ошкор,  
Ошкордир айб.  
Улар ўғлин,  
Отасин ногоҳ  
Нобуд этган касофат ўқни  
Ким бошқарди?  
Ким отди?  
Эвоҳ,  
Шуни билмоқ мумкинми, йўқми?

Ким ҳам айтар:  
Қайда юрар у,  
Ушал йиртқич —  
Ул бани башар?  
Қай кафедра қаҳва ичар у,  
Қай бир уйда  
Хотиржам яшар —  
Тақиллатсанг эшигин шунда,  
Қирсанг..  
Ўзи тирикми аммо?

Ўзи — тирик.  
Нима айб унда,  
Гар олмаган бўлса бир жазо,  
Қасос ўти айламаса кул,  
Ўлдирмаган эсалар уни,  
Қийнамаса ёғоч оёқ-қўл,

Ташвиш қилмай боқса ўғлини.  
Унда не айб,  
Иш бўлмаса гар  
Иигирма йил аввалги каби.  
Иигирма йил аввал-чи,  
Қайсар,  
Шинель кийиб — ошди мансаби:  
Автоматни  
Елкага тирар,  
Бўлганидан муроди ҳосил,  
Аввал —  
        кам-кам,  
Сўнгра —  
        ёғдирар,  
Чўкка тушиб отар олти йил...

Отиб турса —  
Қалбида ёғду,  
Майдони ҳарб  
Кўринмас рангсиз.  
Қизиқмайди:  
Йиқилган ким у —  
Юнонликми,  
        хорват,  
        француз?  
Суриштирамай отар беозор,  
Ешми-кекса —  
        мутлақ бепарво.

Харобазор...  
Йўқ бунда мозор,  
Ибтидоси шу ерда аммо.

## 2

Яшашга туғилган  
Герман Хорст, сабил,

«Бор», «йўқ» нинг  
Фарқини билмайди ҳануз.  
Тунукадай ориқ  
Битта фельдфебель  
Улдириш санъатин  
Аниқ,  
Сўзма-сўз  
Унинг отасига  
Ургатган эди,  
Чўк тушиб,  
Пруссча,  
Етиб от, деди.  
Тўғри отиш керак,  
Отишда гап бор.  
Бу ҳақда ёзилган  
Уставда ахир...

Қайдадир  
Русларни отди бузруквор,  
Рус ўқидан ўлди  
Ўзи ҳам охир.  
Ким отди?  
Отганнинг,  
Хўш, жони нечта?..  
Бу ҳақда  
Расмий хат  
Индамас энди.  
Отасин кўрмаган  
Ўғил ўн бешда  
Орийлар сафига қабул қилинди.

Ўн олтида эса —  
Ҳали ёш, думбул! —  
Суюб автоматлар  
Йиға бошлади.  
Бирдан бўйи ўсиб  
Қатта бўлди ул!

Солдатлар сафида  
Қадам ташлади.  
Отаси сингари  
Сафларда ўктам,  
Рота ила кетди  
Бу ерда шўх-шаън.  
Фанер одамларни  
Қийратди хўпам  
Ўзи ясаб олган  
Автомат билан.

Кейин — Париж.  
Кейин — Белград.  
Кейин  
Крит оролига  
Кирди энг аввал.  
Темир крест олди,  
Бу энди тайин:  
«Фанер одамларга  
Ўхшаганроқ сал  
Қишиларга қирғин солдинг!  
Кўкрак кер!»—  
Мана шунинг учун  
Мукофот олди.  
Ясси пешонали  
Дароз офицер  
Крестни чўзаркан  
Шундай деб қолди:  
— Зўрсан!—  
Сўнг офицер  
Сўйларкан мағрур,  
Рейхнинг салбчисин  
Мақтаб эди маст,  
Қи, нечоғ шаҳди зўр,  
Сабр-бардоши зўр,

Кўзёшни ёқтирмас,  
Қўрқишни билмас...

Қўрқишни биларди.  
Бор нарса — қўрқинч,  
Алдаб,  
Ё чўқиниб  
Қутулмоқ мушкул.  
У  
Зирҳсиз юракнинг  
Тагидан  
Жим, тинч  
Симобдай сирғалиб  
Чиқади нуқул.  
Чийиллаб ўтса ўқ —  
Ерларга отар,  
Снаряд ўқирса —  
Айлайди фиғон.

Ҳа, қўрқинч  
Тобора  
Кучайиб борар,  
Душман очган ўтдай  
Ёвуз, беомон.  
О, душманнинг ўқи!  
Ҳайдаш билан банд  
Хаёлий зафардан  
Тор-морга қадар.  
Ортга!  
Ортга!..  
Кутар она фатерлянд!  
Уйда...  
Уй ўрнида  
Хароба ётар.  
Уйга кириб бўлмас,  
Кўп қотди боши,



Темир-терсаклардан  
Очиб бўлмас йўл.  
Бирдан  
Қалқиб чиқди  
Кўзининг ёши!..  
Ҳа!  
Ўз кўз ёшидан  
Еқалари ҳўл!

Баҳор...  
Тепасидан болари қурғур  
Нишонга тегмаган  
Ўқдек ўтади.  
Боши омон қолди —  
Худога шукур!  
Қўл бут —  
Бас,  
Бошқасин ахир нетади?  
У — тирик!..  
Умр ҳам оқади,  
Тинмас,  
Штаб қонунига  
Қурилмас энди.  
«Ётилсин!»—  
Деса ҳам энди ётилмас,  
«Ҳужумга!»—  
Дейилса,  
Турилмас энди.

Шундай  
Ташлаш мумкин барига назар,  
Турмоқ,  
Юрмоқ мумкин  
Ухшаб одамга.  
Умр бўйи  
Ўлим хушлаган қайсар

Энди  
Меҳр билан  
Қарар оламга.

Тер тўкар,  
Тин билмас,  
Узин аямас,  
Вайрон хўжаликни  
Тиклайин, дейди.  
Аmmo қурганлари  
Уники эмас,  
Фақат ишчи қўллар  
Уники эди.  
Анов мўъжазгина  
Кулба хона ҳам  
Ул содда қўллардан  
Қасб этди фусун.  
Кечиккан муҳаббат,  
Оила  
Бир дам  
Шу ерда очилиб  
Тополди ҳуси.  
Ўғил кўрди.  
Кўрар жон ўрнида жон!  
Ғалати ҳукмрон  
Чиқди бу ўғил.  
— Бер-бер!— деб қичқирар,  
Ота ҳеч қачон  
Эсламас ўтмишни,  
Дил бўлмас хижил.

Одатий оддий иш.  
Қаҳва...  
Уй бўстон...  
Шанбада кино бор.  
Байрам ҳам яқин.

Умр  
Шундай пойдор эди.  
Ногаҳон...  
Зилзила бўлдимиз?  
Чақдимиз чақин?

Йўқ,  
Уй қуламади,  
Дарз ҳам кетмади,  
Парчин бўлгани йўқ  
Ойнадай паркет  
Фақат,  
Бу —  
Қалб учун изсиз ўтмади...  
Унга торлик қилди  
Бирдан кабинет.  
Туман,  
Тўлқинларга тутиб борар юз,  
Гўё сой қаърида  
Кўради ўзни.  
Қулоқда шеф саси  
Гулдирар:  
— Афсус,  
Иложим йўқ  
Ишдан  
    бўшатмай сизни.  
Хайрли кеч.

Хайр борми  
Бу кечда?  
Шиминг тўзган бўлса,  
Асаб ҳам гаранг,  
Хўркак куз белгиси  
Кўринса сочда,  
Бегона кулба, уй  
Айласа гаранг?

Жон қандай тинч бўлсин?

Утиб борар кун.

Қўл ҳам аввалгидек

Бақувват эмас...

Қачондир юз берган

Фалокат бугун

Уни топиб келди

Атай,

Қасдма-қасд.

Чаккада тобора

Кўпаяди оқ,

Хотин ҳам қаттиққўл,

Ғамли куюнар.

Тирикчилик

Оғир кечарди бироқ,

Арзон-гаров кетди

Барча буюмлар.

Ҳеч вақо қолган йўқ!

Бир йўл бор аммо —

Далага борсин у.

Унда тинч,

сокин:

- У ерда бемалол.

Унда Рейн-дарё

Дарахтзорлар ичра

Ёзмиш қулочин.

Унда баҳор билан

Дўст тутинган ер

Бўлиқ буғдойлари ила мақтанар...

У дала кезади,

Қалбида сеҳр

Уйғонган сингари

Кўзлари ёнар.

Мойчечак гуллапти,

Арпа ҳам оппоқ.  
Чигиртка сакрайди  
Чаққон,  
Тезгир, қув.  
Мана, унут бўлган бир парча тупроқ,  
Мана, кутилмаган ажиб учрашув...

3

Бу ерда,—  
Кўп бўлди,—  
Экилмас буғдой,  
Бошоқлар соғинмас  
Офтоб нурина.  
Қаровсиз,  
Ташландиқ,  
Олачалпоқ жой,  
Одамлар  
Дала, деб  
Аташмас уни.  
Яйлов ҳам дейишмас,  
Дейишмас мазор.  
Ўқотар майдондир,—  
Номи хунук, рост.  
Бунда на пода бор,  
Боғ бор,  
Қабр бор.  
Сассиқ алафларнинг  
Макони, холос.  
Кунда машқ қиларди  
Бунда қотиллар,  
Ажаб,  
Лом-мим демас  
Даҳшатли майдон:  
На бир сурон келар,  
На ўқ отилар...  
На бор бир жонивор,



Лотта шўрлик  
    ҳайрон қолганча,  
Тисарилар,  
    ингранар:

— Йўқот!—  
Тушиб кетар қўлдан товоғи.  
Сўнг илонга  
Боққандай бедод  
Қимир этмас,  
Учар қовоғи.

Эри бўлса иржайиб қарар  
Хотинининг кифтидан ушлаб.  
— Яомадир бари,  
    безарар,

Қўрқма,  
    улар олмайди тишлаб.—  
Битта ўқни олиб дер,  
— Қара!—  
Қалтирамас қўллари зинҳор.—  
Бу бир терсак...  
Қобиғи ичра,  
Ич-ичида,  
Айт-чи, нима бор?

У кафтидан бу кафтга солиб  
Қисқич билан ушлаб кўради,  
Учин кўкка қаратиб олиб  
Сўнг газ —  
Ўтга тутиб туради.  
Кулранг кўзин қисганича,  
    тек,

Тикилади,  
Тошдай қароши...

Бирдан —

Ўқ ҳам йиғлаётгандек,

Пайдо бўлди

қўрғошин ёши!

Битта томчи!

Сўнг тагин!

Тагин!

Газплитка узра ўша он

Томчи-томчи

қотди қўрғошин...

Герман Хорст-чи, санарди шодмон.

Хотин

Қотиб,

Йўқотганди эс,

Стулчада ўғил бесабр

Қимирларкан, сўрайди шу кез:

— Йиғлайдимиз ўқлар ҳам, ахир?—

Титраб кетди,

Қалтиради қўл,

Кўк томирлар —

шоҳ-шоҳ —

тўлғанди.

Хона ичра

Сукунат буткул

Авж нуқтада

Тиниб турганди,

Гўё шу дам

Хонага пинҳон,

Аста олиб кирдилар жасад.

«Чиқ»,

«Чиқ» қилар,

Кўтарар сўрон

Деразага қўйилган соат.

Қуруқшаган олов

чарсиллаб



Кўк елпигич янглиғ  
буралар.

Ота жим,  
Жим,  
Она жим қараб,  
Ҳайронликда  
Қотиб турарлар.  
Сўз бошлайди,

ниҳоят,  
Лотта:

— Иўқ,  
Иўқ,  
Руди!

Қўрғошин, холос,  
Томаётган!  
Билсанг, ҳаётда  
Инглайдилар одамлар, ҳа, рост.  
Улар йиғлар,  
Ғамдан ёзгириб,  
Дард қийнаса,  
Йиғлашар сатда.

Ва Германга орқа ўгириб  
Товоқларга қарайди  
Лотта.

\* \* \*

Олис уфққа  
Ол шафақ сингди,  
Шукуҳидан қолмади асар.  
Ой кўринди,  
Ой нури инди,  
Ер юзига тўшалди зар-зар.

Бедор —  
Кўрар шу кечалари  
Ярим шарда:  
Қиру қияда,  
Москворецкий тош кўчалари,  
Карпатдаги конларда,  
Нари —  
Брюсселда,  
Баварияда,  
Боғ-роғларда кўрар бу нурни,  
Шаҳар,  
Қишлоқ,  
Юртлар —  
Барида,  
Утлоқларда  
Кўрар бу нурни,—  
Гўзал учмох далаларида.

Заминнинг ўнг биқини шундоқ  
Ой нурига чўмган форигбол...

Хорст ҳам уйғоқ.

У

Оймас, бироқ  
Ўқотарни қилади хаёл;

Уша

Кўҳна ўқотар...

Гўё

Бир мўъжиза,

Балки зиёда!

— Мен кашф этдим,

Бировлар аммо

Тополмайди

Икки дунёда.

Билсанг,

У ер —

Қўрғошин мозор,  
Қўрғошин-чи,  
Ҳечам чиримас.  
Унда —  
отам отган ўқ ҳам бор,  
Бобом отган ўқ бор,  
Бир эмас!  
Меники-чи?  
Дўстларники-чи?  
Э... ҳисобсиз... — ҳаприқади Хорст.—  
Бир дам, Лотта,  
Кўнглингдан кечир:  
Пиёдалар  
Бормоқда гурс-гурс!  
Лашкар-лашкар.  
Лашкарма-лашкар.  
Рота борар,  
Ротаю рота.  
Йилдан — йил-а...  
Йилдан — йил баттар...  
Бир тасаввур қилиб кўр,  
Лотта!

Черик борар,  
Солдатлар борар,  
Барн — милтиқ,  
Сафар халталик.  
Барин кутар  
Уша ўқотар,  
Сўнг,  
Чўк тушиб,  
Етиб,  
Туриб тик,  
Отишади нишонга бот-бот,  
Қоқ «ўнлик»ка  
Тегмагунча ўқ...

Ёстиқдаги пардай  
Ўқ зиёд...  
Санаб бўлсан.  
Э, саноғи йўқ!  
Қум ичида ётар  
Теккина,  
Шудгордаги  
Уруққа ўхшар.  
Қалинлиги  
Бармоқдеккина...  
Нега жимсан?

Лотта-чи, қақшар:  
— Отам ўлган...  
Қўрқаётирман...  
Акам...  
Бари — шу қаро ерда.  
Ёш болага ўхшайсан, Герман... —  
Лотта  
Йиғлаб юборди бирдан.  
— Ана холос!  
Ваҳима қилма.  
Мен ҳам куйиб-ёндим дўзахда.  
Куйдим десам,  
Инсофни билмай  
Хўнраворсам ахир, гуноҳ-да! —

Ётган жойдан  
Қўзғалди Герман.—  
Урушни қўй!  
Урушга лаънат.  
Мен  
Иш ҳақда  
Сўйлаётирман.  
Қўрғошинни кўргансан фақат  
Конда.

Бунда,  
очикда,  
қумда  
Етибди-ку  
Ботмон-ботмони!  
Қандай олмоқ сири — ўзимда!  
Хўш,  
Чиқсинми шунга фиғоним?..  
Ноёб нарса  
Қўрғошин, билсанг,  
Бир неча бор қиммат узумдан.—  
Герман чекар.  
Лотта боши ганг...  
Ой  
қалқиниб  
чиқар шу зумда,  
Деразанинг ромига қўнар,  
Туман рангли  
хира нурлари  
Мавжудотга  
таҳ-батаҳ инар...  
Елиб борар  
Чексиз Ер шари...

5

Тонгдан-тонг  
Елади Замин.  
Тиним йўқ,  
Лаҳзалик суръат-ла  
Учар йилдан-йил.  
Одамнинг пойида  
Улуғдир,  
Улуғ!  
Коинотда уни  
Бир нуқта деб бил.

У —

Якка-ягона!  
Беш қитъа, яна  
Туртиб чиққан  
Турли ороллар билан,  
Булут йўргагида,  
Унга парвона —  
Минг бир еллар билан,  
Шамоллар билан  
Елиб борар Замин,  
Шудринг,  
Туманда,  
Нурлар оқимида,  
Қор ўйинида,  
Сув —  
Қондай югурар  
Замин қўйнида,  
Жондай тепиб турар  
Сойда,  
Уммонда,  
Визиллар гоҳ  
Мисли ингичка хивич,  
Гоҳ  
кучли пўртана  
қилади пайдо.

Сувсиз Ер —  
Ол рангга  
Бўялмасди ҳеч,  
Сувсиз  
Ер  
ям-яшил бўлмасди асло.

Замин саховатли.  
Мовий Вега ҳам  
Мовий Замин билан

Тенглаша олмас.  
Инсонни  
Устирди  
Ўзи бокарам,  
Бошига кўтарди  
Фурур ила маст.  
Мерос қилиб берди  
Унга ўзин Ер,  
Дедики:  
«Кўнглингдан  
Қулликни йўқот!  
Чин инсон  
                    камолга  
                            эришаман, дер,  
Не тўсиқ учраса,  
Итқит барин,  
                    от!  
Меҳнатга меҳр қўй,  
Забт эт кўкни, бас,  
Везувийлар сирийн  
Етгин тагига!..»

Везувийми?  
Угли тупук!  
Арзимас  
Онгли нодон ишин  
Бир патагига!  
О, бунинг ёққани  
Везувийдан зўр,  
Қадоқлаб ўралган  
Бу ўтнинг бари.  
У қандай ўлдирар —  
Оҳиста, бир-бир  
Синаган  
            Аллер,  
            Рейн  
                    Ўқотарлари.

Везувий кўзи кўр.  
Шу вадан, бу чин,  
Вулқон қўпганида  
Кўролган эмас —  
Пойида  
Мудраган Помпея шаҳрин,  
Йўқса,  
Тақ тўхтарди  
Оловли нафас!  
У — буюк!—  
Сардорлик этмади талаб,  
Орий  
    бўлмоқни ҳам  
                    қилмади орзу...

Мана бу  
Олий зот,  
Маолий насаб  
Узин танҳо билган  
Кимсалар бор-ку,  
Епирилиб,  
Топтади юртлар тупроғин,  
Қарамай,  
    Уйламай,  
                    оғримай жони,  
Еғдирди  
    бошларга  
                    сели қўрғошин —  
Крупп  
    заводидан  
                    чиққан балони.  
Босдилар...  
Босдилар...  
Евуз,  
    беомон,



Хандақлар,  
далалар  
мурдага тўлиқ.

Портлашлар,  
Суронлар эди ҳар томон,  
Гаранг Европада  
жарангларди  
ўқ.

Эльзас ёнар.  
Пирей ёнар.  
Донбасс ҳам,  
Фугас ўкрав  
Лондон тумани аро.  
Қон оқар!  
Қон — дарё бўлди чинакам,  
Бешинчи уммондай  
Тошди бу дарё!  
Бутун дунё ёнди!  
Ерилди-да Ер,  
Шаҳидларни қучди  
Она бамисол:  
Бор бунда —  
Улимни қўрқитган не эр,  
Бор бунда —  
Улимни тарқатган баттол.  
Крест олгани бор,  
Орденлиги бор,  
Яшаш деб туғилган  
Одамлар ахир.  
Қайдадир  
О, улар кўмилган мозор,  
О, улар бош қўйган  
Тупроқ қайдадир?  
Улар — ҳазор-ҳазор.  
Бутун бир диёр  
Йўқликка юз бурди

Тарқалгандай дуд.  
О, агар тикланса  
Уша юрт такрор,  
Шавкати,  
Шукуҳи,  
Кучи бўлса бут,  
Концлагерлардан,  
Эллардан агар  
Йиғилса

бўйсира солдатлар бари,  
Шу бўрон бешиги —  
Олмон муқаррар  
Бўлар-қолар эди  
Дунё мозори.  
Қабрлар диёри...

Аммо ўликлар  
Бундоқ мўъжизага  
Эмас-да қодир.

Замин елиб борар!  
Бирга булутлар,  
Шаҳарлар,  
Майсалар ҳам елаётир.  
Оқимлар учрашар  
Денгизлар аро,  
Тун силжиб боради  
Бу ярим шарда.  
Силжир соатларда  
Миллар бу асно  
Минор соатларда,  
Қўл соатларда.

Европа уйқуда.

Қўрғошинранг ой  
Ўзича посбондек Ерни қўриқлар.  
Чироқлар ўчмаган,  
Сокин бир чирой...  
Уқлар!  
Уша ўқлар!..  
Кичкина ўқлар  
Ер бағрида ётар,  
Ётар минг бир йил,  
Ожиз,  
        сассиз ётар  
                        ўша ўринда.  
Уни отган эди ёвуз,  
Қаро дил,  
Омонсиз отганди  
                        қонли ўримда —

Дюнкеркда,  
Днепр бўйида,  
Олис —  
Ливия чўлида,  
Дунайдан нари...  
Ўлган ўлиб кетди  
Қолмай бирор из.

Уқлар-чи —  
                        чиримас!  
Омондир бари.  
Улар — минг-минг,  
Лак-лак!  
Уларни кўргил  
Дарахт пўстлоғида,  
Шудгор,  
Чимзорда.  
Эҳ, бунда,  
Ҳаттоки, ўн тўртинчи йил,  
Ўн тўртинчи йилдан

Гильзалар бор-да!

Қалач яқинида,  
Зим-зиё тунда  
Трактор тинмасдан  
                    ҳайдарди қўриқ.  
Тишга тош теккандек,  
Битта ўқ шунда  
Омочга уриниб чиқар.  
Сўнгра ўқ  
Тағин ерга тушар,  
Худди дон мисол  
Ернинг сийнасига  
Аста қўяр бош...

Курскада  
Туш кўрмиш  
Бир она алҳол:  
Ўғли келган эмиш  
Пўрим,  
                    башанг,  
                            ёш.

Елкасида эса  
Набираси бор!  
Қўл чўзар,  
Шарт туриб ёқар чироқни.  
Атрофда ҳеч ким йўқ—  
Волидан зор  
Бир ўзи,  
Боз кўрар сассиз фироқни.  
Эшик — берк.  
Тўрт девор!  
Деворда, ана,  
Гимнастёрка кийган  
Бир йигит кулар...

Заминнинг  
Тескари ёғида,  
Яна,—  
Тушки Нью-Йоркда —  
Яра очилар:  
Шофёр  
Тишларини ғижирлатганча  
Инграб,  
Бродвейдан бурилар аранг.

Уқ-чи,  
Европада ётар ётганча,  
Оҳиста,  
оҳиста босиб борар  
занг.

Унга сичқоннинг ҳам ўтмайди тиши,  
Уни чуволчанг ҳам тешолмас асло.  
Ҳамон турқи совуқ, тунд — кўриниши,  
Айнимас, бузилмас,  
Шундай ҳўл бало.

Қорлар эриб кетар,  
Уқ  
Униб чиқмас,  
Ёмғир ёғиб ўтар,  
Уқ  
Ёзмас куртак.  
Кўп бўлди,  
Рейн узра  
Тун кезади маст,  
Хорст ухлар;  
Ҳелвагай отади хуррак.

Ёмғир ёғар.  
Ногоҳ кўтариб сурон  
Уйни зириллатар

Момақалди роқ.  
Сапчиб уйғонади  
Герман Хорст ҳайрон:  
Урушми?!  
Ҳа... Уруш қолди-ку йироқ...  
Айбдорми у?  
Тўхта...  
Борми гуноҳи?  
Утмишни ўйлашлик —  
Германга ёт-да.

Ёнида ётарди малика, моҳи,  
Унинг хотинжони  
Меҳрибон Лотта.  
Қийнамас,  
Қичимас,  
Оғримас чакка,  
Битиб,  
Яхши бўлиб кетган жароҳат.

Тун оғди.  
Булутлар тўс-тўс фалакда.  
Туришга сал эрта...  
Нечадир соат?  
Ёнбошлаб олди-ю,  
Илашди кўзи.  
Ёмғир плитага урилар шап-шап.

Балки бўлмагандир  
Урушнинг ўзи?  
Балки қурбонлар ҳам  
Хаёлий бир гап?  
Қачонлардир  
кимдир  
отган ўқни ҳам

Отган балки у эмас,  
Бошқа эҳтимол?

Неон нури титрар...  
Вақт билмас тўхтам,  
Бир маромда оқар  
Шитоб,  
Бемалол.

Тонг отиб келарди.

6

Еришмоқда Шарқ...  
Тонготарга ҳали фурсат бор.  
Суст,  
Нимтатир ёруғликка ғарқ —  
Эди борлиқ,  
Тонгга интизор.  
Хўрозлар ҳам гўё «қу-қу»лаб,  
Эстафета қабул қилади:  
Тумшуғидан тумшуққа улаб,  
Тонгга салом йўллаб қолади.  
Тумшуқдан — тумшуққа.  
Тумшуқдан — тумшуққа.  
Бўйинларин чўзишар узун,  
Сўнгра садо ёприлар:  
«Қу-қ-қу-у!»  
Жаранглайди  
Ҳали чиқмай кун,  
Печорада,  
Прутда янграр,  
Полесьенинг далаларида...

Волга ёқда тинди оҳанглар.  
Сайрар

Дунай,  
Рейндан нарида.  
Қанот қоқиб  
Сайрар қўноқда,  
Еру кўкни тутади садо.

Қизаради  
Машриқ узоқда,  
Қанот ёзиб  
Кенгликлар аро.

Тун чекинар.  
Йиғар тўрин у,  
Қолмас ортиқ қора фусунлар.  
Тун — меҳрибон,  
Тун — доим эзгу,  
Боғлаб берар ишқий тугунлар.

Қароқчилик,  
Маккорликни ҳеч  
Тундан кўрманг!  
Тун эрур бедоғ.  
Болаларга ором берар кеч,  
Юрт,  
Элларга бахш айлар фароғ.  
Бирор дўнгни,  
Япроқни ҳатто  
Шабнамидан бенасиб этмас.  
Шовқин солмай  
Келар доимо,  
Қайтганида  
Бермас ҳеч бир сас.  
Шабнам билан  
Ювар Ерни у,  
Меҳнат қилар  
Хушфеъл аёлдек...



Тонг отмоқда —  
Меҳнат тонги бу.  
Вақт  
иш билан  
тўлар.

Асал деб,  
Парвозини кесиб  
роҳида.

Болари ғарқ  
гул  
қадаҳида...

Худди шу пайт,  
Айни шу замон  
Чигирткалар сурон қуради,  
Ут-майсалар  
Кўз очиб ҳайрон  
Уйқусидан  
Аста туради;  
Ухлаб қолган уйларда шу дам  
Наъра тортар  
Соатлар эркин,  
Шиқирлайди калитлар кам-кам,  
Эшиклар ҳам  
Очилар секин.  
Нур!  
Нур оқар!  
Европа бўйлаб,  
Тонгни алқаб,  
Ҳаётни куйлаб!

Қамончага уринган мисол  
Нур —  
Европа юзига тегар  
Ва ўлкалар,  
Ватанлар дарҳол

Уйғонишар,  
Акс-садо берар.

Гудок саси!  
Таралур бу сас,  
Қулоқ ҳам  
Нақ келар қоматга.  
Қадамлар ҳам  
Тез-тез,  
Басма-бас,  
Ошиқади ишга, хизматга.  
Мана,  
Илк тер  
Юзларда пайдо,  
Кумушланар,  
Нурланар хушҳол...

Тонг отмоқда.  
Хорст турган асно —  
Тутинади олмоққа соқол.

\* \* \*

Велосипед етаклаб кирар,  
Ҳовлида —  
Курт, қўшнисин кўрар,  
Оёғи йўқ, тақир чўлоқни...  
— Салют!— дер Курт.  
Питраб қолди-да,  
Ғичирлатиб қўлтиқтаёқни,  
Тўсиб чиқар  
Хорстнинг олдидан.  
— Биласанми, Хорст?  
Менинг дардим?..  
Англайсанми, Герман-эй, рост гап,  
Тағин яхши ухлай олмадим,  
Тағин, дейман  
Иш берди асаб.  
Уша йилда бўлгандай,

Гўё:

Учинчи бор

Жангга киярпман,—

Кўкрагимда

Қрест бор аъло,—

Иўл-йўлакай ёвни қиярпман.

Оз-оз отиб боряпман.

Лекин,

Отганим-чи,

Катта бўп қайтар,

Қуршар мени ҳар ёқдан секин,

Ташланади

Сенга ҳам баттар!

Чинқироқки!..

Осмонни тутиб

Қанотларни йўқ қилар дарҳол.

Бомба портлар!

Ўзни унутиб

Оёғи йўқ фаришта мисол

«Ура!» дея,

Ломакон сари

Учи-и-иб кетдим!

Кўнглим қон эди...

Сен кулма-да, нодўст сингари,

Сўнгигача қулоқ сол энди.

Ўзи эса кулар.

Бепарво

Гирч-гирч қилар қўлтиқтаёқда.

— Учмоқдаман

Булутлар аро...

Шинелим-чи, эди шу чоқда

Нақ монанди қонли капалак.

Учмоқдаман!

Учяпман ҳамон.

Ана юлдуз,

Фазо,  
Кенг фалак...  
Қўнай десам,  
Йўқ, бирон макон!  
Қарагин, Хорст!  
Нима ўзи, а?  
Ҳеч шунақа  
Бўлганми қийин?..

Хорст қарамас Куртнинг кўзига:  
— Вақт йўқ.  
Кейин сўзлайсан,  
Кейин!

7.

Уша гов турибдир,  
Уша ДОТ турар,  
Туюладир  
Ерга кетгандай кириб.  
Утириб қўйибди  
Чуғурчиқ қурғур.  
«Қал бетон боши»дан  
Шабнам симириб —  
Учибди.

Қапишиб турар  
Ерга ДОТ,  
Маънисиз термилар  
Титроқ нуқтага.

Чоғи, ҳозир,  
Мана,  
Баттол очар ўт,  
Олисда  
Дарахтга қўниб тўхтаган  
Шўрлик чуғурчиқни

Нобуд қилар, оҳ...

Қайдадир  
Сесканар  
Она юраги.  
Рейнгами,  
Днепр,  
Ундан ҳам йироқ—  
Хатти устивога  
Етар дараги.

Ва лекин  
Су-ку-нат.  
Жим бўлсанг, дерман,  
Офтобнинг чиқишин  
Эшитарсан соз...  
Бетон даричадан  
Қарайди Герман:  
Дот ичи кимсасиз,  
Зулмат бор, холос.

Говға чиқар.  
Ёвшан шохлари ҳали  
Қумга шабнамани  
Тўкканича йўқ.

Ботириб қум олди.  
Боқди,  
Чангали —  
Уққа тўлиб қолди,  
Бари пачақ ўқ.

Бир.  
Икки.  
Уч...  
Эҳ-ҳе, бир ҳовуч!

Сонсиз

Ўқлар ётар

Оёқ ости,

Қумлоқда,

Учлиги бор,

Тўмтоқ...

Бари — омонсиз,

Бари ростакам ўқ,

Эмасдир сохта!

Ҳар қарич ер

Чўқиб ташланган бунда,

Ўшандай ўқларнинг

Хизмати бари.

Не-не ёш

Отишни ўрганган шунда,—

Адашиб кетасан

санаган сари.

Ибодатхонада,

Исо ҳурмати

Гўдакка

Қутлуғ сув

Пуркашар азал.

Не йигитлар бу ён

Юзин бурмади,

«Готт мит унс» қилади

Тақдирларин ҳал.

Бутун эркак зоти

Шундан йўл солар,

Утар насл-насл,

Авлодма-авлод.

Машъум шуҳрат топди

Энди ўқотар,

«Ўлим-устахона» эрур унга от.

Энди сукут сақлар  
Жим ва беозор...  
Ҳолбуки,  
Бир улар,  
Тинмаган асло!  
Бунда  
Учта уруш  
Ибтидоси бор,  
Аммо  
Биттаси ҳам  
Бермади садо.

\* \* \*

Уқ...  
Уқ билан тўлганди ерлар...  
Шундай десанг —  
Лоф қилма дерлар.

Унинг ўзи,  
Ўзи ҳам ҳатто  
Кўзларига ишонмас асло.  
Гўё  
Тунда  
Ёғиб қўрғошин  
Тўлдирганди дала ич-тоштин.

Йиллар ўтар,  
Асрлар ўтар,  
Уқ —  
Ёмғирдай буғланмас.  
Ётар...  
Зироатни кўринг!  
Бутун ғов

Шу «экин»ла  
Тўлганди, ажаб.  
Қумни қазиб ташлар-да бирров,  
Уқларини саралар дарров,  
Тер тўкади ғайрати қайнаб.  
Саҳар чиқиб  
Гўёки полиз —  
Ишлар Герман  
Сидқидил,  
Холис...

Шайтон тугул,  
Худо ҳам тайин  
Энди ишдан бўшата олмас.  
Бунда энди  
Ўзи хўжайин,  
Дакки бермас  
Унга ҳеч бир кас.  
Шижоат бор,  
Шаҳду шиддат бор,  
Кучга ҳали  
Тўладир билак.  
На-да сенга машина даркор,  
На деталь деб бўлурсан ҳалак.  
У — бир ўзи,  
У — бунда ёлғиз.  
Атроф — дала.  
Питраган жон йўқ.  
Чумак ари  
Гинғиллар ҳолсиз...  
Осмонда — ел...  
Қўлларида — ўқ...

Саралару  
Халтага солар,  
Исиб кетгач,  
Ечар пиджакни.



Ўз-ўзига хўп қойил қолар,  
Қазир,  
Кейин отар кўйлакни.

Қунни қаранг!  
Енар фалакда,  
Ҳаво тиниқ,  
Осмон очдан-оч.  
Хоч тебранар  
Жундор кўкракда,  
«Кумуш чибин»  
Деб аталган хоч.

Қаердадир  
Поездлар учқур,  
Пўлат изда  
Шувиллаб борар.  
Қаердадир  
Шаҳарлар пурнур,  
Ҳайбатланиб,  
Гувиллаб борар.,  
Шаҳарда —  
Дуд,  
Гирдоб,  
Суронда,  
Заводларда,  
Цех ила конда,  
Темирсуръат асрда, ҳайҳот,  
Толиққанча яшар одамзод...

Бунда — кенглик!  
Офтоб чарақлар,  
Рейн буралиб оқар,  
Ажойиб...

Хорс

Иргитар белни  
Йироққа,  
Етар  
Қўлин хоч мисли ёйиб.

Димоғига  
Ўт иси урар.  
Қанот қоқиб  
Қуш учар баланд.  
Бирдан

тиниқ

самони кўрар:

Само

мовий поклиги билан

Аввал — киприк,  
Сўнг кўзга сингди,  
Жимлик чўкди Хорст юрагига.

Қайинпўстлоқ қайиқдай энди  
Ер тебранди гўё тагида.

У — қайиқда,  
Юза бошлар у,

Йироқ,

Йироқ ерларга етар,

Ташвишларнинг

Барин ташлар у,

Ғамлардан юз ўгириб кетар.

Юзар қайиқ,

Ўлчов билмай гоҳ

Замондан ҳам чиқар ташқари.

Чорлар уни

Унут бандаргоҳ,

Қадим,

Қадим эрадан нари,

Унда —

Жимжит,

Мовий ҳаволар

Ёруғ доғлар бордир офтобда...  
Қовоғари  
Ғўнғиллаб қолар  
Хаёлларин бузиб шу тобда.  
Туриб кетар,  
Оғриса ҳам дил,  
Боз элакни  
Қўлига олар  
Ва элакда  
Турфа,  
Хилма-хил  
Уқлар  
Қумдан ажралиб қолар.  
Чинқирмайди,  
Сочмайди шуъла.  
Фридрихми,  
Бисмарк,  
То Гитлер —  
Барчасининг ўқи  
Бир йўла  
Йиғилибдир.  
Хорст: «Офарин!» дер.  
Опа-сингил,  
Оға сингари  
Бир-бирига ўхшар жуда ҳам.  
Белкуракни ботирса,  
Бари  
Хорст қўлида  
Бўлур мужассам.  
Овози ҳам чиқмас,  
Излар Хорст,  
Чўк тушар гоҳ,  
Ўрмалар,  
Сакрар.  
Илк бор Герман қўлида,  
Бу — рост,

Буюмликка ўтди  
Терсақлар!

8

Велосипед етаклаб кирар,  
Ҳовлида — боз!  
Қўшнисин кўрар.  
Тахтачада ўтирарди у.  
Чолворини,  
Елпирди шамол...

Вайронада  
Болажонлар қув,  
«Уруш-уруш» ўйнар бемалол.  
Хорст чекаркан, дер:  
— Вақтинг бўшми...  
Ўтирибман, дегин-а, қўшни?

— Кўп бўлди-ку ўтирганимга,—  
Кўзларини қисиб қарар Курт.—  
О, найзадай тик юрганимда,  
Товонларни «шақ» этиб уриб,  
Сенга айтсам,  
Ишонсанг гапга,  
Тошкўча ҳам  
Титрарди паққос:  
«Взво-од, ўнгга!»  
«Взво-од, ча-апга!»  
Юрардим  
Ўйлар эдим оз.

Олға!  
Ҳаёт кенглиги учун!  
Шарт-шурт босдим,  
Ўлимлар экдим.  
Шақиллаган

қадамим  
бутун

Европанинг

жонига тегди.

Мана энди —

Бечора Куртман,

Шиддатли Курт...

Курт энди ким, а?

Оёқсиз бир тўнкаман,

фиртман.

Биласанми,

Қалламда нима?—

У тутатар Германга қараб,

Кейин

Пастга туфлар дарғазаб.

— Мен ўйлайман

Овораларни,

Омади йўқ бечораларни.

Ҳа, қария!

Қалбгинам сўнгра

Сиз —

тириклар ҳақида мунграр.

Мени бўлса, ўзинг биласан,

Яримжонман,

Ногирон бир тан,

Ярмим — менда,

Ярмим — Валдайда.

Гоҳи эса учиб юраман,

Парвоз этиб

тунлар

ҳар қайда.

Бомба портлар!

Нақ  
Куйик ўтин  
Буржга  
Учиб боряпман тинсиз!  
Оёқларим  
Ҳали бус-бутун  
Чопишмоқда  
Хужумга менсиз.  
У ёғини, қария, сўрсанг,  
Жаннатга ҳам  
Оз қолганди-я!..  
Тўлқин кучи кесилиб,  
аттанг,

Унглонолмай,  
Кетдим-да қия.  
Энди  
Пастга тушади роҳим:  
Пастда ёнар —  
Замин,  
Уммонлар!  
Ёнар менинг қўлтиқтаёғим,  
Ёнар уйлар,  
Боғлар,  
Майдонлар...

Уйғонаман —  
қўрқиб,  
қалтираб,  
Ҳайратларга тушаман қараб:  
Тонг отибди,  
Мен ҳам воронка<sup>1</sup>  
Чеккасида эмасман асло.  
Қўлтиқтаёқ —  
пойгак томонда,

---

<sup>1</sup> Бомба, снаряд ўйган чуқур.

Сайқалидан таралар жило,  
Мебелнинг  
    бир буюми мисол  
Хонани ҳам  
    тўлдирибди сал...  
Уйлайман-да, бундай, оқсоқол,  
Балки,  
    оёқ бўлмаган азал?  
Менинг борим —  
    балки шунақа?  
Худо мени яратган  
Шундоқ?..

Герман дейди:  
— Сен жа-а-а унақа...  
Қайта ўсиб чиқмайди оёқ.

— Сен доносан, Хорст!—  
Қичқирар Курт.—  
Ана улар...  
Ўсмоқда...  
Бир кўр!

Қўлтиқтаёқ билан  
Курт шу он  
Рўбарўга ишора этди:  
У хонада  
Болалар шодмон  
«Уруш-уруш» ўйнашар эди.

— Катта бўлгач,  
Кийдириб шинель  
Фельдфебелга  
Топширишса бас:  
Одамзодга  
Эл бўлмайди,  
    эл,

Ваҳший бўлар —  
Туб ўзга эмас!  
«Эй шоввозлар, шитоб сафга тур!..  
Жиннисанғи,  
эвослар,  
р-руиг!..»<sup>1</sup>

Кейин  
Барин  
Биздек жангда кўр!  
Қонли ўйин —  
ўликми,  
тирик —

Олға бос, дер!  
Пешананг шу, дер!  
Худо ёрдур!  
Дранг нах Остен!

Ногоҳ  
Бомба зириллатар ер!  
Рудингни  
Нақ кўкда  
кўрарсен!  
Худди мендек бўлар,  
На тўқа,  
На бирор енг  
ёдгорлик қолар.

Билиб қўй, Хорст,  
Бу — ўқ-а,  
Ўқ-а...  
Отилган ўқ қайтар!  
Уч олар!

---

<sup>1</sup> «Қад ростла!» (Нем.)



Бомба портлар!  
Шаҳарлар — кул-кул,  
Тоғлар қулар...  
Ўшанда, ошнам,  
Хотира ҳам  
Даркормас буткул,  
Керак бўлмас  
Қўлтиқтаёқ ҳам.

Барига суф!  
Ҳаёт ҳам тинар,  
Дудлар учар,  
Босар қора қор...  
Елғизгина шарпалар инграр  
Биз —  
Ўтганлар ҳақида зор-зор.  
У тин олди,  
Энтикиб бот-бот,  
Сал эгилди Германга томон.  
Кўзларида қалб чекар фарёд,  
Аммо оғзи куларди ҳамон.

Темир крест соҳиби,  
Бир боқ!  
Барчасини жангга йўйсинлар,  
Мен ҳайкалман!  
Майдонга шундоқ —  
Шоҳсупага тириқ қўйсинлар!  
Қаҳрамонмас  
Битта чўлоқни  
Кўргазмали қуролдай қўйсин.  
Енгинамга  
Қўлтиқтаёқни  
Фалокатга мисолдай қўйсин.  
Кўрган эслар:  
Мана шу номард

Илк бор,  
илк бор  
жаранглатган  
ўқ!

Ҳарбий нозир  
Столига шарт  
Чиқар эдим,  
Бўлганда ҳуқуқ!

Тиржаяди аламли, ногоҳ  
Букчаяди ҳорғин ва хаста.  
Кўзларида поёнсиз, эвоҳ,  
Уммони ғам мавжланар аста.  
Хотирадай шафақ ёнарди,  
Кулранг чеҳра берарди жило...

Хорст бош ирғар, жим хўрсинарди,  
Қўрғошинни ўйларди аммо.

## 9

Тунлари —  
хотини ухлайди чарчоқ,  
Ўғли ҳам ухлайди.  
Ой кўринган чоғ,  
Плита узра Хорст  
сеҳрлар эди:  
Қалин  
тунукага  
ўқ  
терар эди.

Газ ёнар,  
Ловуллар учта тож,  
кам-кам —  
Уқлардан қочади  
қурт-қумурсқа ҳам.

Қўрғошин  
Жилдиарар  
Қумуш сув бўлиб,  
Боради  
Пастдаги тоғора тўлиб.  
Чўян тоғорада  
Муз бўлиб қотар.

Уй,  
Атроф,  
Мавжудот  
Донг қотиб ётар  
Борлиқда  
Сукунат кезиб юрибди,  
Фақат қўлтиқтаёқ уйғоқ турибди.  
Шундоқ қўшни уйда,  
Ғирчиллар,  
Инграр,  
Инграшини ёлғиз  
Деворлар тинглар.  
Ғирчиллар неча йил...  
Сабр йўқ, сабр!  
Устага берса-ку,  
Тузатар ахир!—  
Шундоқ ўйларди Хорст,  
Сеҳрлар эди:  
Қалин  
          тунукага  
                  ўқ  
                  терар эди,

Қарангки,  
Бу касбни  
Ўрганиб олди,  
Табиат,

Тарзига кўникиб қолди.  
Герман хаёлига келди:  
Эҳтимол  
Уқлар ўз ҳолича,  
Эркин,  
Бемалол  
Униб-ўсганмикин  
Майсаларда жам?  
Эҳтимол,  
Тўлқинлар оқизиб илдам  
Ўтган асрларга  
Элтгандир барин?

Шунақа...  
Ел ўйнар булутлар барин,  
Оқар гов ортида  
Рейн серғулу.  
Энди ўқотармас —  
«Экинзор»дир у.  
Қўрғошинзор деса,  
тўғри  
яна ҳам.

Манглайин артмоққа  
тўхтар Хорст бир дам.  
Тагин ковлар,  
Қумни элайди такрор,  
Ўзи учун ишлар  
Умрида илк бор.

Бир кун қизиқ бўлди.  
Кечки маҳалда  
Далада қизғин иш тугаган палла,  
Анғизпояларда ўйнарди эпкин...  
Олисада  
бир одам  
шошилмай, секин —

Юриб кела бошлар,  
Туманли чехра,  
Кўзи ҳам олисдан  
Кўринмас,  
                                хира.

Хандақлар четидан,  
Герман томонга —  
Келарди  
Баайни ўхшаб нишонга.  
Шўра босган ғовга  
Қадам қўйган чоғ,  
Тиниқ  
                                аён бўлди  
Кўз,  
Ажин,  
Еноқ.  
— Салют!— дер,  
Халтадан ўқ олиб ҳайрон,—  
Оҳ-ҳо!— дер.— Зўр-ку бу!  
Мен бўлсам, нодон,  
Бу ерни  
                                ўлик ер,  
  дебман-а, тақир,  
Ҳайдашмас,  
                                экишмас,  
  ўришмас, ахир.

Бунда-чи,  
О, қандай залворли ҳосил!  
Бор-буди — қўрғошин.  
Хорст дер:— Э, бас қил!—  
Қумга белкуракни  
Боплаб уради,  
Кўкракда  
Исо — хоч, қалқиб туради.

Исо бўлганда ҳам  
Кумуш Исодир.

— Ҳазилинг қўй!

— Рост гап, ишшайма, ботир,  
Жўна, кетаётган ёғингга жўна!

— Ажаб, дўстингни ҳам  
танаймайсан-а!

Бир пайт биз  
Уқларни қўйгандик икков.  
Эсдами, қария?  
Шу лаҳза дарров  
Ёришиб кетгандай  
Бўлди хотира.  
Кутмаганди Герман ўзи ҳам сира.

Ўттиз тўртинчи йил.  
Заводда донгдор,  
Номи тилга тушган  
Патрон цехи бор.  
Қўрғошин оқади  
Дарё мисоли,  
Дастгоҳ пиш-пиш қилар,  
Девдай ҳаволи,  
Қўрғошин туфлайди,  
Туфлагани — ўқ,  
Ўқ тушар,  
Ўқ тушар...

Ҳеч охири йўқ!  
Уясидан учиб чиқарди гўё.  
Шунақа осон-да!  
Ул кумуш Исо  
Қўйлакнинг тагида  
Бўлди жиққа ҳўл.

Худо ўзи шоҳид!  
Шуниси маъқул.  
Жаннат дарчасидан кўриб турар у.  
Аммо ўқ отарлар жонланар.  
Қўрқув,  
Ваҳшат бу тупроқда  
Гуркирар энди,  
Уруш хотирасин  
Учираар энди,  
Хув биринчи жаҳон уруши ёдин,  
Сўнгра,  
                    иккинчиси  
                            ёзиб қанотин,  
Аввал ичкарида,  
Кейин ташқари —  
Коммунист эрларнинг  
Отдилар барин.  
Хорст билмас,  
Тураркан дастгоҳ ёнида-  
Ки, қанча офат бор  
Унинг қонида.  
Иш — иш-да!  
Иш доим бўлсин-да михдай!  
Патрон цех,  
Бамисли макарон цехдай,  
Дастгоҳ пиш-пиш қилар.  
«Туф!» — дер.  
Саватга  
Мимит ўқлар учиб тушади сатда,  
Снаряд, бомбанинг —  
Уша момоси.  
Олти йил,  
Олти йил —  
Умр асноси —  
Йигирма уч ёшга киргунча  
Шундоқ

Утди-кетди  
Демак, бир ўзингга боқ...

Емғирдай ўқ бўлиб қўрғошин оқим  
Ливерпуль,  
Брестга тушгунча токим  
Ҳали вақт бор эди.  
На жон ҳовучлар  
Ҳали бу ўқларга ем бўлгувчилар,  
Билишмас,  
Дунёдан ҳали кўп умид,  
Оёғи бор,  
Соғлом ҳали Гофман Курт.  
Ўзи ҳам, Герман Хорст,  
Тақдирни қарғаб,  
Бомбадан қочай деб,  
Урага сакраб,  
Бегона шаҳарга  
Кирган йўқ ҳали,  
Инсонни  
беомон  
қирган йўқ ҳали.

Ёш эди,  
Қайиқни биларди жуда,  
Суюкли қиз билан еларди жуда.  
Лотгамас,  
Мари —  
ҳа, илк муҳаббат бу,  
Марига гуллардан ҳадя қилар у,  
Қўшиқлар айтарди.  
Хушбахт эди, шод:  
Ёри бор.  
Бағрига чорлади завод.  
Ёнма-ён ишларди —  
бир гапдан қолмас,  
ангалчи,



Шартаки,  
Бетгачопар Ганс.  
Цехга кириб,  
Қаттиқ гапирарди қув:  
— Патрон цех,  
Гўёки, вайрон цехи бу.

Дастгоҳни тиндирмас.  
Қайтаркан ишдан:  
«Эринма,— дер,— қўлни  
Тоза ювишдан.  
Қўрғошиндан ахир,  
Келар қон ҳиди».  
Зарарли одам бу, дейишар эди,  
Ишдан ҳам қувилди.  
Экан омадсиз!  
Шундан бери сувлар  
Оқди ададсиз,  
Шаҳарларни босди,  
Далалар кезди,  
Хандақлардан сакраб,  
Еллардан ўзди,  
Қирқ бешинчи йил ҳам  
Орқада мана...  
У яшар,  
Яшайди,  
яшайди яна.  
Нега ортга боқсин,  
Бош қотирсин у?  
Кимга бундан наф бор?  
Кимга бу қайғу?  
У — кичик,  
У — унут бир одам ахир,  
Чўлоқни  
соғ этиб бўлмас барнбир.

Барибир

    Ўлганлар тирилиб келмас —  
На дўстлар,  
На ўзин волидаси...  
Бас!

Хорстни овутарди  
Шунақа хаёл.  
Бирдан — Ганс!  
Қария!  
Қариямас, чол.  
Наҳот бу,  
Уша Ганс,  
Шартэки ва қув?  
«Патрон цех —  
Гўёки вайрон цехи бу...»

\* \* \*

Ёнма-ён  
Майсага чўкдилар икков.  
— Бормисан?  
— Ҳа...  
Умрим ўзимга сийлов.  
Гоҳ ҳазил қиламан,  
Йиғлайман баъзан,—  
Тупурар бир четга:—  
Дунё шу экан...

У пайтлар...

Башангман, уст-бошим бут,  
Марш!— деса учаман,  
Кутар йиғув пункт,  
Бир ён — жанг,  
Бир ёнда — хотиним хомуш...

Бекорчи қўлларга топилди юмуш:

Тепки кўтарилсин,  
Енг шимарилсин,  
Варшава қон ютар!  
Москва билсин!  
Ёриб ўтдик!  
Зафар!  
Зафар ҳам пойдор!  
Камар тўқасида —  
«Худо бизга ёр!»,—  
Шунга ишонибман  
Паққос мен галварс.  
Аммо душман очган ўтлар:  
«Гум», «қарс», «чарс»—  
Титратиб,  
Бинг ўраб кетарди гоҳо...

Асир тушдим.  
Сен-чи?  
Жанг қилдингми ё  
Дастгоҳнинг ёнида?  
Лекин дегил рост!

Сигаретни эзди товонида Хорст.  
Чакка чандиғини  
Силади мағрур:  
— Мен бўш келганим йўқ.  
Сўнгига довур  
Олишдим.

— Фиртсан-да!  
— Бурч бор-ку, ахир?  
Солдат бурчи?!  
Мен ҳам  
Сендек бетадбир,

Автомат ташлашни  
Қилсайдим одат...  
Мен қўрқоқ эмасман,  
Немисман!  
Солдат.

Ганс оппоқ оқарди,  
Аммо турган йўқ,  
У аста,  
Қафтида юмалатар ўқ.  
Шафаққа тикилиб  
Тингларди фақат,  
Келарди акс-садо:  
«Немисман!  
Солдат!»

## 10

— Мен қўл кўтармадим.  
Барибир энди,  
Бўлди,  
Бўёқчининг бўёғи синди.  
У-чи,  
Худди сендек  
Турар олдимда.  
Кўзларин кўрмасдим.  
Нигоҳи зимдан  
Ўлим ҳукми янглиф  
Чарақлар эди,  
Қўлида автомат шарақлар эди.

Он ўтар —  
Мен шунда  
Йиқилгум сассиз,  
Қирқинчи йилдаги полякдай ожиз,

Великие Луки ёнида ўлган  
Совет Армиясин жангчиси бўлган  
Йигитдай қуларман,  
Йўқдир ўзга йўл,  
Улар ҳам  
Мен каби  
Кўтармаган қўл.

Ушанда  
Уларнинг устидан ошиб,—  
Блицкриг ахир!—  
Югурдик шошиб.  
Аmmo у шошилмас.  
Бирдан гўлдирар:  
«Юр!»  
Мен-ку биларман,  
Аниқ, ўлдирар.  
Мен орқа ўгирдим,  
Елкамда шу он  
Офтобнинг тинганин сездим ноғиҳон,  
Милтиқнинг нафаси  
Кезарди нохуш.  
Пақ этса —  
Кифоя.  
Мен бамисли туш,  
Чоҳга қулагандек  
Кетарман бадар,  
Елдан паст,  
Кераксиз бир буюм қадар.

Битта қадам босдим.  
Сўнг яна...  
Яна...  
«Тўхта!»— деган сўзни  
Эшитдим мана.  
На тирик, ўликман,

Қулоқ кар,  
Кўз кўр.  
У деди:  
«Црюк юр.  
Мана бу ёқ юр».  
Мен-ку, биламан-а,  
Тамом! Аямас.  
Кўксимдан отар нақ.

Боқсам бир нафас,  
Бўрондан паналаб,  
Утирмас чўчиб,  
Пайтавасин созлар,  
Этикни ечиб,  
Гўё мен душманмас...  
Шундай хотиржам.  
Битта қадам босдим.  
Тағин,  
Бир қадам...  
«Яна сал...— ўйлардим.—  
Қочаман боплаб!»

Бироқ у қўзғалди.  
Милтиқни тоблаб:  
«Қайга кетар бўлсанг,  
Шу ён юр,— деди,  
Шарқ томонни имлаб:  
— Бўл, югур!»— деди.  
Боқди-ю  
Куйдириб кетди нигоҳи.

Мен-чи,  
Ҳайрон эдим,  
Ажабо, роҳим —  
Кесилгандай бўлар,  
Қадам ташласам.

Ортга қайтсам —  
Уйга ета олмасам...  
Олға юрсам,  
Олдда — дашту биёбон,  
Айланиб ўтмоққа  
Сира йўқ имкон,  
Саҳрои Кабир  
Ип эшолмай қолар...  
Қорлару куллардир,  
Куллару қорлар...  
Билардим,  
Олдинда ўт йўқ, ҳаёт йўқ,  
Ҳеч қайдан,  
Ҳеч қайдан дарду имдод йўқ.  
На бир уй,  
На бирор милтираган чўғ...

Мен — одам  
Одамдан қочардим беруҳ,  
Мен — одам,  
Аммо нақ тимсоли соя,  
Вайрона ерлардан  
Қочардим гоят —  
Вайрона —  
Миназор майдондан ёмон,  
Мен — одам,  
Изламас эдим лек макон.  
Умидвор эдим мен шўрлик:  
Ниҳоят  
Бирорта колонна  
Кўринса шояд —  
Қўшилиб олардим.  
Аммо кунба-кун,  
Ваҳима,  
Қўрқувдан жигар-бағрим хун,  
Бундоқ ваҳимага

Тушмовдим ҳануз.  
Туртиниб-суртиниб  
Борардим  
муз-муз,  
Тўна бошлар аста  
Аъзои бадан.

Биласанми!—  
Хўроз чақирди бирдан.  
Шундоқ ер тагида қичқирар,  
Тонгда,  
Сигмас,  
Жо бўлмасди  
Шуурга,  
Онгга.  
Шипшийдам саҳрода  
Жуда ҳам соз-ку,  
Бироқ қаерда у,  
Қандай хўроз у?  
Атрофда на ғарам,  
На бир қўноқ бор,  
Бутун чўл  
Ўқ отар каби харобзор,  
Хўроз қичқириши  
Жуда ғалати!  
То ҳануз  
Бу менга  
Нашъа қилади...

Бўлганимча бўлдим,  
Шунда, қария,  
Қаҳратон қирчиллар  
Борган сари-я!  
Нафас олганинг — муз,  
Чиқарганинг — чанг.



Мен йиртиқ этикда  
Музламай аранг,  
Қақшардим,  
Чўкканча қорга юнгсимон.

Гўрдан чиққан каби  
Хўроз ноғиҳон  
Қичқирди!

Мижжалаб очдим кўзимни,  
Шундай бир ҳолатда  
Қўрдим ўзимни:  
Қошимда турарди  
Қуюқ бир тутун.  
Билмайман,—  
Мен қандай бордим,  
Қай йўсин.  
Тутунга ўралдим,  
Юмшоқ эди у.

Кун чиқа бошлади,  
Тутунлар, ёҳу,  
Дашт узра кўпдан-кўп,  
Қор мисоли оқ.  
Англадим:  
Пойимда бор эди қишлоқ,  
Бамислй қабристон —  
Йўқдир бирор том.

Барин биз ер ичра  
Қувдик-ку тамом!  
Ўлигин ҳам қувдик,  
Тиригини ҳам.  
Ахир, Хорст,  
Биз олий зотлармиз, пойдор,  
Бизлар бебаҳомиз,

Худо бизга ёр!

Сафсата бу!

Кейин тушундим, афсусл

Ушанда,

Баданим

қалтираб муз-муз,

Иссиққа талпинар эди беомон.

Чимчилар,

Ачитар қора қаҳратон!

Дерлар, ўлар ҳўкиз

Болтадан тоймас:

Бир эшикни урдим.

Бир хотин бесас

Кўринди-ю,

Ортга шитоб чекилди!

Мени

Бир махлуқ деб

Билди шекилли.

Автоматим бордай

Туюлдими ё?

Бурчакка қисилиб

Олди бенаво.

Ортида — болалар, сочлари тўзиқ...

Ушанда билсанг, Хорст,

Бўлди хўп қизиқ!

Бундайи умрда

Бир бор бўлади:

Қўлимни кўтардим

Шу ертўлада!

Бутхона ичига киргандай гўё

Одамлар келишар

Жим,

мотамсаро,

Уликка боққандай

Тикилишар лол.  
Шу дам кириб келди  
Болта тутган чол.  
Болта сопи билан  
Табурет сурди.  
Сўнгра:  
«Бунга ўтир!»— дея буюрди..  
Қани айт,  
Ушанда бурчим қилсам пеш,  
Бурч десам,  
Инсофдан бўладими ҳеч?  
Ҳеч ким пеш қилолмаса,  
Мен тугул  
Сен ҳам!  
Қайси бурч?  
Барини кул этган бўлсам!

Уларнинг кўзига  
Термилсанг бир-бир —  
Қарамаслик қийин,  
Қараш ҳам оғир.  
Шундай тикилади ололмаган ўч..  
Мен дедим,  
Гитлернинг ўйлагани пуч,  
Гитлер айбдор,  
Мен бир солдатман, хомос  
Ўт қўймоқ,  
Отмоқни истамайман, рост.  
Аммоки, уларнинг олдида бу дам,  
Гитлермас,  
Шўрлик Ганс ўлтирар мулзам.  
Неча йиллар ўтди орада ахир,  
Неча майдонларни  
Айладик тақир.  
Мозорлар бесаноқ,  
Дарё-бадарё...

Кўзлар қарай олмас,  
Юзлар ҳам қаро...

Улар ҳақ,  
О, менинг  
Гуноҳларим зил!  
Барибир, нон бериб,  
Дедилар: «Боргил!»  
Юзга солмадилар,  
Дилсизга ўхшаб:  
Олдинда ҳол ўша,  
Манзара ўша,  
Қорайган қишлоқлар,  
Қирлар,  
Адирлар...

Колонна учради йўлда:  
Асирлар!  
Ҳаммага баробар  
Тегди гуноҳлар,  
Ҳамма бўйин товлар,  
Ўзини оқлар.  
Бизни алдадилар,  
Унатдилар, дер,  
Бизга буюрдилар,  
Жўнатдилар, дер.  
Тузук, ўлмай қолдик ахир,  
Ҳар ҳолда...

Бизга тутқаздилар  
Белкурак, .  
Болта,  
Аммо, кул этганим,—  
Гарчандки шай мен —  
Болта билан  
Қандай тиклай олай мен?!



Бизларга эмас.  
Бизларга — бурч-бурч ёр!  
Ут қўй, деса, бас.  
Мен,— аста турди у,—  
Ёқдим,  
Ут қўйдим!  
Бир марта...  
Бир уйга,  
О, бензин қўйдим!..  
Болалар дилдираб  
Қорда қолишди,  
Яланг оёқ,  
Инграб-синграб нолишди...  
Бари — яланг оёқ!!!  
Англайсанми ҳеч?!  
Бизга — хоч,  
Қўкракка тақилгувчи хоч!  
Бизларга — дўнгликлар,  
Қабрлар дўнги...

Мардмас,  
Қўрқоқлармиз!  
Шу — гапнинг сўнги!

Буталар ичига ирғитди ўқни.  
— Қария,  
Қўнглингга олганинг йўқми?  
Қўполман... узр-да...—  
Ултираркан Ганс  
Ёвшанга тикилиб қолди бир нафас.  
Ёвшан эмас,  
Гулхан эди бу гўё,  
Ҳув ўша Донецкнинг соҳили аро  
Ловуллаб балқиган ўтга ўхшарди.  
Болалар-чи,  
Қорда титраб-қақшарди...

Қурбонлар қисмати — сукутми ёлғиз?  
 Албатта, дейсиз сиз,  
 Ҳақ эмассиз, йўқ.  
 Қалб бор экан.  
 Асаб этар экан ҳис  
 Улар фарёди-ла  
 Тўла еру кўк.  
 Улар фиғон айлар қалбларимизда,  
 Бизларга қайишиб  
 Чекарлар фарёд,  
 Уйқу инмаганда тунлари кўзга,  
 Босиб келганида ўтмиш — гирдибод.  
 Улар фарёд этар,  
 Осойиш тонгда,  
 Шаҳарни тутганда боди саҳролар,  
 Юлдуз юлдуз билан сирлашган онда,  
 Ҳайкаллар тинч нафас олган аснолар.  
 Улар фарёд айлар —  
 Ухламангиз дер,  
 Кўз кўрмас, сезгир қўл силар беозор.—  
 Биз учун,  
 Биз учун  
 Буюк она-Ер,  
 Беш қитъали Замин  
 Бўлсин, дер, ёдгор,  
 Буюк Ер!  
 Зулматда елиб боради,  
 Шиддатдан  
 Кичраяр глобус мисол.  
 Ер узра —  
 Хотира кезиб юради,  
 Хотира — кичкина сарпойчан аёл.  
 У борар,  
 Жарлардан ўтиб шиддаткор, -

Виза даркор эмас,  
Прописка ҳам.  
Кўзида —  
Тул хотин ҳасратлари бор,  
Бор,  
Она қалбини адо этган ғам...  
Мудроқ кўкатларда  
Ўйнаган елдай,  
Қулоққа чалинмас  
Қадамидан сас.  
Уруш касофатин тортган ҳар элда  
Рўмоли ўзгариб борар басма-бас.  
Рўмол эди унга  
Юртлар байроғи:  
Француз,  
Инглиз,  
Чех туғин ўрарди,  
Гоҳ норвег,  
Гоҳ поляк...  
Аммо ардоғи —  
Ватаним байроғин  
Азиз кўрарди.  
Бу — зафар байроғи.  
Шуъласи балқиб  
Қайғу, қувончларни  
Айлар нурафшон,  
Бу байроқни  
Мунис юртдошим, балки  
Озғин елкасига  
Солар шу замон.  
Мана борар,  
Ғамин яширмай беҳол.  
Менинг уқубатим,—  
Дард,  
Илҳом,  
ғулу.



Гданьсклик тикувчи шудир эҳтимол?  
Балки тулузалик кирчи хотин шу?  
У борар,  
Ўзини ўйламай тамом,  
Дунё ташвишини кифтига ортиб.  
Ҳайкаллар ғоз туриб беришар салом,  
Ёдгорликлар таъзим этишар қотиб —  
Турли фронтлардан,  
Концлагерлардан,  
Волгадан то Ла-Манш —  
Мозорлар аро.  
«Рейнга бор»,—  
Дейишар,  
Ўша ерларда  
Реванш ўти  
Ёниб турар бедаво.  
Реванш ўти ёнар,  
Ёнар қасоскор,  
Қабоҳат,  
Лоқайдлик зулматиға ғарқ.  
Қаримта дегувчи  
Генераллар бор,  
Қурол қироллари яшар муаллақ,  
Бари Рейн томонда,  
Йўқотган ором,  
Отилмоқ истайди биринчи ўқ ҳам...  
Қирмас қиролларға Хотира мудом.  
Содда аёл яхши билар:  
Муттаҳам —  
Қиролларға нима!  
Даркорми кўзёш?..  
Қиролларда, нима, борми  
Қалб,  
юррак?..

Шарқ ёнар,

Чиқмоққа шайланар қуёш,  
Бугун — зўр,  
Бир жонон кун бўлса керак.  
Булутлар учи ҳам қизариб қолди,  
Москва устида,  
Қишлоқ устида,  
Волгада хўрозлар  
Озроқ тин олди,  
Рейнда —  
Қичқирришга энди тушди-да!

Тун оқар.  
Ухласа бўлар.  
Аммо Хорст  
Бедор,  
Газплита ўчганмас ҳамон.  
Бир ҳовуч ўқ олди —  
Иш тугар паққос!  
Яшилранг қуймалар  
Эди ҳар томон,  
Язь балиғи янглиғ  
Кулчатарз-ку, баъд,  
Тегирмон тошидай  
Зил эди жуда.  
У ўтни ўчирди,  
Нечадир соат?  
Чоракам тўрт.  
Турмоқ даркор олтида.  
Лотта бутерброд ҳозирлаган-ку,  
Балки халтага ҳам солгандир...  
Ортиқ  
Ҳориб-чарчади-ей!..

Шу пайт кирди

У.

— Кимсан?— дер ўзини орқага тортиб.

— Танимадинг.  
Уруш Хотираси мен.—  
Қизил шол рўмолга ўралди аста.  
— Сен рус аёлисан.  
Нечун келдинг сен?  
Юртингга бормовдим.  
— Йўқ, мен шикаста  
Парижлик аёлман,  
Чехман,  
Мен — башар,  
Бир бор азобимни  
Тортиб кўр, каззоб!—  
Кифтида байроқлар бир-бир алмашар.  
Чеҳраси,  
Овози ўзгарар шитоб.  
Фақат бир хил эди  
Кўздан оққан ёш.  
Тубсиз ғам қаъридан  
Отилган фиғон,  
Кўз ёшга ҳамиша  
Ҳасрат қайғудош,  
Кўзёш ҳамма жойда  
Шўр мисли уммон....

Фақат кўзёш ўша.  
Ғазаб ҳам ўша,—  
Қасамдек кўзларда пориллаб турган.  
— Фарзандларим отдинг қилмай андиша,  
Мен — она,  
Қошингда зориллаб турган!

Фақат кўзёш ўша.  
Соч оқи ўша —  
Кулранг қор,  
Қўрғошин мисли жилоси.  
— Тингла!

Кўкрагимда фарёд ҳамиша,  
Фарёдмас,  
Сен отган ўқлар садоси!  
Билдингми?!—  
Ҳайбатли ҳакамдай зил-зил  
Қадоқ қўли билан  
Хорстни силади:  
— Кўзингга жо бўлгай  
Бедорлигим, бил,  
Қаҳрим кипригингни  
Кул-кул қилади.  
Кундуз ҳам ухлатмас,  
Тун ҳам!  
— Йўқ, асло!  
Мен оддий аскарман.  
Аскарман, холос!  
Аскарга ҳар қандай  
Айб — нораво!

Йўқ!  
Йўқ!  
Аскарни ҳам айблайдилар, Хорст!

## 12

Худди шу пайт,  
Жиндай наридан  
Деразага  
        учиб кирди  
                        ўқ.  
Учиб келди  
        ўтмиш қаъридан,  
Тўрпардага ҳатто теккан йўқ.  
— Сеникиман,

Лаҳза мисоли,  
Мисли учқур  
Кул қилгувчи барқ.  
Сенсиз,  
Сенинг кўзингсиз,  
Ҳолим —  
Оғир,  
Мақсад айлар мени тарк.  
Яна бири!  
Яна!  
Сўнг чоғда  
Қаторлашди  
                    ўқ кетидан ўқ —  
Ҳар хил ўқлар  
                    ёмғирдай ёғди,—  
Шкафда ўқ!  
                    Ер бетида ўқ!

— Сеникимиз!  
Ҳайиқма асло.  
Сен қуйгандинг  
Бизни нақ олтин.  
Ҳузурингга қайтик бу асно,  
Қайтик бизлар —  
Парвоздан олдин.  
— Сенга!  
— Сенга,  
                    зимистондан, Хорст!..  
Гоҳ йирикдир, гоҳ майда ўқлар.  
— Сен инсонсан!!!  
— Биз!  
— Биз!  
— Биз эсвос.  
— Биз —  
                    ўқлардек  
                    тамизи йўқлар!

Ўз билгимиз  
Билан биз, ахир,  
Елмадик-ку кўкда баттарин?  
Сен — инсонсан,  
Ана, бирма-бир —  
Қелишмоқда —  
Ўлдирганларинг:  
— Сенга!  
Порох тўзони аро.  
— Сенга!  
Ернинг бағридан келар.

— Бари ёлғо-о-он!..

Аmmo бу садо  
Тишга чиқмас,  
Бўғизда қолар,  
Хорстнинг ўзин куйдирар,  
Тани  
Қалтирайди,  
Босган совуқ тер.

Қўзин очди:  
Урар дарчани,  
Эзма ёмғир,  
Одатий ёмғир...

Хотинининг  
Юзими бу юз?!  
Хотинининг  
Қўлими бу қўл?!

Ёнбошига ўгирилар ҳолсиз,  
Хотинига жилмаяди ул:  
О, қўлларинг майин, шафқатли...  
Гажакларинг жуда ярашиқ...

Хайрият, туш!..  
Тушнинг даҳшатин  
Айтиб турар фақат қорачиқ.  
Бари,  
Бари қолди рўёда:  
Уту олов,  
Қирғин беомон  
Ўнгида-чи —  
Афсус,  
Афтода  
Кексаликдан ташвишланар жон.  
Бажаргандай ўз ишин аъло  
Соат,—  
Герман тер тўкар жуда.  
У, —

тушларга ишонмас асло,  
Эслаб юрмас  
ҳуда-беҳуда.

Юмуши кўп бағоят.  
Шундан  
Уйқусида маза йўқ.

Аmmo

Герман топган нарсани чиндан  
Кўрмас биров тушида ҳатто!  
Қўрғошин-а!  
Қайнар хум тахлит  
Ер устида ётибди аён.  
Элашга ҳам кўп ўнғай,

яхлит,

Қулупнайни теришдай осон.  
О, қўрғошин...  
Бутун ёз бўйи  
Оилани боқиб беради.  
Тинч бўлади Германнинг уйи,  
Сўнг теради,  
Такрор теради.

Қўрғошиндан нима қуярлар,  
Яратурлар қандайин корга,  
Қуроллардан тоғми уярлар —  
Бу хусусда  
Герман бекорга  
Бош қотирмас.  
Нима фарқи бор?  
Ундан йироқ бунақа тишвиш.  
У — ўйламас,  
ўйламас зинҳор!

Иш-да бу,  
Ўз номи билан —  
иш.

Ўқотарга  
Қатнов мўл ҳар кун,  
Юмуш бўлса,  
Аниқ ва аён.  
Фақат айлар бир нарса дилхун,  
Бир нарсадан  
Кўнгли зимистон:  
Ёмғир... Ёмғир...  
Тинмас бояқиш  
Гўё кўз ёш  
Тўкарди осмон.  
Ёмғир фасли.  
Олдинда-чи — қиш...  
Қиш фаслининг бир жойи ёмон:  
Ўқотарни кўмади қор,  
қор,

Қоқ белига тепар  
Ишнинг ҳам.  
Экин-тикин бўлмайди зинҳор,  
Улик мавсум...  
Тобакай кўклам —  
Келгунича кут,



Ботгил қарзга,  
Иккиламчи...

Бирдан — қадамлар!  
Ларза солиб курраи арзга  
Қадам!  
Қадам!  
Борар одамлар!  
Тошкўчада,  
Асабга тегар,  
Бир маромда,  
Дағал,  
Қўпол,  
Қўрс —  
Қадам!  
Қадам!  
Гўё тошкесар,  
Тошкесарлар  
Ишларди гурс-гурс!

Руди  
Бирдан йиғлар,  
тутақар,  
Лоттада ҳам  
Ранг қолмади,  
ранг.  
Хорст бир сакраб  
Дарчадан боқар:  
Пиёдалар  
Борар сержаранг...  
Худди шундай  
Урушдан аввал  
Қатор бўлиб  
Силжирди қўшин...

Жез қалпоқли саф

Тўқис,  
тугал...  
Хорстнинг учди  
Бошидан ҳуши.

Сафдан сўнг — саф.  
Сафдан сўнг — саф.  
Арвоҳ эмас, бари роботдир.  
Бир пайтдаги .  
Германга ўхшаб  
Эсвосликда  
жуда  
собитдир.

Лашкар — лашкар.  
Лашкар сархил.  
Тартиб  
ўша,  
пруссча тартиб.

Тўхта,  
Тўхта,  
Бу — нечанчи йил?  
Олтмишинчи!

Балки ўзгарди?  
Ўттиз саккиз балки,  
Олтмишмас?  
Тарақ,  
Тарақ!  
Янграр тошкўча.  
Дабдабали,  
Гурсиллаган сас  
Асабларга,  
дилларга кўчар.

Барчасида — бир  
мовут кийим,



Лекин

Ўтмиш ёдимда — қасам!  
Ана, янграр майдонда садо,  
Қимдир

мағрур берар команда...  
Поэма ҳам топар интиҳо,  
Аммо битта хавотир менда:  
Поэма-ку оёқлар, лекин  
Уша жойдан

бошлашар улар:  
Боз — ўқотар,  
Қийимлар текин...  
Уқ отишни такрор машқ қилар.  
Улдирмоқни

ўргатишар хўп,  
Жон олмоқдан  
берурлар таълим.

Нега жимсан,  
Кўриб туриб Хорст?  
Сасинг чиқмас,  
ҳалимсан,

ҳалим?!

Ҳар қадаминг билурман,  
Ҳатто  
Таърифингни қилди каломим,  
Ўқотардан  
Гўрларгача то —  
Не буюрган  
Бўлса илҳомим.  
Бизга бу хок азиздир мангу.—  
Қалбимизда  
Чин ҳақиқат бор:  
Қадамларни  
Шартта кесар у,

Ҳайкалларда  
Яшар пойидор!  
Бош кўтариб  
Бонг ураман мен,  
Мавжудотни тутади овоз!

Ўксиз Куртга қўл бераман мен,  
Шўрбахт Гансга қўл бераман мен,  
Қўл чўзмайман сенга ҳали, Хорст...

*1956—1962*

### *Мундарижа*

Уфқларни куйлаган шоир. <b>Муҳаммад Али</b> . . . . .	3
Хотира уфқи. <b>Раззоқ Абдурашид</b> таржимаси . . . . .	5
Хотира ҳукми. <b>Муҳаммад Али</b> таржимаси . . . . .	139

*На узбекском языке*

*«Библиотека Дружбы»  
Поэзия народов СССР*

Исаев Егор Александрович

Поэма моей жизни

(Две поэмы)

Перевод с издания издательства  
«Молодая гвардия»  
Москва — 1979

Тақризчи Ҳусниддин Шарипов

Редактор *А. Суюнов*  
Рассом *А. Кива*  
Расмлар редактори *А. Бобров*  
Техн. редактор *С. Қодирова*  
Корректор *С. Тоҳирова*

ИБ № 2895

Босмахонага берилди 22. 03. 84. Босишга рухсат этилди 18. 10. 84.  
Формати 70×90<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босмахона қоғози № 3. Адабий гарнитура.  
Юқори босма. Шартли босма л. 8,48+0,22 вкл. Шартли кр. отт.  
9,27. Нашр. л. 11,2+0,33 вкл. Тиражи 8000. Заказ № 205. Баҳо-  
си 1 с. 60 т.

Гафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129,  
Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича  
ЎзССР Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб  
чиқариш бирлашмасининг 2-босмахонаси. Янгийўл, Самар-  
канд кўчаси, 44.

**Исаев, Егор.**

Умрим достони: Достонлар / (Редкол.: С. Азимов ва бошқ.).— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984.— 232 б.

Ленин мукофоти лауреати Егор Исаев номи Бутуниттифоқ ўқувчиларига таниш ва қадрдон. Унинг «Хотира уфқи», «Хотира ҳукми» достонлари айниқса машҳур. Бу икки достон ўзбек тилида биринчи марта жарангламоқда.

Исаев, Егор. Поэма моей жизни. Поэмы.